- Ўзбек адабиёти бўстони –

Алишер НАВОИЙ

ҲАЙРАТУЛ-АБРОР

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

БУЮК ШЕЪРИЙ ХАЗИНА

Алишер Навоий Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»ларига бир бутун, яхлит асар сифатида қаради, ўзбек тилида турли мавзуларда мустақил достонлар эмас, балки бир-бирини ғоявий-бадиий жиҳатдан маълум даражада тўлдирадиган, яхлит бир асар деб ҳисобланиши ва «Хамса» деб аталиши шарт бўлган достонлар мажмуасини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бунга қадар Навоий ўз лирик шеърлари билан танилган — «Бадоеъул-бидоя» ва «Наводирун-ниҳоя» девонларининг муаллифи сифатида машҳур эди. Навоий 42 ёшида «Хамса»нинг биринчи достони — «Ҳайратул-аброр»ни ёзишга киришди ва шу йилиёқ уни тугаллаб, «Фарҳод ва Ширин» достонини бошлади. 1484 йилнинг бошларида «Фарҳод ва Ширин», шу йилнинг февраль-март ойларида «Лайли ва Мажнун», баҳор ва ёз ойларида «Сабъаи сайёр», 1485 йилнинг ўрталарида «Садди Искандарий» достонлари қўлдан чиқди. Яъни «Хамса» достонлари устида Навоий ҳаммаси бўлиб икки йил машаққат чекди.

Навоий «Хамса»синининг яратилиши ўзбек адабиёти ва маданияти тариҳидаги энг катта воқеалардан бири бўлди. Навоийга қадар ҳеч ким ўзбек тилида бундай улкан асар ёзишга журъат эта олмаган эди. Навоий «Хамса»синининг муҳим бир хусусияти шундаки, ундаги достонларни мустақил асарлар сифатида ўқиш, қабул қилиш ҳам мумкин, бир бутунликда тушуниш ҳам. Бу достонларнинг ўзаро бир-бирига яқинлиги, яхлитлиги, бир-бирини тўлдириши уларнинг энг илғор гуманистик халқпарварлик концепцияси асосида яратилгани, бу концепциянинг достондан достонга чуқурлашиб боришидадир. Масалан, Навоий достонларида юзлаб қаҳрамонларнинг тақдирига дуч келамиз. Улар ранг-баранг сюжетлар асосида ёритилган. Бир сюжет иккинчи сюжетга, бир қаҳрамон тақдири иккинчисиникига ўхшамайди. Лекин уларнинг ҳаммасида «Хамса»нинг бошидан охиригача инсонни улуглаш, унинг дардларига ачиниш, халқ бахт-саодати учун курашиш ғояси етакчилик қилади.

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр» фалсафий-дидактик характерга эга бўлиб, бу жанр Навоийга қадар тўрт-беш юз йиллик, балки ундан ҳам ортиқ тарихга эга эди. Лекин Навоий Низомий, Хусрав Деҳлавий изидан бориб, ўз асарида шундай муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалаларни қўйдики, бу жанрга янгидан жон киритди. Чунончи, у ўз давридаги феодал зулмни, талончиликни, жаҳолатни фош этиб, бундай ярамасликларнинг бошида турган шоҳга қарата қуйидаги сатрларни битган эди:

Эйки, қавий айлади давлат қўлунг,
Зулм сори тушти ва лекин йўлунг.

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам,

Ким қиладурсен они ўзунгга ҳам.

Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил они, бўлса сенга ҳуш ёр.

Чунки фараҳ базмига азм айладинг,
Айшу тараб азмиға базм айладинг.

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлуб.

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин.

Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳарнигор.

Хиштини масжид бузубон келтуруб,
Тошини эл марқадидин еткуруб.

Анда тузуб маснади шоҳаншаҳи,
Айшу тараб жоми учун муштаҳи.

Таниқли шарқшунос Е. Э. Бертельс «Ҳайратул-аброр»нинг шу хил жиҳатларини кўзда тутиб, «Низомий» деб аталган монографиясида қуйидагиларни ёзган эди: «Гарчи Навоий поэмаси «Маҳзанул-асрор»га жавоб тарзида ёзилган достонларнинг кўпчилиги сингари сўфиёна рангга эга ва ундаги тамсилларнинг сюжетлари эса сўфий авлиёлар ҳақидаги маноқиблардан олинган бўлса ҳам, лекин бу, дейиш мумкин, Низомий «Маҳзанул-асрор»ига жавоб сифатида ёзилиб, Низомий достони учун характерли бўлган сиёсий ўткирликни сақлаб қола олган ягона асардир».

Навоий «Ҳайратул-аброр»да шоҳ ва унинг амалдорларини, риёкор шайхларни, очкўз феодалларни, порахўр мансабдорларни аямай танқид қилар экан, уларнинг сатирик образларини чизиб, шеъриятни, достончиликни реал турмуш эҳтиёжларига яқинлаштирди. Шу билан бирга адолатни, инсонпарварликни, меҳнатсеварликни, саховатни, ишқ ва муҳаббатни, ҳалолликни, ростгўйликни, маърифатпарварлик на шунга ўхшаш бошқа инсоний фазилатларни улуғловчи сатрлари билан эса ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккур даражасиии, шеъриятнинг жанговарлигини янада юқори кўтарди.

«Ҳайратул-аброр» муқаддима қисмига оид бир неча боблардан ташқари 20 мақолат, ҳар бир мақолатга оид 20 шеърий ҳикоядан ташкил топган бўлиб, мақолатларнинг ҳар бирида Навоий ўз даври учун зарур бўлган бирор ижтимоий-сиёсий ёки аҳлоқий проблемани қўяди, уни ўз давридаги ҳаётдан, ижтимоий табақаларнинг аҳволидан келиб чиқиб чуқур ва атрофлича таҳлил қилади ва унга ўз гуманистик муносабатини билдиради. Масалан, сахийлик ҳақида гап борганда (бешинчи мақолат) шоир сахийликни ва сахий кишиларни мадҳ этади, уларни ҳеч қачон хасисликка юз ўгирмасликка чақиради. Шу билан бирга ном чиқариш учун бойликни сочиб юбориш қаттиқ қораланади:

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот учун,

Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ.
Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.

Навоий ҳукмрон синф кишиларининг ҳушомадгўйлигини, икки-юзламачилигини, ўз

манфаати йўлида ҳар қандай пасткашликдан қайтмаслигини образли қилиб ифодалаган:

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

От анга тортарки, юз илкиси бор,
Сим анга берурки, юз илғиси бор.

Юксак хулқ-ахлоқ учун курашган шоир бу масалаларни халқчиллик нуқтаи назаридан ёритади, меҳнаткаш халқ қарашларини ифодалайди, халқ ва мамлакат учун жон фидо қилган кишиларни ўз идеали деб билади, уларни хоналарни ёритган шамга, оламни нурга тўлдирган қуёшга ўхшатади. Кишилардаги бадбинлик, ялқовлик, жаҳолат, маишатбозлик, майпарастлик, носамимийлик, чақимчилик каби иллатларни фош этишга ҳам достоннинг юзлаб сатрлари бағишланган. Бу масалалар талқинида Навоий тили ёркин, ифодали бўлиб, халқ жонли тилига ғоят яқин. Масалан, у ёшларга мурожаат этиб:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға...

Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирини ой англа, бирисин қуёш, —

деб ёзар экан, бу ҳақиқий халқ тили, соф адабий тилимизнинг иамунасидир. Навоий «Хамса» достонларини ўз она тилида ёзиш билан ўзбек адабий тилини тўла шакллантирди, энг ривожланган тиллар даражасига олиб чиқди, унинг бойлиги ва ранг-баранглигини намойиш қилди.

«Ҳайратул-аброр» программа характердаги асар бўлиб, ундаги ғоялар кейинги достонларда ноёб сюжетлар, хилма-хил қаҳрамонларнинг ёркин образлари, ажойиб ҳикоялар ва оригинал бадиий санъатлар орқали янада ривожлантирилди ҳамда чуқурлаштирилди. «Хамса» Навоий ижодининг чўққиси бўлиб, кейинги ўзбек ва бошқа туркий халқлар адабиётлари тараққиётига кучли таъсир кўрсатди. XV асрдан кейинги озарбайжон, туркман, татар, уйғур, турк, қорақалпоқ ва бошқа халқлар шеъриятини Навоий ва унинг «Хамса»си таъсирисиз тасаввур этиш қийин. Шу билан бирга «Хамса» достонлари ва улардан намуналар рус, украин, озарбайжон, уйғур, тожик, белорус, венгер, немис ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ўзбекистонда сўнгги йилларда «Хамса» достонларини насрийлаштириб, оригиналга нисбатан соддалаштирилиб нашр этишга ҳам аҳамият берилмоқда. Бундай ишлар ўтмишда Умар Боқий, Маҳзун каби адиблар томонидан ҳам килинган.

Бизнинг давримизда Навоий «Хамса»сини ўрганиш бўйича ҳам талай ишлар қилинган. Бунга Олим Шарафиддинов, Ойбск, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Е. Э. Бертельс, В. Зоҳидов, Л. Қаюмов, П. Шамсиев, Ғ. Каримов, С. Муталлибов, А. Рустамов, С. Эркинов, Н. Маллаев, А. Абдуғафуров, С. Нарзуллаева, Б. Валихўжаев, Т. Аҳмедов каби навоийшунос олимларимиз ва адибларимиз ўз улушларини қўшдилар. Бироқ «Хамса»ни ўрганиш, тадқиқ этиш ишларига сўнгги нуқтани қўйиш мумкин эмас. Чунки бу хил асарлар ҳақида ҳар бир янги авлод сўзини айтади ва ўз баҳосини беради. Демак, Навоий «Хамса»си бўйича илмий текшириш, изланиш олиб бориш, фаоллик билан муҳокама-мулоҳаза юритиш, мусоҳаба ва мунозаралар уюштириш бундан буён ҳам ҳамиша давом этади. Навоий ўз «Хамса»си билан ўзбек адабиётини, жаҳон адабиёти юксаклигига кўтарди ва ўзи ҳам улуғ достоннавислардан Гомер, Данте, Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий қаторидан ўрин олди.

А. ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Алишер НАВОИЙ

ҲАЙРАТУЛ-АБРОР

I

Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим,
Риштаға чекти неча дурри ятим.

Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.

Риштаси худ иқди жаҳон риштаси,
Дема жаҳон риштаси, жон риштаси.

Ганжи бақо зикрига улким етиб,
Бу дур ила риштани тасбиҳ этиб.

Ришта эмас, турфа камандедур ул,
Давлату дин сайдиға бандедур ул.

Қайси каманд, ўлмади ҳаргиз каманд,
Равзаи фирдавс ғазолиға банд

Бол ариғедурки оқар жон суйи,
Йўқ, демаким жон суйи, ҳайвон суйи.

Ул сув яқосида алифдин шажар,
Шамрасидин ул шажар узра самар.

Йўққи, ўшул риштаи гавҳар баҳо,
Ганжи Илоҳийға эрур аждаҳо.

Ёки булар барчаси таъвил эрур,
Арши муалло аро қандил эрур.

Балки бу қандил аро айлаб аён,
Боғи аҳад фохтаси ошён.

Йўққи, эрур маҳзани ваҳдатқа йўл,
Йўлу не йўл, асру яқин йўлдур ул.

Лекин эрур ҳам қатиғу ҳам маҳуф,
Ўйлаки ожиздурур ондин вуқуф.

Қилғучи бу бодия қатъиға майл,

Аҳли қабулу рад эрур икки хайл.

Азмиға чун қўйди қадам аҳли рад,
Раҳбари тавфиқдин ўлмай мадад.

«Бо»си ибодин урар аввал сало,
«Ё»ки дегай ло не бўлур жуз бало.

«Син»и наҳанг арқосининг арраси,
Юз кеманинг офати ҳар парраси.

«Син» била «мим»и йўлида кўп ҳумум,
Йўли ҳумум анингу ели самум.

«Мим»и йилони дамидин ўт сочиб,
Йўл бошида ётибон оғзин очиб,

Уч «алиф», уч «лом»и солиб рустахез,
Олти жиҳатдин чекибон тиғи тез.

«Ҳе»лар учи қатл ишида тез ўлуб.
Румҳ учидек ҳар бин хунрез ўлуб.

«Ре»лариким зоҳир этиб иқтирон,
Фош ўлуб ондин зарари бегарон.

«Ҳе»си халок этгали қуллобваш,
Маҳлака қалби аро қуллобкаш.

«Нун» чекиб эл саҳми учун ёсини,
Балки бақо заръи учун досини

«Ё»си мухолиф сон ҳарфи нидо,
Яъни, эт оллимда ҳаётинг фидо.

Нуқталари ул йўл аро тошлар,
Тошлар ўлмайки, кесук бошлар.

«Мим»лар анда гириҳ узра гириҳ,
Жазмлар анда зириҳ узра зириҳ.

Ҳар сон «ташдид» тааддуд била,
Зоҳир ўлуб элга ташаддуд била.

Ҳар негаким нозири мақсуд ўлуб,
Аҳли назар кўзига мардуд ўлуб.

Лек қачон қатъиға аҳли қабул,

Азм қилиб айласа ул ён нузул,

«Бо»си бурун «бо»и башорат дурур
Шамраси кирмакка ишорат дурур.

«Син»и саломат йўлининг зинаси,
Балки саодат юзи оинаси.

«Мим»и очиб манзили мақсадға йўл,
Балки бу манзил аро сарчашма ул.

Ҳар «алиф»иким еридур жон аро,
Шамъ ўлуб ул тоза шабистон аро.

«Лом»лари борча ливойи зафар,
Бериб анга жилва ҳавойи зафар.

«Ҳо»си хувиятни қилиб жилвагаҳ,
«Лом»и била қойили «Ал-мулку лаҳ».

Равзаи жаннатға эшик «ро»лари,
Ғунчаи ваҳдатға бешик «хо» лари.

«Мим»ки «нун»дин қилибон интиҳо,
Жонға қўюб миннати бемунтаҳо.

«Ё» била «мим»и қилиб изҳори ям
Айлагали ғарқаи баҳри карам.

Нуқтау ташдид анга чақмоқу тош,
Қилмоқ учун партав «алиф» шамъи фош.

Жазми солиб тавқ кўнгул бўйниға,
Нуқта бақо дуррини жон қўйниға.

Ҳам ҳаракотидин ионат етиб,
Этгали мақсудқа тахрик этиб.

Ҳам саканоти қилиб ифшо сукун,
Анда таваққуфқа бўлуб раҳнамун.

Сойири чун пўяға гомин очиб,
Гардидин атрофиға жонлар сочиб.

Бош-аёғи боштин-аёқ жон бўлуб,
Бошдин-аёғ жон неки, жонон бўлуб.

Азмида ул қавмға доғ узра доғ,

Қатъида бу хайлға боғ узра боғ.

Ҳикмати ул қаҳр аро, бу лутф аро,
Ушбуки тўлғай икки меҳмонсаро.

То агар ўт солса жалолияти,
Лутф ила урғай сув жамолияти.

Истабон, эй хаста Навоий, наво,
Бўйла сафарға қилур эрсанг ҳаво.

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу қўйғил қадам.

«Хайру саноин лимуфизил-карам»,
Ким карамидин эрур эл муҳтарам.

II

Ул холиқ ҳамдиким, маҳлуқот тасвириға анинг қалами сунъи чеҳракушодурур ва маснуот таҳririға анинг хомаи ҳикмати жамолафзо ва ҳар кўнгул ғунчасиға бир ҳусн гули сори анинг силсилаи шавқидин вобасталиқ ва ҳар кўз ахтариға бир қош ҳилоли сори анинг ришtаи муҳаббатидин пайвасталиқ

Ҳамд ангаким вожиби биззот эрур,
Ҳомид анинг зотиға заррот эрур.

Ваҳдати зотиға қуёшдек тонуқ,
Заррадин афзуну қуёшдин ёруқ.

Жисм сипеҳрини масир этгучи,
Руҳ қуёшини мунир этгучи.

Гулшани фирузани чеккан баланд,
Гулларидин меҳрни гулдастабанд.

Ҳар сори анжум гуликим очилиб,
Кўкка бу гулдастасидин сочилиб.

Минтақа бирла фалаки ложувард,
Сунъи бисотида ики тахта нард.

Солмоқ учун тоқи сипеҳр ичра шайн,
Ойю қуёшдин қилибон каъбатайн.

Тахта келиб чархи мунаққаш анга,

Бурж ҳисобидин ики шаш анга.

Тун кун ила мухра намудорлиқ,
Анжум ила тахта садафкорлиқ.

Даҳрда ҳар нақши савобу қусур,
Борчаси бу нарддин айлаб зуҳур.

Кўргузубон нақши хасису шариф,
Мисли қазову қадар икки ҳариф.

Чун очибон субҳ узори гулин,
Зулф этиб ул юз уза тун сунбулин.

Ул юз ўлуб даҳрға кофурбез,
Устида ул зулф бўлуб мушкрез.

Оқу қаро узра бериб иштиҳор,
Мушк ила кофурини лайлу наҳор.

Чун ясабон ҳужраи тори димоғ,
Ақлдин ул ҳужрада ёқиб чароғ.

Ришта анга тори иноят бўлуб,
Шуъла анга нури ҳидоят бўлуб.

Андин олиб нур кўнгул маскани,
Лек ўчуруб ишқ елидин ани.

Ишқ елин еткурубон тунду тез,
Ақл алочуғин этиб рез-рез.

Ҳам учуриб зуҳду вараъ хирманин,
Ҳам совуруб сабру сукун масканин.

Боғи хирад нахлини хошок этиб,
Баҳри бало мавжини кўлок этиб.

Дарду бало ўтини тез айлабон,
Тез неким, чархситез айлабон,

Васл саҳобин чу қилиб қатрабор,
Айлабон ул ўтға сукун ошкор.

Ҳусн қуёшин қилиб офоқсўз,
Партавини айлади оламфурўз.

Дема қуёш, равзаи ризвон дегил,

Равза ичинда гули хандон дегил.

Жилваси жон гулшани оройиши,
Кўрмаги маҳзун кўнгул осойиши.

Зотиға жуз лутфу сафо бермайин,
Лекин анга бўйи вафо бермайин.

Ул чу вафо рангидин озод ўлуб,
Аҳли вафо жониға бедод ўлуб.

Кимга вафодин берибон чошни,
Бир нафас олмай кўзидин ёшни.

Кимки иши ғайри вафо қилмайин,
Баҳра анга ғайри жафо қилмайин.

Ишқни жон риштасиға банд этиб,
Васл кўнгулториға пайванд этиб.

Водийи ҳажр ичра солиб кўп хатар,
Хору гиёҳини қилиб ништар,

Лоласини шуълаи оҳ айлабон,
Сабзасини заҳргиёҳ айлабон.

Лола била сабзаси бу навъ бум,
Эли эмас мумкин анинг жуз самум.

Ул эл эмасдур бу биёбон ўти,
Бил бу биёбон ўти - хижрон ўти.

Кимники бу шуъла била куйдуруб,
Кўкка ҳамул эл кулини совуруб.

Кимни кул айлаб бу самуми бало,
Дарду бало кўзгуси топиб жило.

Чун солиб ул кўзгу аро тобу нур,
Ишқ юзига бериб андин зуҳур.

Доирани жуз бу сифат тузмайин,
Силсилани бир-биридин узмайин.

Бир-бирига бўйла тузуб мархала.
Силсилаға боғланибон силсила.

Айлади сокин кураи хокни,

Сойир этиб давраи афлокни.

Токи мухит ўрниға афлок эрур,
Маркази онинг кураи хок эрур.

Лутфи била борчаға мавжудлуқ,
Қаҳридин-ўқ бўлғуси нобудлуқ.

III
АВВАЛҒИ МУНОЖОТ

Ҳақнинг аввалиятидаким, хирад анга соний билмас, балки аввал ва охир эли сано десалар анга лойиқи соний топилмас ва мумкинот гулшанидаги гулларнинг адам шабистонидин вужуд гулистониға келмагининг сифати ва коинот бозоридаги дурларнинг хафо саҳобидин зуҳур дарёсига тушганининг маърифати

Эй санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.

Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчаға Холиқ, бориға айн ўзунг.

Андаки бор эрди ниҳон бу жаҳон,
Балки ниҳон доғи жаҳондек ниҳон.

Не сочибон кун юзи барги суман,
Не кечанинг турраси мушки Хўтан.

Не очибон кўкда шафақ лолалар,
Не ёғиб анжумдин анга жолалар.

Не еру не ер юзида бир киши,
Не кўку не ғайри ситам ер иши.

Ҳусн ўти хангомафурўз ўлмайин,
Ишқ элига мояи сўз ўлмайин.

Ёрумайин шамъ ила кошонае,
Куймай анинг ишқида парвонае.

Жилваи ноз айламайин гул ҳануз,
Замзама чекмай анга булбул ҳануз.

Демаки наргис кўзи масти хароб,
Балки адам гулшанида масти хоб.

Хум боши муғ дайрида очилмайин,
Аҳли вараъ хирқа гарав қилмайин.

Ишва била муғбачаи майфуруш,
Зуҳд элини айламайин дурднўш.

Кўргузуб орому сукун баҳри зот,
Мавж аён айламайин мумкинот.

Сен эдингу бас, яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунгга ўз ҳуснунг-ўқ.

Мазҳар ўлуб ҳуснунгга миръоти ғайб,
Жилва қилиб анда хаёлоти ғайб.

Нозир ўзунг эрдингу манзур ўзунг,
Ишқинга хуш, ҳуснунга мағрур ўзунг.

Бирлик эдию адасле йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди.

Йўқ эди худ илминга ижмоли зот,
Монии тафсили шуюну сифот.

Лек ўшул чеҳраи ушшоқсўз,
Ким анга ҳар ламъадур офоқсўз,

Қилди мазоҳирда хаёли зуҳур,
Топқали ул ҳусн камоли зуҳур.

Жилваи ҳуснунгға чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулшанники рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинаи Чин эрур.

Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,
Бўлди бу миръот мазоҳир анга.

Восита бу эрдики қилдинг тамом,
Кўкни тўқуз лавҳаи ойинафом.

Бўлди сафо важҳида ҳар ахтаре
Кўзгу киби ҳуснунг учун мазҳаре.

Меҳр юзин ойинаранг айладинг,
Юзда кусуфин анга занг айладинг.

Кўкни қилиб сафҳаи мину киби,
Айладинг ул сафҳани кўзгу киби.

Боғчасин даҳрнинг эттинг назих,
Панжараси бўлди мусаддас гириҳ.

Сунъунг этиб конни муламмаъгуҳар,
Ҳукмунг этиб тоғни мурассаъкамар.

Топти ёғин ришташи чун баҳри соф,
Эл илигин қилдинг анга хуллабоф.

Ел била чирмаштурубон тийра гард,
Чархдек эттинг ани гетинавард.

Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Турфа каломингға доғи комил ул,
Сирри ниҳонингға доғи хомил ул.

Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм.

«Каррамано» келди маноқиб анга,
«Аҳсани тақвим» муносиб анга.

Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат.

Илмиға ҳар зотни хайл айладинг,
Зотиға оламни туфайл айладинг.

Ё Раб, ўшул ганжки маҳрам анга,
Кимса эмастур, магар одам анга.

Айла Навоийни бурун одамий,
Ким бўла олғай бу ҳарам маҳрами.

Ончаки розингға амин қил ани,
Ҳарне қилурсен яна сен бил ани.

IV
ИККИНЧИ МУНОЖОТ

Маҳлуқот зеболарининг жилваи зуҳуридаким, холиқи ашё азамати даргоҳиға ондин суде етмас ва мавжудот раъноларининг ҳодисаи футуридаким, воҳиди доно жабарути боргоҳиға кимса андин зиёнбуде тасаввур этмас

Эй бори мавжудға сендин вужуд,
Балки вужуд аҳлиға файёзи жуд.

Катми адамдин неки майжуд ўлуб,
Сожид ўлуб, сен анга масжуд ўлуб.

Кимки боши саждада - масжудисен,
Кимки юзи қиблада - маъбудисен.

Мунчаки афлок сабуксанг эрур,
Ё кураи хок куханланг эрур.

Сендин алар жунбишу ороми ҳам,
Ўйлаки, ижоди ҳам, эъдоми ҳам,

Гунбади мино била тоқи сипеҳр,
Ким анга шамъ анжум эрур, шамса - меҳр.

Даркида қосир бўлубон хислари,
Чун кўрубон ақл муҳандислари.

Бўлмади юз ончаға меъморлиқ,
Санъатинг устодиға душворлиқ.

Ё десанг ул вазъға етсун халал,
Қаҳринга бордур бу халал филмасал.

Тунд эл оллинда овуч хокдек,
Илдирим ўртасуда хошокдек..

Сарсари қаҳринг чу бўлуб кўҳкан,
Тоғ булут янглиғ бўлуб наъразан.

Соврулубон кўк бир этак кул киби,
Қўзғалиб анжум бит овуч гул киби,

Майл адам даштиға айлаб Зухал,
Пар бутуб эгнида нечукким жуал.

Қатъ ҳаётин кўрубон Муштари,
Тахтау тобути бўлуб минбари,

Тез этибон қатлиға Баҳром тиғ,
Тортибон ўз ҳолиға ҳар дам данғ.

Бўйла қаро кун аро меҳри мунир,
Тийра бўлуб ўйлаки бир қурси қир.

Зухра ушотиб даф ила чангини,
Навха кўкида тузуб оҳангини.

Тийр илигида не қалам, не рақам,
Балки рақам ояти «Жаффал-қалам».

Аҳли адам шомиға зулматфизой,
Тахти шиои абадий ичра ой.

Ўт чекибон шуълаи бебокни,
Чуркабон анжум била афлокни.

Эл кўк ила ерни табоҳ айлабон,
Ўйлаки мазлумлар оҳ айлабон.

Баҳрға бир валвалау изтироб,
Ким тегиб ахтар юзига ҳар ҳубоб.

Ер қўпуб ўрнидин ўлуб ҳамлагард,
Ким итиб анда фалаки ложувард.

Одами ул дамда анингдек адам,
Ким бу дам одамда вафоу карам.

Ер тутубон авжу фалак таҳ тушуб,
Гаҳ бу чиқиб юқори, ул гаҳ тушуб.

Ўт қилибон баҳрда ғаввослиқ,
Тоғ этибон чарх узра раққослиқ.

Чарх мисосида булутдек ғирев,
Девзада ўйлаки кўрганда дев.

Тоғу фалакларда тароқо-тароқ,
Борча тароқида аён алфироқ.

Бир неча дам борчаға бу рустахез,
Токи фано сарсари эсгунча тез.

Ул чу эсиб тоза ва гар худ кухун,
Бир дам аро «кона каан лам якун»,

Тенгри қолиб боқию дайёр йўқ,
Ёр муаббад бўлуб ағёр йўқ,

Арзу фалак йўқидину боридин,
Борчанинг ихфосию изҳоридин.

Не азамат ичра анга суд ўлуб,
Не жабарутиға зиёнбуд ўлуб.

Сўз «Лиманил-мулк» ўлуб ул дам анга,
Ким ангадур мулк мусаллам анга.

Ё Раб, агар етсам ўшул кунга жазм,
Ёки бурун айласам ул ёнға азм,

Ул нафас имон манга ҳамроҳ қил,
Кўнглум аро махви сиваллоҳ қил.

Раҳмати омингни нисор эт манга,
Лутфи амийминг манга ёр эт манга.

V
УЧУНЧИ МУНОЖОТ

Ул маънидаким, олам ва одамни вужуд кошонасидин адам фаромушхонасиға солмоқ вужуди мутлақдин ўзга вужуд тутмас ва бу маънини вужуд аҳли андин ўзга вужудқа мутлақо ёвутмас ва исён зулматида аёқдин тушганларга хулосаи олам шафоати дастгир дурур ва ул шафтъ-шафоат қилғонларға холиқи олам ва одам шафоатпазир

Эй қилибон қаҳр ила лутфунг шиор,
Борни йўқ айламаку йўқни бор.

Йўқ эдилар ҳар неки - бор айладинг,
Фаҳму хирад бориға ёр айладинг.

Ҳам тўқуз афлокни чектинг рафеъ,
Ҳам кураи хокни ёйдинг васеъ.

Гар фалакиёту аносир дурур,
Борча саминқадр жавоҳир дурур.

Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бин бир гавриан оиий шот.

Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Қатрағача қулзуми заххордин,
Заррағача шамсаи заркордин.

Они мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирига борчани пайванд этиб.

Воситалар бўлди аён тў-батў,
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.

То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,
Бўлди мухайё бу улуғ коргоҳ.

Онча бўлуб вусъату оройиши,
Ким сари мў йўқ яна гунжойиши.

Борчасини бузмоқ агар истасанг,
Бошгин-оёқ зеру забар истасанг,

Гарчи эрур ақл ҳаросон басе,
Ул доғи оллингдадур осон басе.

Чун қилибон қудратинг изҳорини,
Бирисининг қўймағунг осорини.

Эмдики жунбушқа келиб баҳри жуд,
Зоҳир этарсен чу адамдин вужуд,

Кимки ҳисоб айласалар мавтидин,
Минг йилу ўн минг йил ўтуб фавтидин.

Қолабининг дафтари ажзо бўлуб,
Жузвлари лоятажаззо бўлуб.

Зоҳир ўлур «буъсира мо фил-қубур»,
Жилва қилур «ҳуссила мо фис-судур».

«Явмаизин мо халақаллоҳу фиҳ»,
«Явма яфиррул-маръу мин ахиҳ».

Не кун ўшул оҳу надомат куни,
Оху надомат не, қиёмат куни.

Аввалу охир эли зору асир,
Ҳар бир ўз аҳволиға тортиб нафир.

Бу чекиб ўз дарди учун вой-вой,
Йиғлаб ул ўз меҳнатиға хой-хой.

Қайси фиғонким жазаи махшар ул,
Қайси йиғиким фазаи акбар ул.

Номалар эл оллиға паррон бўлуб,
Кўрмагидин эл юраги қон бўлуб,

Борчаси исён била бадхўйлуқ,
Бадхўйлуқ йўққи, сияхрўйлуқ.

Қизға ано боқмай, ўғулға ато,
Борчасининг оғзида «Воҳасрато!»

Ҳар сори журм аҳли гуруҳо-гуруҳ,
Юкианибон журмлари кўҳ-кўҳ.

Ҳар бин бир ҳайъати хойил била,
Боғланиб ағлолу салосил била.

Ҳам томуғ ўти солибон рустахез,
Кўрмагидин эл сўнгаги рез-рез.

Ҳам гули фирдавс бўлуб жилвагар,
Ҳасрати дўзах ўтидин ҳам батар.

Кун қизиғидин қилибон мағз жўш,
Кўкка чекиб аҳли қиёмат хурўш.

Кўпрук ўлуб ўйлаки тори хаёл,
Лек хаёлеки ул ўлғай маҳол.

Кучланибон панжау бозуйи адл,
Асрабон ойини тарозуйи адл.

Ҳокими одил бўлубон хукмрон,
«Дома лахул-мулк, ва лахул-хукму шон».

Авж тутуб шуълаи жабборлиқ,
Мавж уруб лужжаи қаххорлиқ.

Ҳам мутафаккир бўлубон авлиё,
Ҳам мутахаййир қолибон анбиё.

Ғайри набийи арабий ул нафас,
Ким бўлубон халқ шафиию бас.

Гоҳ Сирот устигача рўй уруб,
Лаҳзаи мезонға таку пўй уруб.

Солибон оғзига бийик ҳиммати,
Замзамаи «уммати во уммати!».

Йўққи ҳамин уммати гумрпхни,
Балки тилаб мо халақаллоҳни.

Ҳарне таманноки расул айлабон,
Борчасини Тенгри қабул айлабон.

Бўлса не мақсудға майли анинг,
Ҳақдин ўлуб барча туфайли анинг.

Ё Раб, анинг хаққики қилдинг насиб,
Мартабаеким санга бўлди хабиб,

Ким бу сифат анжумани ғам аро,
Ғам демайин, мажмаи мотам аро,

Ким ани оламға шафеъ айлагунг,
Сўзига лутфунгни мутеъ айлагунг.

Боиғуси журм аҳлини истар замон,
Истамагию караминг тавъамон.

Умматидин келса бир ул навъ хайл,
Ким бориға бўлса жазо чоҳу вайл.

Умрида келмай биридин бир амал,
Ғайри хатоеки, топиб дин халал.

Жонлари андух ўтидин ғам аро,
Юзлари исён тутунидин қаро.

Истаса ул қавм халосини ҳам,
Кўзига учрат мени осийни ҳам.

VI
ТЎРТУНЧИ МУНОЖОТ

Карам дарёси васфидаким, иноят насимидин мавжға кирса, исён хасу хошокин қироғларға итурур ва кўҳи гуноҳдин лангар солғонларнинг гаронжонлиқ кемасин бир пари коҳдек мақсуд соҳилиға еткурур

Эй караминг оллида кўҳи гуноҳ,
Элга учуб ўйлаки бир парри коҳ.

Нечаки жамъ ўлса сомон кўҳ-кўҳ,
Эл қошида анга не бўлғай шукуҳ.

Жумла жаҳон аҳли хато қилсалар,
Журм билан нома қаро қилсалар,

Номани оқ айламак осон санга,
Ким йўқ ўшул амрда нуқсон санга.

Тунки тузуб шуъбада хангомасин,
Қилди қаро аҳли жаҳон номасин.

Лутф қуёшиға чу бердинг зуҳур,
Меҳр ила қилдинг бори зулматни нур.

Чун санаме айлади эл кинидан,
Гулни ниҳон сунбули мушкинидин.

Элни қилиб чобуки бурқаърабой,
Кеча саводида аён қилдинг ой.

Афв чароғи қачон ўлғай ёруқ,
Қилмаса исён туни осий ёзуқ?

Журм ўтиға бўлмаса гар шуъла тез,
Абри карам қайда бўлур қатрарез?

Қилмаса олуда этак хирқапўш,
Ҳожат эмас баҳри иноятқа жўш.

Йиқмаса май айлабон элни асир,
Лутф илиги кимга бўлур дастгир?

Зуҳд ила қавмеки вараъ қилдилар,
Қилғон учун музд тамаъ қилдилар.

Ҳар амалеким киши хайр айлагай,
Коми буким равзада сайр айлагай.

Айламаган май била олуда лаб,
Тонгла қилур бодаи кавсар талаб,

Мунда жамил истамаган ҳеч кас,
Анда қилур ҳур жамолин ҳавас.

Гўшаи вайронани қилғон паноҳ,
Қасри мурассаъ тилар оромгоҳ.

Ҳар киши бир қатъи таматтуъ қилур,
Муздини юз онча таваққуъ қилур.

Аҳли вараъ гар бори музд олсалар,
Номасияҳ хайл боқиб қолсалар,

Айламагинг афви хато бас қани?
Баҳри карам бирла ато бас қани?

Лутфу карам баҳри лаболаб туруб,
Бир неча лабташнанинг оғзи қуруб.

Барчаларин ташналаб ўлтурмагинг,
"Ё бу тенгиз теграсидин сурмагинг,

Мумкин эрурму екин оё бу иш?
Айлагасен сен ҳар иш, илло бу иш!

Ҳар киши осию гунаҳкорроқ,
Афв ила раҳмаиқа сазоворроқ.

Аҳли вараъ ажри бўлуб гар биҳишт,
Куйса томуғ ўтиға исёнсиришт.

Ул топибон равзани етса фароғ,
Дўзах аро бўлса мунга дарду доғ.

Лутфу карам ганжини неткунг дурур?
Кимга атою карам еткунг дурур?

Бир неча муҳтожу асиру гадо,
Юзлари силлийи гунаҳдин қаро,

Қойтса хони ниамингдин сенинг,
Ҳошо, лутфу карамингдин сенинг!

Хон анга ёйғилки эрур муштахи,
Тўқ эмас, ар эса бўлур мумтали.

Ўтса қуруб қолғон экиндин булут
Баҳр уза ё асради ё ёғди тут.

Ансаб анга луқмаки, ул оч эрур,
Авли анга тўнки, ялангоч эрур.

Бу бори афсонаи беҳудадур,
Кимки сен уммидисен - осудадур.

Ё Раб, урарда караминг баҳри жўш,
Чексалар ул хайл фиғону хурўш.

Гарчи гунахнинг ҳаду поёни йўқ,
Айламасанг раҳм ҳам имкони йўқ.

Чун чекибон лутф саропардасин,
Кечсанг алар кардау нокардасин.

Бўлса наво бирла бори муҳтарам,
Айлама маҳрум Навоийни ҳам.

Эрмас анга хур ила жаннат ҳавас,
Сен анга бўлғилки, анга ушбу бас.

VII
АВВАЛҒИ НАЪТ

Ул ҳазратнинг нури қидамиятидаким зот баҳрининг аввалғи жунбушида ул дурри бебахо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавхари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржға интиқол етти то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳға етти

Эй қилибон ламъаи нурунг зуҳур,
Андаки не соя бор эрди, не нур.

Нурунга тоб икки жаҳондин бурун,
Ҳарне йўқ ондин бурун, ондин бурун.

Зовияи жисмға ҳар зотдин,
Руҳ ёқиб шамъ бу мишкотдин.

Топти азал субҳи чу базминг чароғ,
Не тонг агар ёруса юз минг чароғ.

Бўлди санга Одам сабқатнамо,
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса ато.

Наслида ҳар ким анга пайванд ўлуб,
Борчаси фарзандинга фарзанд ўлуб.

Кимки мунга даъвийи ҳужжат етар,
«Кунту набийян» анга ҳужжат етар.

Ўзга далил истаса табъи сақим,
Басдурур Одамда «алиф», «дол»у «мини».

Борчаси Аҳмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.

«Ҳо»и муҳаббат анга-ўқдур насиб,
Ким сени ҳақ дэди ўзига ҳабиб.

Ҳар неки ҳақ важҳи аро мубҳам ул,
Зоҳир етиб юзда ҳабиби ҳамул.

Шоҳид етиб чеҳра бу кўзгу анга,
Ул не қилиб, кўргузубон бу анга.

Айлади чун одами хоки зуҳур,
Солди анга партавин ул пок нур.

Нур дема, бориқаи сармадий,
Борика йўқ, шаъшааи Аҳмадий.

Бўлди чу Одамда бу партав ниҳон,
Анда ниҳон, лек юзида аён.

Эгнига ёпилди давожи шараф,
Қилди макон бошиға тожи шараф.

Тахти рисолат уза шоҳ ўлди ул,
Хайли малойикка паноҳ ўлди ул.

Истади Ҳавво била чун иттисол,
Айлади Ҳаввоға бу нур интиқол.

Поку жамил айлади Ҳавво юзин,
Ўйлаки ҳақ нартави ҳавро юзин.

Шисқа чун бўлди яна мунтақил,
Ойни қилур ерди юзи мунфаил.

Риштасидин чун бу гуҳар бўлди кам,
Бир садаф ўлди яна гавҳаршикам.

То атодин ато, анодин ано,
Бир ано ким йўқ эди андоқ яно.

Бўлди рисолат дурининг маҳзани,
Балки нубувват гулининг гулшани.

Бўлғач-ўқ ул дурға садаф пардапўш,
Тушти жаҳон баҳриға жўшу хурўш.

Эмдики раф этти юзидин ниқоб,
Туғмади андоқ яна бир офтоб.

Ғам тунини нурсиришт айлади,
Ер юзини боғи бихишт айлади.

VIII
ИККИНЧИ НАЪТ

Анинг наврас ниҳоли жаҳон гулшанин сарсабз қилиб, қирқ йилғача андин ҳаё ва адаб гуллари очилиб, андин сўнгра нубувват меваси бергани, доғи шох ва баргин сидра шохидин ўткариб, икки олам аҳлининг сояи раҳматиға киргани

Эй кўрунуб ғурра киби тифлзод,
Тифли рахинг чархи қадимийниҳод.

Инсу малак жонию жононаси,
Икки жаҳон гавҳари якдонаси.

Маҳд санга лавҳаи фирузаранг,
Ким ҳаракатдин анга бўлмай даранг.

Сен киби бу гулшан аро тоза вард,
Умрида кўрмай фалаки солхўрд.

Сурат аро тифл, вале ақли кул,
Қавлунг аро ғайри яли лам-яқул.

Ахтаринг ул тунки, тулуъ айлабон,
Чарх саломиға рукуъ айлабон.

Куфр бийик тоғиға солиб шикаст,
Ерга бўлуб паст буту бутпараст.

Маккада дин аҳлиға мукнат бўлуб,
Уззо ила Лотқа узлат бўлуб

Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли қурайш,
Баъзи ўлуб ғамзада, баъзида айш.

Гар отадин йўқ эса баҳранг не тонг,
Одам ўғул бўлса, ким ўлғай отонг?

Гавҳари зотингға садафсиз не бим,
Итти садаф, чиқти чу дурри ятим.

Дурға шараф бор ўзининг зотидин,
Тонг йўқ анга ор садаф отидин.

Гарчики минг дур чиқорур бир садаф,
Бир дур ила минг садаф айлар шараф.

Итса қалам қайда ғам ўлди санга,
Чунки жаҳон якқалам ўлди санга.

Хаттинга бош қўйди Ажам то Араб,
Тутмасанг илгинга қалам не ажаб.

Ўпмади илгингни чу нолон қалам,
Мотамий айлабтур они бу алам.

Ким юзин айлаб қаро ғамнок эрур,
Шаққи эмаским, ёқоси чок эрур.

Тутмоғонинг андин эди хомани,
Ким ул етибдур қаро кўп номани.

Нома қаро қилғали бўлдик сареъ,
Номасияҳларға чу сен-сен шафеъ.

Эй ёвумай номаға хоманг сенинг,
Хома йўқу ҳақ сори номанг сенинг.

Ҳақ азалий раҳмати жовиди сен,
Нома қаро қилғон ел уммиди сен.

Кимки амал номасин айлаб қаро,
Сен кириб онинг қаро жони аро.

Кимники гумраҳ қилибон толии,
Жодаи шаръинг ўлуб шории.

Зулмати куфр улки бўлуб жамъ анга,
Ҳар «алиф» исломинг ар6 шамъ анга.

Барча милалға чу юраб ҳимматинг,
«Лом» ила «те» дин лат уруб миллатинг.

Лотки андин эди динга бало,
Сен ушотиб поясини бўлди ло

Куфр елига улки бор ерди Манот,
Бўйнини сен синдурубон бўлди мот.

Куфр бошин кестинг етиб қаҳр фош,
Бошиға фар қолмади, жисмиға бош.

Хаста Навоий сори наззора қил,
Куфр анониятиға чора қил.

Эт бу иноят била ҳосил ани,
Зумраи ислом аро дохил ани.

X
ТЎРТУНЧИ НАЪТ

Ул рисолат сипеҳрининг рифъатида ва барча оламни сипеҳрдек ихота қилғон қудратида ва асҳоби бобидаким ҳар бирига ул сипеҳрда бир кавкаби рахшандалиқ содиқ дурурки, «Асҳоби кан-нужум» бу мазмунға нотиқдурур

Эй нафасинг мояи эъжоз ўлуб,
Руҳи қудус нутқунга ҳамроз ўлуб.

Гоҳи такаллум санга муъжиз калом,
Назми каломинг бори муъжиз низом,

Нукта фасоҳатда мунаққах санга,
Шоҳиди даъво: «Ана афсаҳ» санга.

Сиххати хукм ичра ҳадисинг сахих,
Арзи фасоҳатда каломинг фасих.

Нутқ аро чун зоҳир ўлуб муъжизинг,
Аҳли фасоҳат бўлубон ожизинг.

Зотинг ўлуб баҳри жавоҳирнишон,
Сўз аро баҳринг кафи гавҳарфишон.

Каф неки, баҳре бўлуб ул панж шох,
Этти ҳубоб ул сувға бу етти кох.

Хамса салотингға чу навбат бўлуб,
Панжаи исломға қувват бўлуб.

Куфр қўлу панжасини ранжа бил.
Боис анинг ранжиға бу панжа бил.

Фақр аро ул панжа қабул этти ранж,
Лек ҳақиқатда эрур панж ганж.

Панжаи ислом чу махкам солиб,
Куфр ети қўрғонидин хумс олиб.

Дема илик, тиғеки бир бормоғи,
Ойни ики бўлди ишорат чоғи.

Тонг эмас ар ул кафи муъжизнамой,
Қилғач ишорат ики айрилса ой.

Ноқаси эр узра чу рафтор этиб,
Ҳар изи «Шаққал-қамар» изҳор этиб.

Амри этиб нахл қадин хуш хиром,
Ўйлаки қилғай бути саркаш хиром.

Хасмидин ўлғонда анга парда ғор,
Оғзида ўргамчи бўлуб пардадор.

Айламасун деб эл ила парда сайр,
Байзасидин тугма тоқиб анда тайр,

Пардаси жон риштасидин тор ўлуб,
Тугмалари гавҳари шаҳвор ўлуб.

Қўйди чу ул дом ила илл дона ғор,
Кўрки не давлат қушин этти шикор.

Ғорда ёри била ул тезҳуш,
Тоғ ичида ўйлаки олтун-кумуш.

Куфр чу эълойи ливо айлабон,
Нусрат учун динға дуо айлабон.

Ким ики тандин бирин эт тожвар,
Бири Абу Жаҳлу бириси Умар.

Қисмати аввалғининг ўлди азоб,
Бўлди икинчида дуо мустажоб.

Буки каломуллоҳ ангадур насиб,
Ким йўқ анга муъжиза андин ғариб.

Сура дема, «қоф» ила «нун» ёки «сод»,
Яъниким ҳар ҳарфиға онинг савод.

Сунбулидек борча паришон эди,
Жомиъ анга жомии Қуръон эди.

Маккани чун қилди жудо дайрдин,
Тиғ суйи бирла юди ғайрдин.

Бўлди вале манзарадин бутфикан,
Сўнгра наби Ҳақ эвида бутшикан.

Наълини гар тожи шараф қилди Арш,
Қилди Али наълиға эгнини фарш.

Руҳ эди ул баҳри нубувват дури,
Тўрт рафиқи танининг унсури.

Нақди киромий улу тожир анга,
Водийи хижратда мухожир анга.

Динға етиб рахна чу куффордин,
Саддиға нусрат кўруб ансордин.

Аҳлию авлодию атбоиға,
Олию ахфодию ашъёиға

Тенгри таоло карамидин қарин,
Юз тухафи "Раҳмат ила явмид-дин".

XI
БЕШИНЧИ НАЪТ

Меърож кечаси таърифидаким, каримаи: «Субҳоналлазий асро» анга мусаддақ дурур ва «биабдиҳи лайлан минал-масжидил ҳароми илал масжидил-аксо» анинг субутиға икки гувоҳи содиқ

Бир кеча зулматқа қолиб коинот,
Меҳр ниҳон ўйлаки айнул-ҳаёт.

Гарчики ул чашма назардин қочиб,
Хизр кўк узра қатаротин сочиб.

Тун қилибон гардини анбарсиришт,
Бутратибон ерга насими бихишт.

Ер куравий шакл ила мижмар бўлуб,
Кеча саводи анга анбар бўлуб.

Ўт киби ер мижмари остида меҳр,

Ёпиб этак мижмара узра сипеҳр.

Ёғибон орому сукун ёғини,
Паст қилиб ҳодиса туфроғини.

Бу кеча ул сарви гулистони унс,
Равшан этиб шамъи шабистони унс.

Васл хаёлидин этиб кўнгли жўш,
Баҳрдек ул жўш ила айлаб хуруш,

Ким етиб ул сойири улвий мақом,
Илгида бир тойири улвий хиром.

Пўяда кўк сайрича ором анга,
Ердин ўлуб кўккача бир гом анга.

Қосиди қудсий чу салом айлабон,
Ҳақ соридин арзи паём айлабон.

Дебким, аё маҳзани асрори шавқ,
Ҳақдин эрур васлингга изҳори шавқ.

Чунки набий муждаи жонон топиб,
Муждаи жонон чу топиб жон топиб.

Пайки ани қўлдабон отлондуруб,
Рахшини келган сори-ўқ ёндуруб.

Сойир ўлуб рокиби фаррухжамол,
Тойир ўлуб маркаби фархундафол.

Гарди била бораи суръатнамо,
Эткурубон ақл кўзига амо.

Ул махи шабгард бўлуб жилвасоз,
Жилвагаҳи борча шабистони роз.

Чун етибон кўк сон тавсан анга,
Ой бўлубон ўтгали равзан анга.

Тийри қаламзан чу топиб ул шараф,
Буқаламунлуғни қилиб бартараф.

Зухра тараб барбатини соз этиб,
Замзамаи тахният оғоз этиб.

Соясидин меҳр чиқармай жамол,

Тахти шуў ичра нечукким ҳилол.

Меҳрида Баҳромки якрў бўлуб,
Тиғи шараф юзига кўзгу бўлуб.

Мавкибидин поя топиб Муштари,
Йўлида бир поя бўлуб минбари.

Шамъи Зухал зулматини нур этиб,
Зангийи шабрангни кофур этиб.

Ҳам Ҳамалу Савф бериб жоҳ анга,
Жон этибон иккиси қурбон анга.

Ҳам тонгибон оллида Жавзо камар,
Ҳам Саратон туз бўлубон жилвагар

Шер йўлидин тутубон гўшае,
Сунбула рахшиға бўлуб тўшае.

Палла йўли гардидин иксирсанж,.
Ақраб аро нўшу даво, нишу ранж.

Қавс тутуб чилла дуоси учун,
Жадй бериб фулла ғизоси учун.

Далвға Юсуф киби солмай назар,
Ҳутда Юнус киби қилмай мақар.

Эл киби чун қатъи буруж айлабон,
Арш фасилиға уруж айлабон.

Фарши бўлуб Арш ила Лавху Қалам,
Қўймоқ учун рахши аларға қадам.

Рафраф уза пўя қилиб чун кушод,
Ҳамраху рахравға этиб хайрбод.

Қолмади йўлида чун асло макон,
Қилди макон бодияи ломакон.

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб.

Йўқлуғ аёғи била солиб қадам,
Андаки ёиу қадам ўлуб адам.

Ўзлугидин нақшу намудор йўқ,

Нақшу намудоридин осор йўқ.

Чун ўзини айлаб ўзидин халос,
Пардаи иззатда қилиб ўзни хос.

Анда етиб гум бўлубон ўтруси,
Ҳар неча кўз солса, бақо кўзгуси.

Чун бўлуб ул кўзгуда суратнамо,
Кўзгусидин ташқари қолғон фано.

Ахтариға чун етибон мунча авж,
Зоҳир ўлуб баҳри иноятқа мавж.

Ҳақ тилидин умматин истаб тамом,
Ҳақдин ўлуб борча муродиға ком.

Ҳамрах анга қолаби хокинасаб,
Гар десалар бор эди йўқтур ажаб.

Ким тан анга боштин-оёқ жон эди,
Жони доғи восили жонон эди.

Икки жаҳон раҳматини қозғониб,
Ҳар нимаким қозғониб, олиб ёниб.

Равшан ўлуб юзидин ул боргоҳ,
Сурма қилиб гардини бу коргоҳ.

Ғунча бориб, тоза гулистон келиб,
Зарра бориб, меҳри дарахшон келиб.

Борғонию келгани бир он ўлуб,
Ақл бу мансубада хайрон ўлуб.

Қайда хаворик била муъжиз дурур,
Ақл анинг идрокида ожиз дурур.

Боғону келган анга жузви сағир,
Ким эмас ул жузв тажаззипазир.

Қатъ бўлуб чун бу ҳумоюн сафар,
Рухсат олиб ҳодийи фархундафар.

Тахт уза олам шаҳи айлаб мақом,
Олам ишига берибон интизом.

Шаръи тили нома баёзин ўқуб,

Тиғи суйи куфр саводини юб.

XII

Ҳазрати Шайх Низомий мадҳидаким, назм мулкида зўрбозу сарпанжаси била панж ганж нукуду жавоҳирин олди ва Амир Хусрав таърифидаким, бу жавоҳир ва нукуд тамаидин панжа анинг панжасиға солди

Хайли фасоҳат бошининг афсари,
Ганжи яқин афсарининг гавҳари.

Кони фазилат гуҳариға амин, Баҳри
балоғат аро дурри самин.

Хилватининг каҳгили анбарсиришт,
Тўрт ҳади зимнида секкиз биҳишт.

Гарчи кўнгул кулбасидек мухтасар,
Икки жаҳон анда бўлуб жилвагар.

Масжиди қандили сипеҳри асир,
Шуъла бу қандил аро меҳри мунир.

Каъба уйидин бир очуқ боб анга,
Сажда чоғи ҳайъати меҳроб анга.

Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез,
Хотири ганжуру тили ганжрез.

Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,
«Хамса» дема, балки дегил панж ганж,

Каффаи мизон анга афлок ўлуб,
Ботмони тоши кураи хок ўлуб.

Тортса юз қарн хирад хозини,
Чекмагай онинг кўпидин озини.

Хони латойифқа сўзи мунқасим,
Дурри маонийға тили мунтазим.

Нозим ўлуб сўз дури серобиға, Чарх
«Низомий» ёзиб алқобиға.

«Қуддуса сирруҳ» - не маонидир ул,
Руҳи қудус файзи нишонидур ул.

Отики беш ҳарф қилурлар хитоб,
Минг бир эрур айласанг они ҳисоб.

Ушбу адад бирла оти гавҳари,
Ҳақнинг ўлуб минг бир оти мазҳари.

Мазҳар етиб чун алифин исми зот,
Ўзга адад ҳарфини исми сифот.

Дурларидин ер юзи мамлу бўлуб,
Балки фалак дуржлари ҳам тўлуб.

Чун қилибон сўз юзи оройишин,
Қўймай ел оройиши гунжойишин.

Ғайри ҳамул ҳиндуйи чобуксувор,
Ким чиқариб хаҳжари ҳиндий иёр.

Ханжарининг барқидин ўт чақилиб,
Рахши дағи тезлик ўтча қилиб.

Қай сари ўтдек юз уруб тунду тез,
Солибон ул кишвар аро рустахез.

Ушбу мамоликдаки маъмур эди,
Қилди тасарруф неки мақдур эди.

Ҳундуи чобук демаким, ройи ҳинд,
Килки учи мамлакаторойи ҳинд.

Назми саводи аро ҳар достон,
Ўйлаки, бир кишвари Ҳиндустон.

Ганжа шаҳи ганжфишон, пайрав - ул,
Шаҳ бу сўз иқлими аро, Хусрав - ул.

Хусрав ўлуб мулк етиб обод ҳам,
Ёлғузи Хусрав дема, Фарҳод ҳам.

Ранж тоғин қозмоқ анинг пешаси,
Тоғи анинг назму тили - тешаси.

Ишқ ўти оташгаҳи жони анинг,
Ғам тенгизи ашки равони анинг.

Шамъ киби базм фурузанда ул,
Базм фурузандау сўзанда ул.

Ганжа қуёшики, кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатин якқалам.

Бўлмади бир мулк сари кинахоҳ,
Ким бу доғи чекмади ул ён сипоҳ.

Бир май ила бодапараст ўлмади,
Ким бу ҳам ул май била маст ўлмади.

Қайси шабистонғаки, ул қилди азм,
Базми ерида бу доғи тузди базм.

Ул безабон «Маҳзани асрор»идин,
Бу ёрутуб «Матлаи анвор»идин.

Маснави услуби мусаллам анга,
Пайраву монанд бу бир ҳам анга.

Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,
Сарву гул ўтрусиға келтурди хас.

Бир кишидин ўзгаки, андоқ киши,
Бермади ёд эски фалак гардиши.

XIII

Сафо жомининг софи ошоми мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадда зиллахул-олий васфиким, васфға сиғмас ва таърификим, таърифға рост келмас ва ул хазрат илтифотининг қуёши бу хоксори тийра роъзгорхолиға партав солғонининг изҳори ва ул қуёш тарбиятидин бу туфроққа зоҳир қилған гули насрин, балки гуногун раёхин осори ва «Туҳфат ул-аҳрор» туҳафи мутолаасидин махзун кўнгул тараби ва «Ҳайрат-ул аброр» лаоли ва жавоҳирин назм ришгасиға тортмоқнинг сабаби

Улки букун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.

Кўкси хақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси

Олий анга етти фалакдин маҳал,
Этти фалак мушкили оллида хал.

Мадрасаи Қудс анинг маъмани,
Хонақахи унс анинг маскани.

Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри чашмаи айнул-яқин.

Қасри каломи чиқиб андоқ баланд,
Ким анга гардун сола олмай каманд.

Анда шаётин хасиға йўқ сабот,
Баски уруб хайли малойик қанот.

Гухбадийи ҳужрада зоти ниҳон,
Ўйлаки кўкгунбази ичражаҳон.

Қайси жаҳон, олами кубро дегил,
Қудрати Аллоҳу таоло дегил.

Хирқа анинг, жисмида қаптон бўлуб,
Қаптони тан, жисми анинг жон бўлуб.

Хирқа била топмағани ихтисос,
Танни риё тўнидин этмак халос.

Чунки таважжухда қуйи солса фарқ,
Сойири равшан равиш андоққи барқ.

Сайрдаким чархни айлаб хижил,
Тай қилибон арз «Катаййис-сижл».

Вақти қуёшин чу қилиб пардапўш,
Килки қаро абрдек айлаб хуруш.

Парда ясаб холати пинхон учун,
Сафҳа ёзиб сатр ила китмон учун.

Зулмат этиб жамъ давоти анинг,
Маъни ўлуб оби ҳаёти анинг.

Қатрасидин кимки бўлуб комёб,
Умри муаббад қилибон иктисоб.

Назми ақолими жаҳонни тутуб,
Насри доғи кишвари жонни тутуб.

Файзи гадову шаҳ аро мунташир,
Хизматига шоҳу гадо муфтахир.

Лек манга оллида ажзу ниёз,
Борча улусдин берибон имтиёз.

Меҳридин офоқ аро гар нурдур,
Зарра анинг меҳрида машҳурдур.

Қуш кўп ўлур боғ ҳаримиға хос,
Булбул ила гулга бўлур ихтисос.

Номағаким роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.

Меҳр тулуъ айлади чун тоғ уза,
Тушти бурун партави туфроғ уза.

Гулбун уза ҳарне гул очти чаман,
Аввал анинг ҳамдами бўлди тикан.

Базмда бир кун юзидин нур эди,
Ҳар соридин нодира мазкур эди.

Тушти чу рахрав била пайравға сўз,
Этти Низомий била Хусравға сўз.

Ким не сифат олам аро солди шайн,
Иккисининг хомасидин хамсатайн.

Лек бу ўн турфаки, топмиш жамол,
Икки бурунғисида бор ўзга хол:

Гавҳаре йўқ «Маҳзан ул-асрор» дек,
Ахтаре йўқ «Матлаъ ул-анвор»дек.

Ўзга санамлар ҳам эрур жилвасоз,
Борчасининг ҳуснида зеби мажоз.

Ул икисидин бири гавҳарфишон,
Гавҳарида нури яқиндин нишон.

Ул бириси доғи бўлуб нурпош,
Нури аро партави тахқиқ фош.

Нукта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.

Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.

Риштаға чун зоҳир эрур тору пуд,
Дурсиз анга ранги-ю нақши не суд?

Ўтти чу алқисса бир ой, икки ой,
Бир кун ўлуб, бахту хирад рахнамой.

Хидматин эттимки, таманно эди,
Тлгида кўрдум неча аизо эди.

Кулгу била қилди ишорат манга,
«Тўҳфа» била берди башорат манга.

Ким олибон боштин аёғиға боқ,
Қил назар авроқиға боштин-аёқ.

Оллиға жон нақдини сочтим равон,
Олдиму ўптум, доғи очтим равон.

Боштин-аёқ гавҳари шаҳвор эди,
Қайси гуҳар, «Туҳфат ул-аҳрор» эди.

Наф топиб кимки бўлуб мустафид,
Мухтасар ул иккидин, аммо муфид.

Ул икини топса бўлур мунда-ўқ,
Мунда тухаф кўпки, ул иккида йўқ.

Шавқида кўксумни шикоф айладим,
Жилдиға кўнглумни ғилоф айладим.

Чун ўқумоқ замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас,

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.

Форси ўлди чу аларға адо,
Турки ила қилсам ани ибтидо.

Форси эл топти чу хурсандлиқ,
Турк доғи топса барумандлиқ.

Ул икига фотиха ўқуб сўруб,
Фотиха бу бири манга еткуруб.

Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қилса мадад.

Менки талаб йўлида қўйдум қадам,
Бордур умидимки, чу тутсам қалам,

Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса, Хусрав била Жомий қўлум.

Нукта сурудида раво бўлмағай,
Буки Навоийға наво бўлмағай.

Элтса жоҳ аҳлиға муфлис паноҳ,
Топса қабул ул ҳам ўлур аҳли жоҳ.

Мушкка ҳаргиз теридин ор эмас,
Лаълға ҳам хорадин озор эмас.

Боғи аносирки, эрур дилкушой,
Жадвали девори анинг чордой.

Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир,
Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир.

Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.

Бўлса хазу атласу иксун либос,
Ит жули қилмоққа ярар ҳам палос.

Лаъл ила ёқуту дур истар баҳо,
Лек сомонни чекар кахрабо.

Уч қадаҳи соф ила шаҳ бўлса хуш,
Лойи доғи қолса чекар дурдкаш.

Ит киби чун пастлиғим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипига боғладим.

Бўлса алар озими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам.

Каҳфи бақо ичра алар боиса гум,
Мен ҳам ўлай "Робиуҳум калбуҳум".

XIV

Сўз таърифидаким, башар вужуди сипеҳрининг кавокиби жаҳонтоби ва инсон зоти маъданининг жавоҳири сероби дурур ва саъд кавкабларининг бир-бири бирла қирони яхши асар кўргузуридин ва самин жавхарларининг бир-бирига иқтирони дилпазир коърунуридин, назм таркибин наср тартибиға таржиҳ қилмоқ

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тўрт садаф гавҳарминг дуржи ул,
Этти фалак ахтарининг буржи ул.

Боғчаи даҳрки юз тоза гул - Топти
қаёнким назар этти кўнгул.

Катми адам гулшани ичра нухуфт,
Ғунчалар эрди бориси ношукуфт.

Чун бу насим эсти азал тоғидин,
Мунча гул очилди жаҳон боғидин.

Қайси насим улки эрур гулфишон,
Барги гулу настаран андин нишон.

Бу икки яфроғни қачон зуфунун,
Бир-бирига қўйса бўлур «кофу нун».

Даҳр муқайяд била озодаси,
Борча эрур «коф» ила «нун» зодаси.

Зодасидин зода бўлуб беадад,
Зодага ҳам волид ўлуб, ҳам валад.

Васф не навъ ўлғай анга эл сўзи,
Ҳарне сўз айтилса эрур чун ўзи.

Жон ўлуб ул, рун анинг қолиби,
Ким танида руҳ, анинг толиби.

Борча кўнгул дуржи аро жавҳар ул,
Борча оғиз хуққасида гавҳар ул.

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфтидоғи инжулари сўзни бил.

Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз дураридин бўлубон жоласи.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин халок.

Тиргузуб ўлганни каломи фасих,
Ўзига жонбахш лақаб деб Масих.

Боис ўлуб шаҳ сўзи бедодга,
Тухмат ўлуб ўртада жаллодга.

Сўздин этиб ўтға азимат Халил,
Сўз юкига хомил ўлуб Жабраил.

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Ғунча оғизлик санами нўшлаб,
Сўздин агар айласа хомўш лаб.

Лаъли майи ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа.

Сурат ила бўлса махи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.

Гар чиройи рашки қамар бўлмаса,
Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса.

Айламаса ғамзани новакфикан,
Қилмаса кирпик сафини сафшикан

Бўлмаса ғоратгару танноз ҳам,
Чин била ҳусн ўлса анга ноз ҳам.

Лек такаллум чоғи айлаб итоб,
Талх ҳадис ўлсаву ширин жавоб.

Фитна қилиб, ваъдау пайғом ила,
Ақлни маст айласа дашном ила.

Кўргузубон лоба малоҳат уза,
Лобаси туз сепса жароҳат уза,

Ким экин ул шуълаға ёқилғучи,
Ё бу жароҳатқа даво қилғучи.

Гар бўлубон ҳусн ила обидфиреб,
Бўлса малоҳат била ҳуснига зеб.

Ойтса бу ҳусну малоҳат била,
Нуктани ойини фасоҳат била.

Солғуси жинси бани одамға ўт,
Не бани одам, бари оламға ўт.

Ҳар дам етиб елни ҳалок ўртагай,
Балки башар хайлини пок ўртагай.

Базмда ҳар мутриби дастонсаро,
Чекса тараннум била дилкаш наво.

Нақшда ҳар неча талоло дэса,
Ё амал ичра танадирно дэса.

Борчасидин ҳаз етар аҳли уқул,
Гар худ узоқ чекса бўлурлар малул.

Ё бу наво зимнида асраб маҳал,
Чекса Навоий сўзидин бир ғазал.

Ким анга алфоз ўлуб оташфишон,
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.

Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобот аро ғавғони кўр.

Кўрки нечукдур ёқо чок айламак,
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.

Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Мунчаки шарҳ етти қалам сўзга ҳол
Насридадур, назмида бор ўзга ҳол.

Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд.

Ўрнида тишлар дури манзум эрур,
Чун сочилур қиймати маълум эрур.

Варду шажар шоҳид эрур боғ аро,
Лек ўтун силкидадур тоғ аро.

Мунда паришонлиғи нохуш қилиб,
Анда мураттаблиғи дилкаш қилиб.

Навъи башар бошиға Рабби Ғафур,
Қўйди тавофут била тожи зуҳур.

Шоҳки, гулшанни бисот айлагай,
Базм тузуб, азми нишот айлагай,

Ҳар киши ўз пояси бирла мақом -
Тутса эрур анжуман ичра низом.

Эмдики май зойил етиб ҳушни,
Шаҳ ёниға тортти човушни.

Қул бег ила тузди узун можаро,
Қайда ҳаловат яна ул базм аро?

Арсада шатранжни улким тўкар,
Неча йиғоч порасидурким ўкар.

Чунки биров ўлтурубон ҳар тараф,
Терса бисот ичра ани икки саф.

Ҳар ён ики саф ики мисраъ киби,
Тўрт саф ўлса, ики матлаъ киби.

Ҳар бири бир турфа муаммо бўлуб,
Отлар анинг зимнида пайдо бўлуб.

Фикри саҳиҳ елга бисотида от,
Қилса паришонлиғ ўлуб анда мот.

Дафтари назмида чу шерозадур,
Гул варақи гулшан аро тозадур,

Узди чу шерозасини дафтари,
Эл учурур ҳар варақин бир сари.

Назм анга гулшанда очилмоғлиғи,
Наср қаро ерга сочилмоғлиғи.

Бўлмаса еъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм.

Назмда ҳам аси анга ниаъм ууиуи,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.

Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Ё Раб, ани халқ дилафрўзи эт,
Хаста Навоийға доғи рўзи эт.

XV

Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги таъни жоне дурурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурур жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас ва аҳли газоф ноинсофлиғиға мунсиф бўлмоқ, балки ўз газофиға инсоф бериб, аларнинг узрини қўлмоқ

Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

Файз ҳаримида тажалли анга,
Ким ёрубон машъали маъни анга.

Сўз майини ул киши ошом этиб,
Ким дури маъни садафин жом этиб.

Руҳ сафолик не ажаб роҳдур,
Тийра кўнгул кунжига мисбоҳдур.

Лаб-балаб ул май била хуми сипеҳр,
Оғзидаги кирпич анга хишти меҳр.

Ғарқа анинг баҳриға алуи жаҳон,
Кўздин этиб они латофат ниҳон.

Қатрасини ҳар киши нўш айлабон,
Нашъасидин хум киби жўш айлабон.

Нечаки файзи била олам тўлуб,
Қатрае баҳридин анинг кам бўлуб.

Менки, бу май нашъасидин маст мен,
Дайри фано аҳлиға ҳамдаст мен.

Андоқ эрур гарм димоғим менинг,
Ким ёқиб ул шуъла чароғим менинг.

Гарчи етиб жоми ҳидоят манга,
Сўзда сукут ўлди бағоят манга.

Лек бирор вақт бориб ихтиёр,
Май илигимдан чиқориб ихтиёр.

Арсаи оламға сабодек бориб,
Меҳрдек ободу бузуқ ахториб.

Илгима тушмай бори офоқ аро,

Балки тўқуз чархи кўҳан тоқ аро.

Ўйла ҳарифеки, чу базм айласам,
Ичгали бу бодани азм айласам.

Назм бийик маснадида ўлтуруб,
Оллима назм аҳли туман минг туруб.

Базмда шоҳона ясаб созу барг,
Бошим уза эгри қўюб нимтарг.

Сўз майидин оллима дарёйи жарф,
Илгима заврақ киби жоми шигарф.

Ҳар нафас айлаб тўла ул жомни,
Сипқориб ул бодаи гулфомни.

Турк суруди била солиб қўлум,
Қилсам адо хай тулугум, хай тулум.

Ул қила олмаса ҳамовозлиқ,
Қилса аёлғу била дамсозлиқ.

Бўлмаса бир жомим ичар журъати,
Бўлса бирор журъа чекар қуввати.

Базми муродимни сипеҳри баланд,
Қилмади бу туҳфа била аржуманд.

Йўқ эди эркинму бурун ҳам киши,
Ким бу май ичмак эди эркин иши?

Ё бўлубон борчаси азм эттилар,
Базмға мен етмас экач кеттилар.

Манга бу бекаслик эмас эрди бас,
Ким чиқибон ҳар сари бир ҳечкас.

Табъкажу борча такаллумнамой,
Нағма чабу борча тараннумсарой.

Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.

Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст.

Борчасиға даъвийи маънийи хос,

Хосларим топмай алардин халос.

Равзаи назм ўлғали рангин манга,
Ҳарне йўлуқти санами Чин манга.

Бор эди машшотаи табъим иши,
Бермак алар ҳуснининг оройиши.

Шона ураб сунбули гусусиға,
Сурма чекиб наргисижодусиға.

Қон ёш ила оразини ол этиб,
Юзида кўз мардумини хол этиб.

Лафз либосин тикиббн ранг-ранг,
Киймак учун ул санами шўху шанг.

Кийдурубон хуллаи мавзун анга,
Зевар этиб юз дури макнун анга.

Қилсам этиб бошгин-аёқ жон ани,
Ҳажлаи ноз ичра хиромон ани.

Чун анга бу хайли жафогар етиб,
Ҳуллаларин ғорату торож этиб.

Жисмида не нулла қўюб, не ҳарир,
Ўзини бедод ила айлаб асир.

Зоҳир этиб йиғлагудек хол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.

Турфа буким, шеър қўюб отини,
Эткурабон кўкка мубоҳотини.

Турфароқ улким, тониримни билиб,
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб.

Ваҳки, манга жилвагар айлар чоғи,
Истабон эҳсон доғи, тахсин доғи.

Кўнглума кўп тиғи жафо урдилар,
Дема кўнгул, жонима еткурдилар.

Қолмади чун ўзга манга чорае,
Қалъа ясардек топибон хорае.

Қулла чу ҳам олий эди, ҳам васеъ,

Устига қўйдум бу бинойи рафеъ.

Сувғача хоро била бунёд этиб.
Кўкка дегин пораи пўлод этиб,

Хандақини ваҳм анингдек қозиб,
Кимки боқиб қаърига ақли озиб.

Не тубига нақб бўлуб судманд,
Не етибон кунгурасиға каманд.

Маъмани ул хайли паризод этиб,
Жонларин ул хавфдин озод этиб.

Тегмак учун жисму учурмоққа бош,
Анда қилиб таъбия кўп ўқу тош.

Тоши анирфсг тақвийи жонкоҳдин,
Ўқлари ҳам оҳи саҳаргоҳдин.

Ногаҳ анга ёвуса бир беадаб,
Тош ила ўқдин анга етгай тааб.

Аллоҳ-Аллоҳ, бу не афсонадур,
Ким бу фасона деса девонадун

Арбада кўп бўлди, магар маст мен,
Ёки жунун қайдиға побаст мен.

Эрмас эсам маст, недур мунча лоф,
Махз жунун бўлмаса, мунча газоф.

Бу неча тандинки, шикоят дедим,
Англамайин ҳарза ҳикоят дедим.

Борчасининг нуктаси рангин эрур,
Назмлари дилкашу ширин эрур.

Ўзда йўқ эрдим-бу сўз айтур замори,
Борча алар яхши эрур, мен ямон.

Тебра Навоий-ю наво демагил,
Ҳарне эмас бўлса, раво, демагил.

Савтунг эрур боштин-аёқ ҳарза, кўп!
Бошлариға эврул, аёғларин ўп.

Борча гадо оллида бўлғил гадо,

То санга шаҳ қурбини бергай Худо.

XVI

Салотин хайлининг сарафрози ва хавоқин мулкининг ганжпардози муиззиус-салтанатид-дунё вад-дин Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон халладАллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва авзаҳа алал-оламина битраҳу ва эҳсонаҳу мадҳиким, гўё тил била мадхин демак маҳолдурур, батаҳсиским қалам тили мадҳида лол дурур

Қайси шаҳ ул хусрави олампаноҳ,
Оламу одам анга мулку сипоҳ.

Қасри ети гунбади гардон келиб,
Этти атосиға дегин хон келиб.

Хон келибон ҳам ото, ҳам от анга,
Фақр оти бирла мубоҳот анга.

Турку мўғул қуллари хонлар анинг,
Мулкдеҳи мулкситонлар анинг.

Қуллуғи хонларға келиб фарзи айн,
Хонлара шаҳлар шаҳи Султон Ҳусайн.

Шоҳ Абулғозийи хуршедрой,
Роятининг махчаси хуршедсой.

Чархи барин тахти учун пояе,
Шамсаи хур тожиға пирояе.

Абри кафи баҳри жавоҳирнисор,
Тиғи бу дарё суйиға жўйбор.

Меҳр камарбандида ёқут ўлуб,
Ёнидағи ханжар анга Ҳут ўлуб.

Недур, агар Ҳут эмас ханжари,
Қабзада гавҳардин анга Муштари.

Қавс анга бир ёки чу тортиб кучун,
Ости фалак тоқиға маншур учун.

Турки фалак чун анга гоҳи етиб,
Тебрата олмай нечаким зўр этиб.

Чархи мудаввар анга қолқон келиб,

Қуббаси хуршеди дурахшон келиб.

Бўлди бу қолқон юзида Кахкашон,
Қини мурассаъ қиличидин нишон.

Найзасидур чархда эрмас шихоб,
Қавс киби ёпқон анга сийми ноб.

Лаълийи тах нуқра қилурға шафақ,
Ранги-ю афшонға қуёш -зарварақ.

Қаҳри ўти чиқти мухолифгудоз,
Лутфи ех эсти раиятнавоз.

Бориқаи ханжари офоқсўз,
Шаъшааи соғари гетифурўз.

Илги саховатдин ўлуб зарфишон,
Лутфи талаттуф била гавҳарфишон.

Кўнгли билик гавҳаридин ганжхез,
Илги саховат кафидин ганжрез.

Ҳам карами баҳр ила кон офати,
Ҳам ғазаби мулки жаҳон офати.

Лек қачон қаҳри ўти чекса бош,
Афви саҳоби етибон қатрапош.

Разм куни бўлса темур ичра ғарқ,
Жавшани заркор қадам то ба фарқ.

Рост хазон барглари сув аро,
Ёки адув чеҳраси кбъзгу аро.

Тиғи темур панжа аро чун тутуб,
Тиғи ҳамоно бу темурдин бутуб.

Шуълаи тиғин демагил чаркаси,
Чекти забоҳа ҳамул ўт шуъласи.

Чун тушубон найза адув фарқиға,
Ўхшабон ул лаҳза бало барқиға.

Тушгач анинг абри кафидин бу барқ,
Тўда кулу тоғ аро йўқ ҳеч фарқ.

Ашхаби ранг ичра бўлуб барқфом,

Ранги неким, пояда ҳам барқгом.

Музмар айпғи, илигида сабо,
Оти бу маънидин ўлуб бодпо.

Ҳар сориким пўя қилиб тезу тунд,
Тавсани афлок ўлуб оллида кунд.

Жанбида гардун кўрубон тавсанин,
Уйки юруб янчар анинг хирманин.

Хирман уйи бўлмаса невчун мудом,
Дойир этар сайру тииз этмас хиром.

Истасанг ул хирману уйдин нишон,
Бас бу нишон Сунбулау Кахкашон.

Секримак ичраки анинг йўқ ҳади,
Гунбади гардун киби ҳар гунбади.

Йўрғаламоқ вақти чу солиб аёғ,
Кабки дари оллида андоққи зоғ.

Лек ёриш вақти югурган замон,
Тоғ ҳамон оллида хомун ҳамон.

Сайр чоғи тушса кўзи ҳар сори,
Солиб аёқ минг йиғоч андин нори.

Иш куни бу рахш уза жавлон уруб,
Юз туман аъдо черигин синдуруб.

Разм иши чун қолмаса майдон сори,
Ишрат учун қўйса юз айвон сори.

Тушсау Рустам киби қилса хиром,
Тахт уза Жамшеддек этса мақом,

Ҳам бошидин қўйса олиб тожи зар,
Ҳам белидин ешса мурассаъ камар,

Чиқса уруш бўктару хафтонидин,
Кийса тараб хуллау каттонидин,

Боғи Эрам сахнида базм айласа,
Бодаи ноб ичгали азм айласа.

Қилса навозандалар оҳанги руд,

Аҳли ғино тортса дилкаш суруд.

Соқийи гулчеҳра тутар бирла қўш,
Айласа базм аҳлиға торожи ҳуш,

Шаҳлар адабдин тикибон ерга кўз,
Сўрмаса, бегларга не имкони сўз.

Анжумани гулшани гардун бўлуб,
Анда қуёш соғари майдин тўлуб,

Зухра сурудини матў айлабпн,
Бадр бу мажлисда самў айлабон,

Балки Аторид киби ҳар дам Сухайл,
Зоҳир этиб мадх адосиға майл.

Базми бўлуб гулшани ахзар киби,
Қурси газак ҳар сари ахтар киби,

Маснади узра ўзи Жамшеддек,
Йўққи, сипеҳр авжида хуршеддек,

Эл кўзини партави равшан қилиб,
Бал қаро туфроғни гулшан қилиб,

Жуд илиги аҳли ғино бошиға,
Қайси ғино, шоҳу гадо бошиға,

Боди хазондек дирами зар. сочиб,
Абри баҳорий киби гавҳар сочиб.

Токи хазон ели зарафшон эрур,
Абри баҳорий гуҳарафшон эрур.

Ул биридек элга зарафшонлиғ эт,
Бу бири янглиғ гуҳарафшонлиғ эт.

Баҳри фалакдин санга гавҳар хирож,
Гавҳари зотинг бори оламға тож.

Тожинга тарсиъ абад зевари,
Авжи уза баҳри бақо гавҳари.

XVII

Кўнгул таърифидаким, кўнгул тилагандек қилилмайдур ва анинг васфин

соҳибдиллиқға мавсуф бўлғон кишидин ўзга киши билмайдурур. Кўнгулсиз роқим хомасин рақамкаш қилмоқ ва бу рақам саводи била кўнглин хуш қилмоқ

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,
Одарни хокийни гулистони сунъ.

Эсти насими бу гулистон сари,
Сунбулу сарву гулу райҳон сари.

Ким бу раёхинға етушти футух,
Ўйлаки тан гулшаниға кирди руҳ.

Эрмас эди анда ғараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулким, ғараз эрди кўнгул.

Эйки, кўнгул васфи баён айладинг,
Сен бу кўнгулни не гумон айладинг.

Гулшани жисминг аро гул ғунчаси -
Битса, гумон этма кўнгул ғунчаси.

Ғунча эмаским, бу кўнгул қон эрур,
Ё бўялиб, қон аро пайкон эрур.

Йўққи, бу бир шакл дурур рангу бў,
Ҳарне керак бўлсун, агар бўлса бу.

Гар бу дурур ҳар нимаким жони бор,
Жисмида бу ғунча сифат қони бор.

Ҳам они дажжол топиб, ҳам наби,
Исо била тенгму бўлур маркаби?

Гар бу эса Хожа, ўзин муттасил -
Қайси кўнгул бирла дегай аҳли дил

Бу худ эмас жазм сен истар кўнгул,
Гар бу кўнгул бўлса сен андин тўнгул.

Буки кўнгул дерсен эрур бу юрак,
Исм кўнгул бирла анга муштарак.

Кўнгул эрур булбули бўстони роз,
Қудс ҳаримида бўлуб жилвасоз.

Ройихаи жаннати аъло ҳам ул,
Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул.

Солик ани Арши муалло деди,
Сўфи ани олами кубро деди.

Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,
Борча жаҳон аҳли кўзидан ниҳон,

Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи кўнгул каъбаси.

Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бин Холиққа эрур жилвагоҳ.

Топқуча ганжинаи асрорлиқ,
Кўп қилибон солики атворлиқ.

Каъбаға ҳам қатъи манозил қилиб,
Дайрға ҳам таййи мароҳил қилиб,

Ҳам етибон аҳли муножот аро,
Ҳам тушубон кўйи харобот аро.

Гоҳ бўлубон муътакифи хонақах,
Шайх они тоатға қилиб рўбарах.

Гоҳ кириб дайри фано сон маст,
Муғбача оллида бўлуб бутпараст.

Гоҳ қилиб шамъға парвоналиқ,
Гоҳ пари ишқида девоналиқ.

Гоҳ висол ичра бўлуб айшсоз,
Гоҳ фироқ ўтиға айлаб гудоз.

Гар кўрубон чобуки симинтахе,
Хандаи ширин била шўрафкане.

Дарду бало тоғида Фарҳод ўлуб,
Тиниоғ анга тешаи пўлод ўлуб.

Ё йўлуқуб моҳрухи дилкаше,
Дашти малоҳат аро Лайливаше.

Ишқида саргашта чу гардун ўлуб,
Дард биёбонида Мажнун ўлуб.

Сокин ўлуб ўтда самандар киби,
Ғўта уруб сув аро гавҳар киби.

Ғарқи ҳаво абри гуҳарсанждек,
Туфроқ ичинда ётибон ганждек.

Водие қолмай ул анга етмаган,
Қатъида такмили сулук этмаган,

Ориз ўлуб жумлаи холот анга,
То бўлубон касби камолот анга,

Олам афо ҳар тие кўруб, касб этиб,
То лақаби олами кубро етиб.

Кимга бу олам сари очилса йўл,
Олам аро аҳли дил ул бўлди, ул.

Улки етиб маҳзани раъфат анга,
Бўлди бу оламда хилофат анга.

Тахти сафо бўлди анинг маскани,
Сўфийи соҳибдил ани бил, ани.

Йўлида жону кўнгул айлаб фидо,
Жону кўнгулдан анга қил иқтидо.

Гар этагин тутмоқ эмас дастрас,
Тушса Навоий сари бир ришта бас.

XVIII
АВВАЛҒИ ҲАЙРАТ

Кўнгулнинг адам тунидин қутулуб, вужуд субҳиға ҳамнафас бўлуб, малак олами баҳористонининг ранго-ранг азхори ва гуногун ашжорин тамошо қилғони ва аларни «Саббиҳисма Раббикал-аъло» амри била қайюми ҳақиқий тасбиҳиға машғул эрконин билиб димоғи боғида ҳайрат гуллари очилғони ва ул гуллар атри димоғидин ҳуш олиб беҳуш йиқилғони

Субҳдур, эй соқий, этиб меҳр фош,
Тут манга бир жом нечукким қуёш.

Тонг қуши чун берди паёми сабух,
Нўш этайин бир-икки жоми сабух.

Субҳ сафолиқ майидин маст ўлай,
Тонг қушиға нолада ҳамдаст ўлай.

Берди саҳар хулласи зар риштатоб,

Қолмади тун пардасидин ришта тоб.

Ёзди фалак тоқиға килки қазо,
Ояти «Ваш-шамс» била «Ваз-зухо».

Сўфийи субҳ айлабон ул дам зуҳур,
Ёйди сипеҳр узра мусаллойи нур.

Шорн саводи асарин тийра хок,
Субҳ супургуси била қилди пок.

Чархки, даҳр узра эди мушкрез,
Бўлди ҳамул мушкуза кофурбез.

Нилуфари чарх тўкуб жоласин,
Очти саҳар боғи сариғ лоласин.

Ож ўлубон панжараи обнус,
Ўт сочибон мижмараи сандарус.

Куйди қуёш ўтиға зулмат туни,
Учти ҳаво узра нужум учқуни.

Жилва бўлуб гум кеча товусидин,
Нур кетиб гуллари кўзгусидин.

Кўз очибон Хожа адам шомидин,
Жон топибон тонг ели пайғомидин.

Шоми адамни суруб андоққи дуд,
Эсти димоғиға насими вужуд.

Зоҳир ўлуб ўзига бегонавор,
Юз урубон ҳар сори девонавор.

Ҳар нафаси субҳ киби сорғориб,
Тонг елидек ҳар дам ўзидин бориб.

Юз туман аъжуба тамошо қилиб,
Сиррини билмакни таманно қилиб.

Фикрати қилғон сойи кўпрак хаёл,
Англабон ўз комини кўпрак маҳол.

Бўлмади ул пардада чун кашфи роз,
Кўп қилиб изҳори сужуду ниёз.

Каср ҳаримида мақом айлади,

Ажзу тахайюрға қиём айлади.

Яъс ила ўз ажзини қилғоч адо,
Қилди анга хотифи ғайбий нидо

Ким, қўпу сайр айла бу гулшан сон,
Айла назар сабзаи равшан сори.

Қўптию қўйди чу бир-икки қадам,
Бўлди аён равзаи боғи Эрам.

Қайси Эрам, гулшани минусиришт,
Гулшани мину дема, боғи бихишт.

Ҳар шажари сидраға бош еткуруб,
Шохин анинг шохига чирмаштуруб.

Барглари кўкка қилиб сарзаниш,
Соясида меҳр топиб парвариш.

Сарвлари саркашу зангоргун,
Ҳар бири кўк боргаҳиға сутун.

Меҳр чинор офатининг ранжаси,
Панжасини ожиз этиб панжаси.

Сорғориб ул меҳнати жонкоҳ ила,
Куйдурубон они қизиқ оҳ ила,

Сандалининг атри Масихо дами,
Андин ўлук мисли Масих одами,

Сув бўлубон ройихасидин гулоб,
Сояси туфроғни қилиб мушки ноб.

Соқи сапидорнинг андоққи сийм,
Гард анинг сиймиға қўймай насим.

Сийм анга чун соқи сумансо бўлуб,
Яфроғи тах нуқраи мино бўлуб.

Чархқаким шохи санубар етиб,
Тугмаларин анжум учун хўд этиб.

Сарву сапидор сафи муттасил,
Сарву сапидорни айлаб хижил.

Турфа буким бошида гул очилиб,

Ул гул аёғиға доғи сочилиб.

Сабзасининг ранги зумуррад киби,
Риштасида тугма забаржад киби.

Ҳар сори бир хавзаи ойинаранг,
Ким намидин тутмайин ойина занг.

Жилвагар ул кўзгуда жон сурати,
Даста бўлуб анга ариғ ҳайъати.

Рухқа ориғ суйидин қут ўлуб,
Реза тоши лаъл ила ёқут ўлуб.

Гул оёғиға сув қўюб бошини,
Бошини қўйким, бу ушоқ тошини.

Зийнат учун қилғали халхол анга,
Йўққи бу нақд ўлғали помол анга.

Бикр сифат ғунча бўлуб парда чеҳ,
Риштаи бахтидин очилмай гиреҳ.

Шоҳиди гул ҳусну намойиш учун,
Хон олиб илгига кушойиш учун.

Дур солибон шабнаму эсгач насим,
Барги шукуфа тўкубон анда сийм.

Сабзау гул акси тушуб сув аро,
Оразу хат ўйлаки кўзгу аро.

Гул уза шабнам чу тушуб ҳар варақ,
Кўргузуб афрухта юзда арақ.

Сунбули печон бўлуб афъи мисол,
Ғунча анинг нишидин озурда хол.

Захр ила ёшил бўлубон пайкари,
Булбул анинг бошида афсунгари

Тугмаки остида гумон этти хайл,
Захр дурур қилғон оёғиға майл.

Ништар урарға чидамай хордин,
Булбул этиб доия минқордин.

Сарв аёғида хиромон тазарв,

Шуъла тазарв ўлди, анинг дуди - сарв

Жилва қилиб ҳар сори товуси маст,
Гуллару гулбун топиб андин шикаст.

Толни янги шох ила барги ғулу,
Айлади девонаи жўлидамў.

Боғ хакими хиялу макр ила,
Солиб аёғиға судин силсила.

Наргис арилмай маразидин ариғ,
Кўзлари айни ярақондин сариғ.

Кўз тикибон сувғау ранги синиб,
Сабзани сув ичра болиғ соғиниб.

Ҳар сори занг зар этиб ошкор,
Номия пайкиға ҳамишабаҳор.

Ринди муқаммирдек этиб лола шайн,
Тоси аро жола бўлуб каъбатайн.

Гул ул ўюнға чу ҳавас кўргузуб,
Жайбидағи хурдаларин утқузуб.

Жола бинафшаға уруб тошини,
Боғлаб кўк ёғлиғ ила бошини.

Кўргузубон барқ булутдин дарахш,
Қатра Хизр чашмасидек руҳбахш.

Қилғали амвотни ихё насим,
Фош этиб анфоси Масихо насим.

Қатраси гавҳар суйидин ҳам фирм,
Туфроғи жаннат гулидин ҳам назих.

Ул бу Эрам тавфида беҳол ўлуб,
Зойил ўлуб ҳушу тили лол ўлуб,

Ҳар тарафиким боқиб ул равзанинг,
Кўзга ғаройиб кўрунуб бирга минг.

Неча назар бўлса тамошоталаб,
Булъажаб узра кўрунуб булъажаб.

Топмади сарриштани чун фикрати,

Ҳайрат уза қилди ғулу ҳайрати.

Ақл ишин яъс жунун айлади,
Васваса ҳушини забун айлади.

Ким бу гулистонким эрур бир жаҳон,
Балки жаҳоне гул ичида ниҳон.

Бутмак ўзи худ эмас имкон анга,
Гар бу эмас кирн эса деҳқон анга.

Солди ниходиға бу ҳайрат хуруш,
Ким деди ул ҳайрат ичинда суруш

Ким, недурур ҳайрати бефойида,
Санга бу ҳайрат ила не фойида.

Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар.

Дур киби етгач қулоғиға бу сўз,
Нури ҳидоят била очти чу кўз

Фохтадин қумрию булбулгача,
Балки шажар яфроғидин гулгача,

Барчаси қайюмиға зокир эди,
Ҳар бир анинг шукриға шокир эди.

Гар ел, агар сув бўлубон нағмасоз,
Сониъ ила ҳар бирига ўзга роз.

Чекти бу ҳайрат била ўтлуқ хуруш,
Ким бори гўё эдилар, ул - хамуш

Солди димоғиға бу хомушлуқ .
Ох бухори била беҳушлуқ.

Соқий, етубдур яна жисмимға тоб,
Юзума ур, бода суйидин гулоб.

То топибон ҳуш такаллум тузай,
Сўз чамани ичра наво кўргузай.

XIX
ИККИНЧИ ҲАЙРАТ

Ул ҳумоюнбол қушнинг малак олами гулистонидин малакут олами шабистониға ҳаво қилиб, ул рафиъ манозилнинг шамъ ва машоилин забона тилидин «Вазкурисма раббика ва табаттал илайҳи табтило» ҳукми била холиқи аслий зикрига зокир эрканин маълум қилиб, ҳайратдин бир оламдин яна бир оламға борғони ва бу ҳайрат яна ани бехудлуққа солғони

Турки Хўтан топти чу зебо жамол,
Мушкфишон бўлди насими шамол.

Урди нафас нафлиаи анбар насим,
Ёпти варақ сафҳаи абҳаршамим.

Тўкди жаҳон гулбуни барги суман,
Очти фалак боғчаси настаран.

Луъбати Чин чеҳра ниҳон айлади,
Зулфин очиб мушкфишон айлади.

Ройиҳадин айлади бу суда мушк,
Анжуми шабгард димоғини хушк.

Ўйлаки ул юбс чу таъсир этиб,
Чекратибон кўзлари уйқу кетиб.

Пардаги ўлди эгин ичра карак,
Учти очиб пардаларин шабпарак.

Бумки азми фалак ўлди анга,
Доирадин ой дафак ўлди анга.

Кўк ўланг атрофида ҳар гуна вард,
Анжум ила доираи ложувард.

Бу кечаким юз тааб ўлди анга,
Бир-биридин булъажаб ўлди анга.

Айлар эди чархи мушаъбидшиор,
Ҳар нафасе ўзга тилисм ошкор.

Кўк бу мушаъбиднинг ўлуб чодари,
Ахтар ўлуб луъбати симинбари.

Ҳайъати тулоний ила Кахкашон,
Чархқа сайр этгали йўлдин нишон.

Дема китоба фалак айвониға,
Рахрав ўлуб чарх шабистониға.

Қилди чу зийнат била боғи сипеҳр,
Ахтарининг ҳар гулини рашки меҳр.

Тойири қудсий яна истаб наво
Учти доғи ул сори қилди ҳаво.

Қолиби хокий қолибон хок уза,
Чиқти фалак ахтари афиок уза.

Руҳ қаноти била тойир бўлуб,
Чарх шабистониға сойир бўлуб.

Ушбу жинон равзасининг тойири,
Бўлди чу аввалғи чаман сойири.

Зоти анинг жавҳаре эрди басит,
Олам анга марказ ўлуб, ул Мухит.

Ҳалқа бўлуб жавҳари улвий хиром,
Хотам анга нуқтаи сифлий мақом.

Ҳалқа дема, балки мудаввар лаган,
Шамъи анинг машъалаи анжуман.

Машъал ўлуб ҳажр шабистониға,
Шамъи гадо кулбаи вайрониға.

Нури бериб кулбаға шамъи фароғ,
Шамъни қўйким, гуҳари шабчароғ.

Ҳайъати гаҳ доирамонанд ўлуб,
Савт анга тасбиҳи Худованд ўлуб.

Гоҳ бўлуб пайкари андоқки тил,
Айтур учун Ҳаққа сано муттасил.

Чун яна бир равзани қилди ватан,
Сокин эди бир бути симинбадан.

Қоши фусунгар, кўзи танноз ҳам,
Ул бир этиб ишваю бир ноз ҳам.

Турраси марғуласида юз гириҳ,
Мушкдин айлаб қамар узра зириҳ.

Шоҳид ўзи эрди, навосоз ўзи,
Соқий ўзи, замзамапардоз ўзи.

Ранги йигитлик майидин ол ўлуб,
Ҳамдами бир пири кухансол ўлуб.

Зоҳир этиб заъф сўнгаклар анга,
Ким кўрунуб жисмида раглар анга.

Рагзан ўлуб мутриби хажжомваш,
Раглар аро қон йўқидин нолакаш.

Ўзи ҳам ул раглар ила ҳамсадо,
Раглару рагзан қилибон шукр адо.

Чун яна бир ҳужра сори чекти ранж,
Анда эди нодираи нуктасанж.

Исм ўлуб ул ҳужрада муншо анга,
Риштаи дур хат била иншо анга.

Мум киби табъи анинг дилпазир,
Борча нигиндин бўлубон нақшгир.

Сув киби ҳар зарфға оҳанг этиб,
Ўзини ул зарф ила ҳамранг этиб.

Хомасидин нома сиёх ўлмайин,
Ёзғони жуз ҳамди Илоҳ ўлмайин.

Чун яна гулшанни мақом айлади,
Ҳар чамане ичра хиром айлади.

Анда ниҳон эрди пари пайкаре,
Дуржи сипеҳр ичра самин гавҳаре.

Гавҳари сарчашмаи жондин ёруқ,
Ҳарне йўқ ондин ёруқ, ондин ёруқ.

Ҳайъати ойинаи гетинамо,
Кўзгуси ойнинг топиб андин жило.

Чарх уза парвози малойик сифот,
Хатти шуои анга ҳар ён қанот.

Чашмасини чунки Масихо топиб,
Пок дамидин ўлук ихё топиб.

Чашма аро оби ҳаёти анинг,
Кеча саводи зулумоти анинг.

Пайкаридин зоҳир ўлух чашмалиғ,
Хатти шуои анга ҳар ён ариғ.

Йўққи бу хат боштин-аёқ тил бўлуб,
Ҳар тилл Ҳақ зикрига қойил бўлуб.

Чун яна майдон сори кўргузди хез,
Таҳмтане тортиб эди тиғи тез.

Қаҳри ўти чекса чу дуди ғазаб,
Ҳар шарари юз йил ўлуб зузанаб,

Жумлаи оламға иши қаҳр ўлуб,
Аччиғидин боштин-аёқ захр ўлуб.

Тиғ солиб ҳар сори аччиғидин,
Қон демаким, захр томиб тиғидин,

Эл бошининг косасидин жом анга,
Май ерида қон бўлуб ошом анга.

Ҳам ўқи тийра кеча анжумрабой,
Ҳам қиличи захми ўлуб янги ой,

Румҳи била ўқлари, бал тиғи ҳам,
Тиллар ўлуб дегали шукри ниам.

Чун яна бир мархалаға чекти рахт,
Сокин эди сахнида бир некбахт.

Ўзи малакваш, кийими хулласон,
Хоҳ ридо бил ани, гар тайласон.

Минбари шашпоя уза ўлтуруб,
Зуҳд шукуҳи юзидин билгуруб.

Чеҳрани очмоқ кеча одат анга,
Машъал ўлуб нури саодат анга.

Давлати сармад киби фаррух жамол,
Ақли мужаррад киби фархундафол.

Кишвар анга нуру сафо хиттаси,
Анши этиб ҳамду сано хутбаси

Чун яна бир дайр сори қилди сайр,
Кўрдики бир хинду эрур пири дайр.

Ҳар ишида сабр таманно анга,
Сабр киби ишда таанно анга.

Тийражабин ўйлаки меҳнат куни,
Лангхиром ўйлаки фурқат туни.

Дайри сабукравға нигаҳбон бўлуб,
Лек батийсайру гаронжон бўлуб.

Томини бу дайрнинг айлаб матоф,
Қарн ўтубон айлаб ани бир тавоф.

Илгидаким субҳани айлаб мудир,
Тилни қилиб зокири Ҳаййи Қадир.

Чун яна бир қуллаға айлаб қарор,
Топиб анинг даврини махкам хисор.

Буржиға бу етти фалакдин уруж,
Балки анинг бобида «Зотил-буруж».

Хандақининг умқиға андоза йўқ,
Буржи ўн икки, анга дарвоза йўқ.

Развана ҳар буржи аро ғурфае,
Жилвагар ул ғурфа аро турфае.

Турфа буким сайр қилиб бардавом,
Сайрлари лек ўн икки мақом,

Ҳоин тили бирла мақол айлабон,
Ҳамди Карими Мутаол айлабон.

Чун боридин юққори урди алам,
Юқориғи пояға қўйди қадам.

Кўрди ўшул хиттани бутхонае,
Ҳар бутининг ҳайъати дурдонае.

Анда не рахбон эди, не барҳаман,
Лек бори бутлар эди сиймтан.

Ҳар бути бутгарға парастишда маст
Ўйлаки бут саждасида бутпараст.

Мунча ғаройибғаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.

Борчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳға шухуд англади.

Юзланиб ўз холида ғайрат анга,
Бирга минг ўлди яна ҳайрат анга,

Ким бори зокир эди, ул гунгу лол,
Борчаси мажмуу ул ошуфта хол.

Қилди яна ҳайрати беҳад ани,
Ҳуш заволи била бехуд ани.

Соқий, эрур жисмим анингдек заиф,
Ким нафасим чиққали эрмас ҳариф.

Жомға худ мен қўя олмон оғиз,
Пахта била оғзима они томиз.

XX
УЧУНЧИ ҲАЙРАТ

Ул ошуфтахол мусофирнинг малакут олами шабистонидин бадан мулки шаҳр истониға нузул қилғони ва ул кишвар аҳлинингхам «Фазкуруний азкурукум» буйруғи била Қодири мутлақ ёди бирла эрконин билиб, ҳайрат ўти иштиол этиб, вужуди ул ўтдин кул бўлуб, фано елига. билкул совурулмоқ била иккинчи фано мақомин хосил этиб, андин сўнг Ҳақдин бақойи комилий етиб, Хожанинг ул мулкда хилофат тахтиға қарор тутқони

Меҳр чу машриқ сори урди алам,
Олди жаҳон мамлакатин якқалам.

Тавсани гардунға минар майл этиб,
Чиқти уфуқ жонибидин секритиб.

Чунки бийик бўлғуча қилди шитоб,
Солди ҳарорат била оламға тоб.

Хожаки ҳайрат майидан маст эди,
Мастлиқ уйқусиға ҳамдаст эди.

Солди қуёш тоби чу мағзиға жўш,
Сесканибон кирди димоғиға ҳуш.

Асру ачиғ май била маҳмур ўлуб,
Балки қизиқ ўт била маҳрур ўлуб.

Ғурбат ўти ҳар дам ўлуб шуълазан,
Тушти хаёлиға ҳавои ватан.

Ёна сафар ранжи қабул айлади,
Манзили азмиға нузул айлади.

Чунки жаҳон арсасидин топти баҳр,
Келди анинг оллиға бир турфа шаҳр.

Ҳар ёни аъжубаға ҳад нопадид,
Турфаи беҳадға адад нопадид.

Сунъ илиги болчиғин айлаб хамир,
Лутф ила айлаб ани хайъатпазир.

Икки сутун узра қилиб таъбия,
Анда кўп аъжуба қилиб таъмия

Вазъини ул дамки мураттаб қилиб,
Тўрт жавоҳирни мураккаб қилиб.

Икки анга гавҳари улвий нажод,
Икки яна жавҳари сифлий ниход.

Ўйла таодулки бўлуб тўрт зид,
Борча тараккуб юзидин муттаҳид.

Масжиду бозору маҳаллот анга,
Кўчаву бўстону харобот анга,

Ўтиға Мусо ўти янглиғ зиё,
Эли Масихо дамидек жонфизо.

Суйи латофатда зулоли бихишт,
Туфроғи гул, нафхаси анбарсиришт.

Кишварининг қалбида бир тахтгоҳ,
Бўлмоқ учун хусрави кишваипаноҳ.

Тахтиға ҳар холки тори бўлуб,
Жумла ақолимида сори бўлуб,

Анда салоҳ ўлса, борида салоҳ,
Бўлмаса солих, бориси бефалоҳ.

Авжида бир қасрки меъмори сунъ,
Айлаб ани муқассам паргори сунъ.

Вазъида хайрон хиради хурдабин,
Лол қолиб тарҳида наққоши Чин.

Қаср уза бир гунбади олий асос,
Гунбади гардун била раъсан би раъс.

Ҳарне рақам гунбади гардури аро,
Борчаси бу гунбади мавзун аро.

Қасриға бир турфа эшик очилиб,
Ким дуру гавҳар унидин сочилиб.

Бўлуб икки лаълдин абвоб анга,
Ҳар сори дандона дури ноб анга.

Фаршики ёқут ила марбут ўлуб,
Дурлари ёқут аро мазбут ўлуб.

Ҳар неки маъкул ила машруб эрур,
Ким егали, ичгали марғуб эрур.

Шаҳрға бу йўл била айлаб хиром,
Шаҳр элининг қути бўлуб субҳу шом.

Фазлалари даф и учун икки йўл,
Жониби асфалдин ўлуб зоҳир ул.

Лаъл эшиги узра ики бодгир,
Ҳайъати матбуу ўзи дилпазир.

Ҳам кирибон, ҳам чиқиб андин насим,
Тошида гачкорлиғи сода сийм.

Гунбади рукниға маҳориж бўлуб,
Шаҳр йўлидин йўли хориж бўлуб,

Ушбу мамар бирла насими шамол
Шаҳт элини айлабон осудахол.

Шоҳ риёзиға ҳам айлаб мурур,
Эткурубон базмиға юз минг сурур.

Шоҳға бир нойиби ҳикматмаоб,
Кишвари атрофида ул комёб.

Диққат аро фикри қаёнким кетиб,
Нуқтаи мавхумни^юз қисм этиб.

Фикрати ҳар амрда фархундарой,
Ройи бори уқдада мушкилкушой.

Шоҳ ани ўз мулкида дастур этиб,
Мулкини ул адл ила маъмур этиб,

Юққориғи қаср уза фаррух вазир,
Сокину эл амриға фармонпазир.

Қасрда беш рахба мухайё анга,
Бўлғали ҳар сори тамошо анга.

Лек бу беш рахбада беш корвон,
Бир-биридек ҳар бири бисёрдон.

Ҳар бири бир равзада топиб маҳал,
Ўз фанида ҳар бирига йўқ бадал.

Бири назар илмини идрок этиб,
Айни сафодин назарин пок этиб.

Бирига иш буки эшитгач самў,
Қилғай ани диққат ила истимў.

Бирига қилмоқ бўлубон таъм дарк,
Нўши ҳаёт ўлсун, агар ниши марг.

Бирига ҳар ройиха айлаб асар,
Хоҳ қуруқ нофау, гар мушки тар.

Бирга гулу хор муассир бўлуб,
Совуғ, исиғдин мутаассир бўлуб.

Босирау сомиау ломиса,
Зойиқау шомма била хомиса.

Ҳар неки оламда бўлар мудраки,
Кимдаки идрок мунга йўқ шаки.

Қасрки даҳлези топиб нақши Чин,
Соҳатида сокин ўлуб беш амин,

Ҳар неки зоҳир бўлубон беш ҳавос,
Ўз иши кунҳида бўлуб рахшунос.

Борча жавоҳирни йиғиб келтуруб,
Бурноғи хозин қўлиға топшуруб.

Андин иккинчига топиб интиқол,
Ким бўлубон хозини онинг хаёл.

Андин учунчи бўлубон нақдсанж,
Ҳофиз ўлуб наме анга етса ганж.

Чун яна бирга бўлубон мунтақил,
Ул мутасарриф бўлубон муттасил.

Ҳарне тасарруф қўли онинг етиб,
Борчани дастурға таслим этиб.

Забт этибон нойиби равшанзамир,
Нақди мамоликни нечукким вазир.

Азм этибон даргаҳи иқболға,
Юз қўюбон Каъбаи омолға.

Арз қилиб борчани шоҳ оллида,
Додгари мулкпаноҳ оллида.

Шаҳ бу хазойинға чу хозир бўлуб,
Диққат ила борчаға нозир бўлуб.

Рад қилибон ҳарнеки мардуд эрур,
Айириб уи туҳфаки мақсуд эрур,

Ҳазрати иззатқа ниёз айлабон,
Туҳфаларин воситасоз айлабон.

То етиб ул лаҳза нидойи қабул,
Топибон ул туҳфа тариқи вусул.

Бадрақаи роҳи нажоти бўлуб,
Мужиби раф и даражоти бўлуб.

Хожаки кўрди яна мундоқ жаҳон,
Заррада кавн, қатрада дарё ниҳон.

Фикр наҳангиға яна қут ўлуб,
Лужжаи ҳайрат аро мабхут ўлуб,

Фикрат ўти кўкка чекиб дудини,
Ҳайрати нобуд этибон будини,

Чунки бу ҳайрат аро ранжу ано
Фони этиб Хожани балким фано.

Ҳақдин ўлуб тоза вужуде анга,
Тоза вужуд ичра шухуде анга.

Шамъи бақо чун ёруғ айлаб кўзин,
Англабон ул салтанат ичра ўзин.

Фатх ўлуб мулк ила кишвар анга,
Балки жаҳон мулки мусаххар анга,

Мулк ўзию тахт ўзию шоҳ ўзи,
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи.

Нафсға чун ориф ўлуб мў-бамў,
Фойиз ўлуб «Қад арафа раббаху».

Соқий, олиб кел қадаҳи хушгувор,
Бирга олиб тортай ани хожавор.

То чекибон бир-ики жоми шигарф,
Хожа мадиҳида сурай неча ҳарф.

XXI

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруҳу мадҳидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси била рўзгор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий тарх этти ва сурати иршоди била куфр аҳли кўнгли варақидин хитойи ва фаранги нақши кетти ва Хожа Убайдуллоҳ салламаҳумуллоҳға ниёз арзиким, ул ҳазратқа халафи мутлақ, балки халифаи барҳақдурур

Хожаки, наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали ҳар сафҳасиға нақшбанд,

Айлади авроқ мунаққаш басе,
Нақш рақам айлади дилкаш басе.

Лек анинг нақши киби дилнавоз,
Чекмади то хомасидур нақшсоз.

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Махв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.

Нақшиға тенг тутмай ўзин нақши
Чин, Олам ўлуб илгида нақши нигин.

Бўйла нигин нақшига фармонбари,
Мунона ажаб нақш ила деву пари.

Саъй ила бу гунбади бисёмақш
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.

Нақшининг оллида намудор уза,
Нақш бўлуб сафҳаи девор уза,

Мунча ажаб нақш била аржманд,
Кимса эмас ғайри шаҳи нақшбанд.

Жонға чекиб ранжу ано нақшини,
Сизмоқ учун анда фано нақшини,

Жони чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фони бўлуб.

Турфа буким нақшга кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин.

Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр.

Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза,
Нақши кафи лавҳаи заркаш уза.

Чун изининг нақшиға суртуб жабин,
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин.

Равзаи жаннатқа чу айлаб хиром,
Ҳоли анинг ўрнида қойим мақом.

Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.

Чархи нигун даргаҳида хокрўб,
Балки жабини била хошокрўб.

Юз қўюбон қуллуғиға шоҳлар,
Базмида бехуд ўлуб огоҳлар,

Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб.

Неча тушуб эгнига қилсанг қиёс,
Хозини ирфон кафидин юз либос.

Зарқ ила тағйири либос этмайин,
Тафриқаи хаззу палос этмайин,

Сухбатида ҳар неча бешакку райб,
Жилва қилиб шоҳиди раънойи ғайб,

Гўшаи хилват аро тутмай қарор,
Ўзини қилмай яшурун ошкор.

Атласи гардун била минг зебу фар,
Тўрқа тўни остида кўк остар.

Лек ўшул тўрқаси ҳар тор ила,
Фақрда юз муршид учун силсила.

Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки нигаҳбони ул.

Йўққи мамоликка нигаҳбон ўлуб,
Борча салотин уза султон ўлуб.

Руқъалари етса не шаҳ қошиға,
Иш ани қўймоғлиғ ўпуб бошиға.

Англаб ани бош уза тожи яқин,
Ҳар сўзи ул тож уза дурри самин.

Шаҳға дема, лутф чоғи тожбахш,
Балки гадоларға доғи тожбахш.

Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб оллида шоҳу гадо.

Чун чолиниб навбати қадриға кўс,
Шаҳлар ўлуб навбат ила хокбўс.

Хотир ўлуб меҳри жаҳонтоб анга,
Авжи шараф анжуми ашоб анга.

Ҳар бири олам элига рахнамо,
Дема жаҳон аҳлики, аҳли само.

Борча сулук аҳлиға рахбар бўлуб,
Йўл элиға тийра тун ахтар бўлуб.

Тийра назарларға бериб нуру тоб,
Ҳар бириси ўйлаки нажму шихоб.

Гарчи тижорат бўлуб ойинлари,
Бўлмади бир мулкда таскинлари,

Юкларида туҳфаи нақди фано,
Ҳар бири ул нақддин истаб ғино.

Симлари борча фано конидин,
Дурлари йўқлуқ суви Уммонидин.

Чун кивуруб ҳар сори рахти нажот,
Банд бўлуб чорсуйи коинот.

Олғучи гар ваҳми зиёнбуд этиб,
Лек бу савдо чу қилиб суд этиб.

Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.

Қўймасун айвони жаҳонни тихи,
Дабдабаи кўси Убайдуллахи.

Ҳиммatидин бизни ҳам этсун Худой,
Фақр йўлида ғани, имонға бой.

XXII
АВВАЛҒИ МАҚОЛАТ

*Имон шарҳидаким, «Ал-имону ан туъмину биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи
ва бил-явмил-охири ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи» демакдин мақсуд бу калимот эмас ва
агар аҳли зоҳир муни имон деса, аҳли маъни демас ва улуҳият дарёсиға шинолиғ ажзин зоҳир
қилмоқ ва малойика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча харф сурмак ва русул жодасида неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак ва қадар бобида алоқадри хол тараннум тузмак*

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга имон эрур.

Улки ҳаду расм кўяр мантиқий,
Токи бу ҳайвони била нотиқий.

Иккиси инсонға бўлуб ҳадди том,
Зумраи инсон аро айлар хиром.

Навъини нотиқ била ҳайвон қилур,
Нотиқу ҳайвонини инсон қилур.

Сен дағи инсон муни қилсанг гумон,
Билки ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон.

Муники инсон мутафовит эрур,
Тенгри каломи хабар андин берур.

Бас киши жазм айласа инсон они,
Яхши-ёмон ичра тафовут қони?

Бўлмади бас ноқису комилда фарқ,
Топмағай эл олиму жоҳилда фарқ.

Бу сифат инсонда топилмас фалоҳ,
Мантиқий айлабдур ани истилоҳ.

Бас ани инсон атағил бериё, Ким
ишидур сабр ила шукру ҳаё.

Бўйла буюрди риабийи Ҳошими,
Ким бу уч имоннинг эрур лозими.

Бас ани инсон демак ўлғай раво,
Ким иши имон била топқай наво.

Эйки, санга айладим инсонни шарх,
Эмди эшитким қилай имонни шарх.

Олти дурур шаръда гўё адад,
Ҳарнеки мўминға керак муътақад.

Айласа бу олти била ихтисор,
Олти жиҳатдин анга бўлғай хисор,

Ким бу хисор ўлса анинг маъмани,
Ўғридин эмин бўлубон маҳзани,

Нақдини бу ҳодиса бероҳидин,
Балки ўкуш бим гузаргоҳидин

Ўткарибон хайру саломат била,
Қолмайин ул йўлда маломат била.

Мақсади аслийға хиром айлагай,
Қурб ҳаримини мақом айлагай.

Англадинг ижмол ила таъвилини,
Эмди эшит ҳар бири тафсилини.

Олтидин аввалғики мақсуд эрур,
Билмак эрур Ҳақники, мавжуд эрур.

Айтма мавжудки, айни вужуд,
Ҳарнеки мавжуд анга файёзи жуд.

Зоти вужудиға бўлуб муқтазий,
Нуқс, камолидин ўлуб мунқазий.

Андин ўлуб мунхат ила муртафиъ,
Мунхат агар муртафиъ ул мухтариъ.

Зотиға дарёйи қидам чун тошиб,
Бир ён азал, бир ён абаддин ошиб.

Ҳарнеки қойим, ўзи Қайюм ўлуб,
Бўлғуси ул, борчаси маъдум ўлуб.

Борча жаҳон аҳлиға зоти ниҳон,
Мазҳари асмоу сифоти жаҳон.

Борчани ҳам қилғучи нобуд ўзи.
Борча бориб, бўлғучи мавжуд ўзи.

Икки жаҳон мулки мусаллам анга,
Ўзга жаҳон бор эса ул ҳам анга.

Олтидин иккинчи - малойикни бил,
Борчаға тасдиқи вужудайлагил.

Билким эрур зойири афлок алар,
Нафснинг олойишидин пок алар,

Ҳар бир ули-ажниха товус ўлуб,
Донаи тасбиҳ анга маънус ўлуб,

Тоби муҳаббат чоғи ул ажниха,
Ўтлари туғёни учун мирваҳа.

Бир била топмай бу жаноҳ инқитў,
Бир неки, масно ва сулоса рубў.

Не қадаме амрсиз олиб, не дам
Борча вужуд аввалидин то адам.

Поку мужаррад борининг жавҳари,
Туфроқу суву елу ўтдин бари.

Хулди барин қушларидек шавқнок,
Арм адосидин ўлуб завқнок.

Бир қуш алар ичраки топмай бу завқ,
Фохта янглиғ топибон бўйни тавқ.

Лаънда уч ҳарфки бор ошкор,
Ҳар бирининг доманаси халқавор.

Ҳар бирининг халқаси топиб вусул,
Тавқда малъун бўлуб ул булфузул.

Англа учунчи кутуби осмон,
Тенгри сўзи бил бориси бегумон.

Қайси кутуб, ҳар бири дарёйи жарф,
Ҳар сўзи бу баҳрда дурри шигарф.

Баҳр дема, ҳар бири бир турфа кон,
Лаъл ила гавҳарға саросар макон.

Гар учи уч шамъи мунаввар бўлуб,
Лек бири машъали ховар бўлуб.

Бўлса маволиди салос ул учи,
Бу ети обонинг ишин қилғучи.

Бал ети обо мунга уммул-китоб,
Сабъи масоний топиб андин хитоб.

"Сабъи масоний" неки, ҳар сураси,
Давлату дин хиттаи маъмураси.

Бошида ҳар сураси тазхиб ила,
Даргаҳи коший анга тартиб ила.

Боғ анга ҳар сафҳаи гулшан мисол,
Жадвали атрофида равшан зулол.

Боғ дема, балки фалак, не фалак,
Сатрлари ҳар сори саф-саф малак,

Бал анга ҳар доираи ашргард,
Рутба аро бир фалаки ложувард.

Ҳақ сўзи ҳар жузви варақ то варақ,
Борча хақойиқ, балким борча хақ.

Мисл анга маъдуму мушобих адим,
Қойили андоқки қадим ул қадим.

Бил яна тўртунчи русул маъшари,
Ҳар бири бир баҳри сафо гавҳари.

Борчаси хақ амрила нахйин тузуб,
Элга бори хақ йўлини кўргузуб.

Ҳужжат агар истаса ҳар тийра зот,
Ҳар бириси кўргузубон муъжизот.

Зоҳир ўлуб борчаға сидқи мақол,
Шойибаи кизбға йўқ эхтимол.

Гарчи паямбар бориға исм ўлуб,
Лек алар жисми ҳам уч қисм ўлуб.

Зумраи аввал келибон анбиё,
Ваҳй ила руъёдин ўлуб пешво.

Сўнгра русулким, неки Ҳақдин етиб,
Борчасини халққа ирсол этиб.

Сўнгра улул-азмки айлаб жидол,
Даъвати дин қилга-ю хукми қитол.

Борчасининг аъзамию афсахи,
Англаки, келмиш набийи Абтахи.

Кўнгли Ҳақ ирсолиға росих бўлуб,
Дини - русул диниға носих бўлуб.

Куфр қаронғусида ҳар мурсале
Дини била ёрутубон машъале.

Қилғач анинг шаръи қуёши зуҳур,
Қолмайин ул машъалалар ичра нур,

Хатм анга ойини рисолат тамом,
Дин анинг исломи-ю бас вассалом.

Келди бешинчи анга явмул-ҳисоб,
Дема ҳисоб, айтки явмул-азоб.

Муътақид ўлмоқки қиёмат бўлур,
Қилғонидин элга надомат бўлур.

Шодлиқ ашоби яминға рақам,
Сафҳалари лавҳиға етмай қалам.

Аҳли шимол ичра тушар можаро,
Номалари юзлари янглиғ қаро.

Тўғри тарозуға бўлур икки бош,
Бир сори гавҳар яна бир сори тош.

Кўпрук уза халқ ҳаросон бўлур,
Бирга қатиқ, бирига осон бўлур.

Дўзах ўти дардиға йўқ интиҳо,
Халқ халокиға бўлур аждаҳо.

Этти боши гунбади даввордек,
Этти оғиз ҳар бириси ғордек.

Дема томуғ етти эшигин очиб,
Ким ети оғзи анинг ўтлар сочиб.

Гулшани фирдавс аро нозу наим,
Ончаки йўл топмай арода насим.

Ҳури анинг руҳи мусаввар киби.
Қадду лаби туби-ю кавсар киби.

Сокиниға жоми бақодин умид,
Қайси бақо, балки лиқодин умид.

Содис анга келди ҳадиси қадар,
Бил азалий сабт неким хайру шар.

Софу тўло бўлғали жоми аласт,
Бўлғуча ул майдин абад аҳли маст,

Ҳарне бу мажлис аро топти вуқуъ,
Хоҳ усул англаву хоҳи фуруъ.

Маст агар тортти нохуш садо,
Мутриб агар айлади дилкаш наво,

Баъзи агар Каъба сори қилди азм,
Баъзи агар дайр аро тузди базм.

Бодияда ул чекибон юз ано,
Бўлди мунунг маскани дайри фано.

Маст чиқиб муғбачаи майпараст,
Қилди салоҳ аҳлини расвову маст.

Зоҳид агар бўлди бориб дурднўш,
Фосиқ агар бўлди келиб хирқапўш,

Борчаси Ҳақ илмида маълум эди,
Лавхаи махфузда марқум эди.

Не етибон яхши амалдин бихишт,
Не солибон дўзах аро феъли зишт.

Улки қилиб Тенгрига минг йил сужуд,
Бўлса шақийи азалий қайда суд?

Муғбачалар дайрда қилғон халок
Бўлса саиди абадий қайда бок.

Кимгаки бу олтиға бор эътиқод,
Ҳам бу сифат бирлаки қилдим савод,

Ҳар нечаким номасиях бўлса ул,
Ғарқаи дарёйи гунах бўлса ул,

Тонг йўқ агар афВ ўлуб уммид анга,
Тутса илик раҳмати жовид анга.

Лек бу дард ўти эрур жонгудоз,
Ушбу гудоз ичра куюб аҳли роз.

Бу бири ўз ҳолиға мотам тутуб,
Ул бири тарки бори олам тутуб.

Ким бу бийик пояки қилдим баён,
Кимга етар-етмаси эрмас аён.

Этмаги ҳам кимсага мутлақ эмас,
Этмаси ҳам жазму мухаққақ эмас.

Кофиру мўмин сори қилсанг соғинч,
Не анга яъсу не мунинг кўнгли тинч.

Куйдурубон халқни бийму умид,
То худ эрур ким шақи-ю ким саид.

Маҳлас иши барчаға ниятдадур.
Топмоқ ани лек машиятдадур.

XXIII

Султон ул-орифинни ғамгин кўруб, муридиға савол тили очилғони ва ул шофий жавоблар била андухлуқ кўнглин холи қилғони

Қайғулуқ ўлтурмиш эди Боязид,
Сўрди ғами кайфиятин бир мурид:

«К-ей фалак авжида хироминг сенинг,
Арш фазоси уза гоминг сенинг.

Кўнглунга не ишдин экин бу тааб,
Бу таабингға не иш эркин сабаб?»

Пир тўкуб ашку чекиб ўтлуқ оҳ,
Дедики: «Бу ғам ишим этмиш табоҳ,

Ким бу жаҳон ичраки, элдур ғулу,
Эл тўла,- аммо кишидиндур хулу.

Ҳар кишига хуш кўрунур ўз иши,
Бир киши йўқким, деса бўлғай киши,

Мунда киши борини билмон яқин,
Бор эса, ўтганлар аро бор экин».

Сўрғучиға зоҳир ўлуб изтироб,
Дедики: «Эй хуршеди олийжаноб,

Элда киши йўқ демак ўлди сўзунг,
Дохил эмассенму бу элга ўзунг?»

Шайх деди: «Эй иши гумроҳлиқ;
Топмоғон иш сирридин огоҳлиқ.

Мен доғи юз минг мени саргаштадек,
Ашки боғир қониға оғуштадек,

Бўлмаса имон била кетмак иши,
Англаки, они деса бўлмас киши.

Олам аро мунча сиғору кибор,
Мен бўла-ю, сен бўлу ҳаркимки бор,

Борча бу ғам тиғидин афгорбиз,
Борча бу мотамға гирифторбиз.

Ким ичи бу ғуссада қон бўлмади,
Кимсага бу нукта аён бўлмади,

Ким чу видў айлагуси жон анга,
Ҳамрах ўлур йўқса йўқ имон анга,

Чунки жаҳон аҳлиға бу бўлса хол.
Сўздаки дебмен не маҳалли савол».

Сойил этиб бўйла дури нукта гўш,
Оғзи садаф оғзидек ўлди хамўш.

Ё Раб, ўшул туҳфани охир нафас,
Айла фтавоий ила ҳамроҳу бас.

Қуллуғунга махкам эт имонини,
Айлагил имонидек аймонини.

Соқий, ўлубмен, майи имон кетур,
Жисмима имон майидин жон кетур.

Қуйма бу кун жомима даврон майи,
Жоним ол, оғзимға қуй имон майи.

XXIV
ИККИНЧИ МАҚОЛАТ

Ислом бобидаким, «алиф»лари амният боғининг сарвлари дурур ва «син»и саодат қасрининг кунгураси ва «лом»и латофат гулчеҳрасининг сунбули зулфл ва «мим»и муҳаббат машъалининг нури ва ул сарвлар соясида ер тутмоқ ва ул қаср кунгурасида талаб камандин солмоқ ва ул сунбули зулфни хабли матин қилмоқ ва ул машъал нури била кўз ёрутмоқнинг тарғиби

Олам аро халқни Яздони пок
Аҳли нажот этти-ю аҳли халок.

Бу бирисин обиди асном бил,
Ул бирисин зумраи ислом бил,

Куфр эли йўл топти малорнат сори,
Зумраи ислом саломат сори.

Ул бирига вайл эви бўлди мақом,
Зумраи исломға дорус-салом.

Кишвари исломки маъдуд эрур,
Халқи анинг ҳар неки мавжуд эрур,

Бошдин-оёқ борча мусулмон эмас,
Кимки мусулмон муни ёлғон демас.

Шартлари бор дурур исломнинг,
Ким ани билмас бириси омнинг.

Муслим эрур «Ман салимал-муслимун»,
Юз, илигу тил бу иш ичра забун.

Кўрки, бу иш ким илигидин келур,
Ёки бу сўз ким тилидин очилур.

Тилни хирад лол топар бу маҳал,
Ёъқки тил-ўқ лол, илик доғи шал.

Ўйлаки бу шартлар имкони бор,
Шартдин айру доғи аркони бор.

Беш ясамиш Тенгри таборак ани,
Деса бўлур хамси муборак ани.

Англағил арконини беиштибоҳ,
Аввали «Иллаллоҳ» ила «ло илоҳ».

Ёна Муҳаммадни анга бил расул,
Бер мунга тонуғлуғу қилғил қабул.

Аллоҳ-Аллоҳ, бу не икки калом,
Ким икки оламғадур андин низом.

Лавх уза аввал муни ёзиб қалам,
Жаннат эшигида доғи бу рақам.

Ҳалқаи хотам киби чархи барин,
Ул бўлубон юзида нақши нигин,

Ёки бу хат зевари хотам бўлуб,
Хотами гардун юкидин хам бўлуб.

Нофия «ло»сидин айтиб «Ло илоҳ»,
Нафи неким, мумкин эрур мосивоҳ.

«Иллаллоҳ» - айлабон исботини,
Айни вужуд англатибон зотини

Буки расул ўлди Муҳаммад анга,
Юзланиб иқболи муаббад анга.

Амр ила нахйини баён қилғали,
Лутф ила қаҳрини аён қилғали,

Хайри русул бўлмоғи Тенгрига хост,
Ҳарне рисолатки қилиб борча рост.

Сони эрур анда адойи салот,
Лек адосида эрур мушкилот.

Аввали онингки тахорат дурур,
Билки тахорат не иборат дурур.

Ул демаким, майл қилиб сувға сен,
Бир неча узв ул сув била ювғасен.

Бўйла тахоратни билур ҳар хасис
Ўзга тахорат доғи бордур нафи

Буки сафо чашмасидин завқнок
Айлагасен лавҳаи хотирни пок.

Танни юмоғлиққа махорат бериб.
Жонға-доғи бўйла тахорат бериб

Жонни солиб бўйла тахорат аро,
Ким юзида нуқтача қолмай қаро.

Кўзни ариғ ашки зулоли қилиб,
Балки кўнгулни доғи холи қилиб.

Ўзлук уйин ўзга ҳаром айлабор
Тенгри эви сори хиром айлабон,

Қўйғасен анда ўнг аёқ илгари ,
Ғайри худо қўймағасен ичкари

Эв ияси бўлсаву сен - яхшироқ
Балки тутуб эв била сенлик қироқ.

Бўлса қиёмингға сутун шеваси,
Ракъатинга сақфи нигун шеваси.

Саждада титраб қўюбон ерга бощ,
Сорғорибон чеҳра нечукким қуёш.

Вожибу фарзини риоят қилиб,
Суннат адосини бағоят қилиб,

Гар бу сифат сажда била пок чеҳр,
Ерга доғи киргасен андоққи меҳр

Субҳи қиёмат нетонг этсанг зуҳур,
Боштин-оёқ меҳр киби ғарқи нур

Солис эрур фарз адойи закот,
Ҳақ неки бермиш санга молу жихот

Мунда доғи икки сифатдур тариқ,
Бириси аслу бири фаръ, эй рафиқ.

Фаръи буким, зоҳири шаръи расул
Ҳарне баён айласа қилсанг қабул,

Бергучи гар бор эса соҳибнисоб,
Қирқ дирамдин бирин айлаб ҳисоб,

Заръ ила дўкону ҳавоши доғи,
Балки хадам бирла мавоши доғи.

Ҳаме матоики, закотин берур,
Шаръ тариқи била билким эрар.

Кайли-ю миқдори муайян анинг,
Камми била кайфи мубархан анинг.

Масрифи секкиз кишидур бардавом,
Ким ангадур шаръ ила нотиқ калом.

Фаръ будур улки, дедук они асл,
Қилмоқ эрур борчасидин ўзни фасл.

Мақсади аслиға шуруъ айламак,
Ҳаме анинг ғайри, ружуъ айламак.

Бўлғонини бермаку шукрона ҳам,
Беннак агар худ топилур ёна ҳам.

Кўнгли қачон қилса захира ҳавас,
Бўлмоқ анга факру фано ганжи бас.

Бўлмаса кўнглида дирам нақши доғ,
Қилмаса дур партавини шабчароғ.

Лаъл ғами бағрини қон қилмаса,
Дур ғами ашкини равон қилмаса.

Минг етибон асрамаса бирини,
Юкласа ўз бўйниға тақсирини.

Ганж топиб чекмаса вайрониға,
Берса қўюб миннатини жониға.

Ҳаме етар берса, тугуб ёпмаса,
Бергали шукрона яна топмаса.

Кимки анга базл бу чоғлиғ дурур,
Ганж доғи топса яроғлиғ дурур.

Робиъ анга савм дурур қочмағил,
Тутқилу нафйига оғиз очмағил.

Меъдани холилиқ ила қил тўло,
Неча хало анда сафодин мало.

Савм ҳадисида будур мужмали,
Ким ани Ҳақ дебдурур «Ассавму лий».

Айлади иснод ўзига ажрини,
Йўқса ул-ўқ қилғусидур зажрини.

Амр қилиб берса жазо чун Худой,
Демаки си рўза, йил ўн икки ой.

Тутсанг ани улча сазоворидур,
Сирфани билгилки сенинг соридур.

Савми эмас доғи машаққатнихи,
Муждада бўлса «Ана ажзи бихи».

Бу доғи уч қисм иладур мунқасим,
Аввал, бу расм иладур муртасим,

Ким чу саҳар кўргузур анворини,
Чеккуча кун ғарбға рухсорини,

Ақл ила шурб айламагай рўзадор,
Лек икинчига будур эътибор,

Ким бу сифат савмки топти рақам,
Бўлғай изофат неча иш анда ҳам,

Сойири аъзоға халал етмамак,
Шаръ хилофиға шуруъ этмамак.

Ҳар бин ўз шуғлиға зоҳид бўлуб,
Манъи хилоф ичра мужоҳид бўлуб,

Бормаға-ю кўрмага-ю тутмағай,
Айтмагай, эшитмага-ю ютмағай.

Лекин учунчиси будурким, кўнгул,
Чунки эрур махбити анвори Кул.

Поку равонбахш ҳавоси анинг,
Жилвагаҳи файз фазоси анинг.

Маҳзани асрори Илоҳий ҳам ул,
Ойинаи чеҳраи шоҳий ҳам ул.

Даф қихб занги хаёлотни.
Асрамоқ ул навъ бу миръотни,

Ким анга жуз дўст зуҳур этмагай,
Балки анинг ғайри хутур этмагай.

Ҳеч сувар нақшиға бермай мадор,
Ғайр бу неъматдин ўлуб рўзадор.

Ушбу сифат йўққи, саҳар то ба шорн,
Қўй саҳару шомниким, бардавом.

Хомис анга қиблаға солиб қадам,
Бўлмоқ эрур зойири Байтил-Ҳарам.

Бўйла саодатқа аларким етиб,
Бодияни икки сифат қатъ этиб.

Бири буким, улки бўлуб мустафид,
Яъни ўлуб жоҳу тамаввул мумид.

Бўлса йўл амнияти воқиъ анга,
Оризае бўлмаса мониъ анга.

Барча йўл асбоби мухайё қилиб,
Ҳамрахи мушфиқ дағи пайдо қилиб,

Фарзлиғин ўзига жазм айлагай,
Фарз адосин қила азм айлагай.

Лек икинчи буки, аҳли фано,
Ким ўзига фақрни билгай ғино.

Дўст тушуб хотири вайрониға,
Шавқу талаб ўт солибон жониға,

Ҳўй чекиб, йўлға тушуб пил киби,
Ишқ ўтидин телбарагон эл киби.

Минг йиғоч ар урғусидур гомини,
Боғлабон аввал қадам эхромини.

Не анга зоду не анга роҳила,
Не анга маркаб, не анга қофила.

Дашт анга гулшану насрин - тикан,
Йўлики ёнида муғилон чаман.

Ҳарне самум анда эсиб ранги ол,
Борча гулу лола учурғон шархол.

Бўйла самум ичра етиб ул салинт,
Ўйлаки гулзор аросинда насим.

Ул чаман ашжори муғилон бўлуб,
Анда қуюн сарви хиромон бўлуб.

Ҳақ анга раҳматни далил айлабон,
Шуълани гулзори Халил айлабон.

Токи ани еткурубон ул далил,
Уйгачаким, қўйди биносин Халил.

Тавфида ул сидқу сафо келтуруб,
Борча шароитни бажо келтуруб.

Дўст уйида чу бўлуб меҳмон,
Ҳарне керак хозир этиб мизбон.

Балки бу меҳрнонни ўзи келтуруб,
Евигача ҳамрах ўлуб еткуруб.

Мунча саодатқа этиб сарфароз,
Кимсани бу йўлда фанову ниёз.

Фони ўлуб кимки ниёз айлади,
Тенгри ани кошифи роз айлади.

Фориғ этар бодия қатъ аҳли мол.
Аҳли фано қатъида бор ўзга хол.

Не топиб ул неъмату нози била,
Онча топиб юз бу ниёзи била.

XXV

Иброҳим Адҳамнинг Каъбаға намоз била борғони ва Робиаи Адвияға Каъбанинг ниёз била келгони

Қилди чу Адҳам халафи тарки жоҳ,
Тожи фано бошиға қўйди Илоҳ.

Берди фано елига мулку хашам,
Бодиянинг қатъиға қўйди қадам.

Бўлди мусаллони солиб саждасоз,
Ҳар қадам айлаб ики ракъат намоз,

Қолди бу йўл қатъида ўн тўрт йил,
Мадхиға ҳар хору гиях чекти тил.

Макка тавофиға чу қилди хиром,
Йўқ эди ўз ўрнида Байтул-Ҳаром.

Чекти фиғонким, бу недур, ё Илоҳ?
Ҳотифе ун бердиким: «Эй пири роҳ.

Бодия қатъида дурур бир ажуз,
Шавқу муҳаббат юкидин қадди куз,

Заъфдин ул бўлмиш эди нотавон,
Каъба анинг тавфиға бўлди равон».

Айлади хайрон ани бу воқиа,
Боқса кейин кўрди келур Робиа.

Дедиким: «Эй Арш матофинг сенинг,
Каъба қилиб азми тавофинг сенинг.

Кўрки жаҳон ичра солибсен не шўр»,
Робиа деди ангаким: «Қилма зўр,

Шўр сенингдур бори оламда бил,
Бодия қатъи учун ўн тўрт йил».

Деди Бироҳимки: «Эй покрав,
Балки малак хайлидек афлокрав,

Недин экин буки манга етти ранж, Мен
чекибон ранжу санга бўлди ганж»

Робиа деди анга: «Огоҳ бўл,
Ким неча йил бодияда борча йўл,

Бўлди ишинг арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак.

Санга самар берди намозу риё,
Бизга бу бар берди ниёзу фано.

Боқма, Навоий, яна ноз аҳлиға,
Арзи ниёз айла ниёз аҳлиға.

Соқий, олиб кел қадаҳу қилма ноз,
Кўрки, не муштоқдур аҳли ниёз.

Бер тўлаким, ичсун ани бир ҳариф.
Хосса мангаким, боридин мен заиф.

XXVI
УЧУНЧИ МАҚОЛАТ

Салотин бобидаким, «Инналлоҳа яъмуру бил-адли вал-иҳсон» амри Ҳақ субҳонаҳу ва таоло хусравлиқ худин аларнинг хилофати бошиға қойдиким, адолатлари «айни»нинг чашмаи зулоли мулк бўстонин сероб қилғай, то бу бўстондин амният ва фароғат гуллари очилғи ва алар зулм боғида май ичиб гул сочарлар, балки майдин хе дам ўзгача гул очарлар

Эй фалак авжидин ўтуб рифъатинг.
Ою қуёшдин чолиниб навбатинг.

Тахтинг ўлуб давлати жовиди мулк,
Сояи чатринг аро хуршеди мулк.

Тож бошингдин бўлубон сарбаланд,
Тахт аёғингдин ўлуб аржманд.

Сиймни алқобинг этиб муҳтарам,
Сиккаи қадрингға кавокиб дирам.

Хутбаи жоҳингни ўқуб Муштари,
Курсийи нухпоя анинг минбари.

Меҳр бўлуб соянишининг сенинг,
Ой юзида мухри нигининг сенинг.

Мулки Сулаймон уза ишратнамой,
Бошинга солмай кўлака жуз ҳумой.

Маснади Жамшед уза айлаб мақом,
Топмай илигинг ўпарин ғайри жом.

Хотами адлингға сипеҳри баланд,
«Рости-ю русти» билан нақшбанд.

Хутбаи жоҳинг қадар иншо қилиб,
«Яъмуру бил-адл» ила туғро қилиб.

Ҳаққи солиб сояи раъфат санга,
Рўзи этиб тахти хилофат санга.

Айлади оллингда бийикларни паст,
Даҳр забардастларих зердаст.

Халқни оллингда қилиб нотавон,
Барчасиға айлади хукмунг равон.

Хизматинга элни забун айлади,
Қадларин оллингда нигун айлади.

Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.

Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга тийра хок.

Барча жаворих била аъзода тенг,
Сурати навъи-ю хаюлода тенг.

Лек хунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқи хушу лутфи мақол ичра ҳам,

Ҳам равиши адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёу бори авсоф аро,

Шаръ тариқида ибодатда ҳам,
Ҳақ йўлида тақвию тоатда ҳам.

Сен тушубон йўл нахажидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.

Буки санга Тенгри бериб имтиёз,
Салтанат айжида қилиб сарфароз,

Тахтни шахсингға макон айлади,
Мулк уза хукмунгни равон айлади,

Мунда доғи қудратин ифшо қилиб,
Ҳикмат ила қатрани дарё қилиб.

Билдуруб элга хақу бархақлиғин,
Англатибон қодири мутлақлиғин.

Лек бу иқболнинг ўтрусида,
Бўйла бийик мартаба қаршусида,

Амр қилибдур неча хизмат санга,
Рўзи этибдур неча санъат санга:

Бин - анинг неъматиға шукр эрур,
Кимсаки, шукр айласа кўпрак берур.

Шукр қилиб айламасанг уштулум,
Деб ўзиким: «Лаазиданнакум».

Сўнгра раиятни вадойиъ деди,
Хуррам ани билки, бу ғамни эди.

Гарчики, Ҳақ амри фаровон эрур,
Борчаси бир ёну бу бир ён эрур.

Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.

Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қуруғон ўтун.

Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил,

Ғам эсанг ул гала манофиъ берур,
Боғ гулу меваи нофиъ берур.

Гала тугансау қуруса шажар,
Худ санга қолмас яна наф у самар.

Истаса топшурғонини кирдигор,
Фикр қил ул дамки, жавобинг не бор?

Кўз оч, агар худ бор эсанг рахшунос,
Иш равишин айла анингдек қиёс,

Ким не кишиким, санга махкум эрур,
Зулмунга бечорау мазлум эрур.

Гарчики, йўқ шавкату сармояси,
Сендин эрур ортуқ анинг пояси.

Негаки, чун хашр куни зулжалол,
Золиму мазлумни айлар савол.

Анга эваздур, санга шармандалиқ,
Анга бийиклик, санга афгандалиқ.

Тил чекиб ул ханжари пўлоддек,
Очилибон савсани озоддек.

Санга бинафша киби қадди нигун,
Бош кўфара олмай уётдин забун.

Анга нишоту санга - андуху ғам,
Ул санга андоққи, анга сен бу дам.

Ҳар не хато қилғонинг ўлғоч ҳисоб,
Бўлғусидур ҳар бирига юз азоб.

Тенгри бу дардингға даво айламас,
Ушбу жиҳатдинки, хақуллоҳ эмас.

Гарчи синуқ игна хаққун-носдур,
Бағринг аро ханжари олмосдур.

Қилмаса мазлум гуноҳинг бихил,
Дўзах ародур ватанинг муттасил.

Афвин анинг тутмасанг уммид сен,
Билки томуғ ўтида жовид сен.

Кимга тикан бирла қилибсен ситез.
Урғусидур кўксунга юз тиғи тез.

Кимки бўлур бир шараринг фош анга,
Дўзах ўти бўлғуси подош анга.

Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йилон.

Эйки, қавий айлауи давиат қўлунг,
Зулм сон тушти ва лекин йўлунг.

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам,
Ким қиладурсен ани ўзунгга ҳам.

Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил ани, бўлса санга ҳушёр.

Чунки фарах базмиға жазм айладинг,
Айшу тараб азмиға базм айладинг.

Қасрки, базм анда мухайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлуб,

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин,

Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дура лаъли била гавҳамигор.

Хиштини масжид бузубон келтуруб,
Тошини эл марқадидин еткуруб.

Анда тузуб маснади шоҳаншаҳи,
Айшу тараб жоми учун муштахи.

Базмда соқийлар ўлуб жилвасоз,
Аҳли ғино ҳар сорт дастоннавоз.

Ҳарнеки марғуби эрур нафснинг.
Топилиб ул базмда бир йўққи, минг.

Тил бори ул дебки, демак хўб эмас,
Кўз кўрубон оники, матлуб эмас.

Арбададин ўзга эшитмай қулоқ,
Коми учун тутмай илик жуз аёқ.

Ҳою ғулудин бу нишотинг куни,
Англамайин кимса муаззин уни.

Баски самоу ғазалу қавлу савт,
Бўлубон ул кунги намоз элга фавт.

Аҳли вараъким, топиб анда вужуд,
Чанг рукуъ ичра, суроҳи сужуд.

Улки бу тоат била тафзих анга,
Нуқл бўлуб донаи тасбиҳ анга.

Токи қуёш жирми бўлуб нурпош,
Махфили айшингда бу янглиғ маош.

Шорн жаҳон сафҳасин айлаб қаро,
Пардаи зулмат чу ёпиб эл аро.

Рост ярим тунга дегин хол бу,
Ҳам санга, ҳам хайлинга аҳвол бу.

Жом бу аҳволинга қон йиғлабон,
Шамъ куюб, ашкфишон йиғлабон.

Қоқиб овуч санжу қилиб наъра кўс,
Кўкка чекиб нолау афғон хурус.

Сен чу бўлуб сархушу хилватгарой,
Анда қилиб наме тилаб нафсу рой.

Базмдағи қорию гар худ йигит,
Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит.

Шайнда қоплондин агарчи фузун,
Нафс итининг илгида лекин забун.

Ҳар бириси юз тамаи хом аро,
Ёйилибон кишвари ислом аро.

Ҳар сонъ бир маст ўлуб оромжўй,
Бир бути гулрухдин ўлуб комжўй.

Мастлиқ уйқуси чу айлаб ҳужум,
Борча ўлукдек ётиб ул хайли шум.

Субҳ чу зоҳир қилиб анворини,
Ҳар ён очиб ламъаи рухсорини.

Ончаки султоний ўлуб чоштгоҳ,
Уйқуда султон била хайлу сипоҳ.

Кўзларидин уйқу чу маъзул ўлуб,
Ҳар бири бир зулмға машғул ўлуб.

Очибон элга ситам абвобини,
Қилғали пайдо тараб асбобини.

Бўлди чу асбоб мухайё яна,
Кирди тараб базмиға ғавғо яна.

Ё-қки замона шаҳт бжи шевалик,
Ўз хўри ҳолиға улугс то кичик.

Ҳар куни бу шанъат ила тунгача,
Ҳар кеча бу ғафлат ила кунгача.

Эй хулафо ўрнида маснаднишин,
Кўр ўз ишингнию аларнинг ишин.

Қоида мундоғму бўиур, де ахи,
Бир ўз ишингнинг ғами ҳам е ахи.

Ҳақ сени адл этгали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб,

Ул сени маъмури ибодат қилиб,
Сен лаъбу лахвни одат қилиб,

Неча бу бехудлуқ ила йилу ой,
Вой, агар келмасанг ўзунгга, вой!

Умр бу ишлар сўнгича кетти тут,
Марг нихиби бошинга етти тут.

Чун хашаму хайлдин айрилғасен,
Деки, бу аъмол ила не қилғасен?

Не амали хайр санга дастгир,
Не ситаминг кўргучи пўзишпазир.

Зулмни тарк айлаву дод айлагил,
Марг кунидин доғи ёд айлагил.

Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?

Гаҳ-гаҳи ёд айла надоматни ҳам,
Қайси надоматки, қиёматни ҳам.

Журму гунахдин киши маъсум эмас,
Таркини тутмоқ доғи мазмум эмас.

Ҳақнинг эрур сахвсиз иш лозими,
Сахв эрур лозимаи одами.

Сахвунга де узр, таваҳҳум била,
Зулмдин эт тавба тазаллум била.

Кимники бедодинг этибдур асир,
Бўл анга адл илги била дастгир.

Рой ила зулматни мунир айламак,
Лутф ила оламни асир айламак,

Тиғ агар чекса нечукким қуёш,
Айламак онинг сўнгида меҳр фош.

Шаҳлар аро бўйла сифат кам дурур,
Ким Шаҳи Ғозийға мусаллам дурур.

XXVII

Шоҳи Ғозий қаҳрининг сарсари бир саркаш хўшани барбод этиб, адлининг суйи ул хуъша бутган бузуғ мазраани обод қилғони

Андаки Ғозий шаҳи фархунда бахт
Тож олайин деб талошур эрди тахт.

Юз, ики юзча киши бирла қазоқ,
Гаҳ ери Хоразм эди, гаҳ Адоқ.

Новаки душман юрагин қон этиб,
Тиғи адув бошини паррон этиб.

Бор эди зотида сазоворлиқ,
Ким Ҳақ анга берди жаҳондорлиқ.

Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтурдию дод айлади.

Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни даф этти адолат била,

Бидъату фисқ аҳли бўлуб мунзавий,
Адли шариат қўлин этти қавий.

Бир кун эди сайрға азми дуруст,
Шефта золе этагин тутти руст.

Нолаву афғон чекибон тортиб оҳ,
Дедики: «Эй шоҳи шариатпаноҳ,

Қилғум агар адл эса, маръий букун,
Сенинг ила даъвийи шаръий букун.

Шарт буким айлама махкам итоб,
Махкамаи шаръдабергил жавоб».

Шаҳ деди: «Гар даъви эса қонима,
Шаръий эса миннатидур жонима».

Айладилар бўлди чу бу нукта жазм,
Қозийи ислом хузуриға азм.

Иккиси чун ёндашиб ўлтурдилар,
Ҳар сори ҳайрат била эл турдилар.

Маъракада Зол била Рустаме,
Бошлари узра ўкулуб оламе,

Зол дедиким: «Қазоқ эрканда шоҳ,
Тиғ чекибким, чекар эрди сипоҳ.

Бор эди мен тулға жигаргўшае,
Бал жигарим мазраидин хўшае.

Боғим аро сарви сихишева ул,
Балки қуруқ нахлим аро мева ул.

Шоҳ қиличи жигарим қилди чок,
Ул жигарим порасин этти халок.

Тиғ ила ёриб жигарим ёнини,
Ерга оқизди жигарим қонини».

Айтти қози: «Кетур, икки гувоҳ,
То қилайин хукмини беиштибоҳ».

Деди: «Гар икки тонуғ этсам ҳавас,
Ҳам анинг-ўқ адлию инсофи бас».

Бўйла чу икки тонуғ ўткарди зол,
Бўлди муқир хусрави фархундафол.

Қози ўлуб адл ҳаримиға хос,
Қилди равон хукм: дият ё қисос.

Шаҳ деди: «Шаръ этса бу янглиғ адо,
Шаръи наби хукмиға жоним фидо».

Ёғлиғ ила боғлади бўйнини руст,
Юз ҳамённинг доғи бўйнини суст.

Тиғ бериб золға беваҳму бийм,
Бир сори доғи тўкубон ганжу сийм.

Деди: «Қасос айласанг оллингда бош.
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр».

Тиғни ул адл ила инсофи тунд.
Золи хазин тишларидек қилди кунд.

Тушти аёғига бўлуб узрхоҳ,
Дедики: «Эй хусрави анжумсипоҳ,

Гар йигитим қилди фидо жон санга,
Мен қари жони доғи қурбон санга.

Мэндин агар бўлди аён изтироб,
Лутф ила афв этки, мен ўлдум хароб».

Ваҳ, бу не изҳори хижолат бўлур,
Бу не деган лутфу адолат бўлур.

Зол кечиб даъвию дастонидин,
Йўққи, ўғул қонидан, ўз жонидин.

Турфа буким, хусрави одил ани,
Адл ила ул даврда айлаб ғани.

Золни анжум киби сийми равон,
Золи фалакдек қилибон навжувон.

Сим кучидин бўлубон симбар,
Халқ лақаб айлаб анга «Золи зар».

Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шаҳ чу қилур адл, Навоий, не ғам.

Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл,
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл.

Адл аёғин тутки, бўлуб шод ичай,
Одили давронни қилиб ёд ичай.

XXVIII
ТЎРТУНЧИ МАҚОЛАТ

Хирқапўшлар сулукидаким, ўз қошларида хирқаи талбисларига хақиқий либос от дурур ва хақойиқу маорифлари авомға либосот. Ва ҳақиқий боданўшлар равишидаким, хирқаи вужудлари фано илги зўридин чок дурур ва Масиҳодек жонбахш нафаслари руҳи муқаддас киби пок ва маҳалли тавфлари соҳати афлок

Эй бўлубон санъат ила хирқапўш,
Шому саҳар зикр ила солиб хуруш.

Хирқа уза бахяки ҳар ён чекиб,
Зуҳду риё вуслаларидин тикиб.

Руқъаи даври бу мураққаъда кўп.
Барча дирам остиға тикмакка жўб.

Иплар анга риштаи талбис ўлуб,
Игна анга сиблати иблис ўлуб.

Азрақ узакима бўлубон бахясоз,
Анжуми нахси фалаки нақшбоз.

Ушбу фалак узра ридо субҳидам,
Субҳки, козиб анга хўлмиш алам.

Эски амомаки бўлуб печ-печ,
Печдин ўзга нима ёъқ анда ҳеч.

Қайси асо хийла уйига сутун,
Кош синиб ул, бу уй ўлғай нигун.

Субҳа дема, бутки ёънуб буттарош,
Дона ясаб, ҳарне қолиб реза тош.

Муъзини қарробаи куффор анга,
Ришта бўлуб риштаи зуннор анга.

Ул йиғочиким, ани мисвок этиб,
Оғзи луоби била нопок этиб.

Номаи идбор дегил оғзи руст,

Ўпмак учун элтиб ўз оғзиға чуст.

Ҳар ён аёғидаки наълайн ўлуб,
Аҳли сафо хазли учун шайн ўлуб.

Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эгри йиғоч узра чиқиб ўчкудек.

Ўчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
Ул тутуб ўғри, бу қилиб ўғрилиқ.

Ўчку тилаб хайлиға баргу наво,
Гар гала минг бўлса, бўлуб пешво.

Ўзини бориға шафиқ айлабон,
Ҳоди ўлуб қатъи тариқ айлабон.

Тоғ ила тузни туну кун бошқариб,
Хайлини йўл ақбасидин ўткариб.

Кўргузубон бу доғи хайлиға йўл,
Йўлки, борибон томуғ ўтиға ул.

Водийи зулмат аро ул турфа хайл,
Йўл итуруб айлабон ўт сори майл.

Мафсақае топибон элтиб паноҳ,
Отини маъбад атабу хонақоҳ.

Хонақоҳ ичраки солиб бўриё,
Ранг анга зарқ ўлубон, бў - риё.

Масжиди аркони бўлуб мухталиф,
Қибла жануби тарафи мунҳариф.

Маст муғ ашжоридин абвоб анга,
Қахбаи тарсо қоши меҳроб анга.

Шайх бу меҳроб аро тоат қилиб,
Ҳар неки шайтон деб итоат қилиб,

Бўлуб анга жамъи халойиқ мурид,
Лек бори шайхқа лойиқ мурид.

Шайх қадин хам қилибон «нун» киби,
Оитурубон гўшада Зуннун киби.

Аҳлисулук ичра маориф дебон,

Они - мухаққиқ, муни - ориф дебон.

Ҳарза музахрафники бунёд этиб,
Аҳли иродатқа ҳам иршод этиб.

Бирин этиб зўр ила хилватнишин,
Бирин этиб куч била узлатгузин.

Аҳли риёзатдин атаб бирини,
Бирига деб воқеа таъбирини.

Воқеа гар худ анга ёлғон дебон,
Ул доғи таъбирини хазён дебон.

Хилват аро қилғучи маҳрам ўзин,
Хизр била тутқучи ҳамдам ўзин.

Латтаки махкам тугубон банг анга,
Эткурубон банг ёшил ранг анга.

«Хизр паямбар» қўюбон отини,
Воқеа деб - ҳарза хаёлотини.

Йўққи ҳамин хилвати аҳлиға бас,
Шайхқа ҳам ушбу «Хизр» ҳамнафас.

Рутбада андоқ анга аъло мақом,
Ким бўлубон чарх анга адно мақом,

Қолмайин ул пояким, ул этмайин,
Арзи карокатни писанд этмайин.

Ногаҳ агар нағма чекиб бир найи,
Маст қилибон они холат майи.

Нағмаи хорижки қилиб истимў,
Секрибу оҳанг этиб ул дам самў.

Дебсабу сайха чекиб андоққи пил,
Чангаки нафс оллида хору залил.

Аҳли иродат доғи бу тавр ила,
Теграсига эврулубон давр ила,

Ҳарза хаёлот ила хол айлабон,
Даврни фонусхаёл айлабон.

Ҳолда ашоб доғи пирдек,

Бемазаликда бориси бирдек.

Ёва кўп айтурда бири чирчирак,
Чарх кўп урмоқда бири фирфирак.

Бу бири важд ичра тилин лол этиб,
Ул бир ўзин волаву беҳол этиб,

Бу тутубон кўз учидин они пос,
Ул қилибон важдини мундин қиёс.

Зарқ ўтидин ҳар бири дўзах киби,
Лек бурудатдин ўлуб ях киби.

Ҳар бири онча урунуб бемалол,
Ким йиқилиб, қўпқали топмай мажол.

"Борчаға мақсуд буким аҳли жоҳ,
Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ,

Шайхни сажжодаи иршод уза,
Хайлни ҳам зикр ила аврод уза.

Фақру қаноатдин ўлуб сарбаланд,
Важд ила холатдин ўлуб баҳраманд.

Борчаларин аҳли яқин соғиниб,
Ҳои ила ул важдни чин соғиниб,

Зоҳир этиб шайх қошида ниёз,
Фоқаларига бўлубон чорасоз.

То билиб охир ани султони мулк,
Хайли дуо бирла нигаҳбони мулк.

Арзи ниёз айлабон ўлғай мурид,
Пояларин ҳар нафас этгай мазид.

Ҳадя, тухаф тортқаю мол ҳам,
Мустағалу кенту суюрғол ҳам.

Бўлса булар бирла барумандлиқ,
Этгай алар нафсиға хурсандлиқ.

СубҳонАллоҳ, бу не нафси лаим,
Нафсни қўйғил, не азоби алим.

Рўзи учун мунча фусунсозлиқ,

Мансаб учун мунча дағобозлиқ.

Бу эл эрур борча ёмондин-ёмон,
Кимки йўқ ондин ёмон, ондин ёмон.

Ботин ўлуб фосиду зоҳир - салоҳ,
Тоши мусаллою ичи мустароҳ.

Кухм нафс оллида қул айлабон.
Ҳуллани дажжолға жул айлабон.

Дев ила шайтон уруб ичинда жўш,
Танға малоик паридан пардапўш.

Кўнглак аро мушку абири тараб.
Кўнглида юз ит ўлубу гандараб.

Гарчи бўлур қалб дирам рўйкаш,
Андин айирмоқ бўлур ўт бирла ғаш.

Лек томуғ ҳам бу неча ғашға хайф,
Ўт доғи бу хайли дағалвашға хайф.

Гар кўруб ўтдин бани одам азоб,
Ўтқа булардин бўлубон ҳам азоб.

Одам аро кўр не тафовут турур,
Қибла анга тенгри, миинга бут турур.

Равза сўзи доғи демасдур бири,
Куйгали ҳам лойиқ эмасдур бири.

Эй кўнгул, ул элга жаҳонлар фидо,
Дема жаҳонлар, деки жонлар фидо,

Ким қилибон икки жаҳон таркини,
Икки жаҳон демаки, жон таркини,

Ғусса жаҳон ичра чекиб жон учун,
Жонни фидо қилғали жонон учун.

Элга бериб дафтари солусни,
Ўтға солиб хирқаи номусни.

Масжиду майхона анга ёқмайин,
Дайр била Каъба сори боқмайин.

Силкибон эл яхши-ёмониға енг,

Англаб улус йўқию борини тенг.

Жону жаҳонни кўрубон хокча,
Кавну макон нақдини хошокча.

Борлиқ асбобини фоний билиб,
Йўқлуқ ўти ичра ўзин кул қилиб.

Куйдурубон чун бу хаёлотни.
Ёрутуб ул кул била миръотни.

Кўзгуда чун ғайрдин ўлмай асар,
Чеҳраи мақсуд ўлубон жилвагар.

Балки бу нобуд хаёлот анга,
Қайси хаёлотки, заррот анга.

Бошдин-аёқ ҳар бири кўзгу бўлуб,
Шоҳиди мақсудға ўтру бўлуб.

Кўзгуву шоҳид кўрунуб ҳар тараф.
Кўзга ёмон кўрмак ўлуб бартараф.

Ҳар сориким нозир ўлуб Ҳақ кўруб,
Қилғучини фоили мутлақ кўруб.

Туз йўл ила қотии води алар.
Ким итуруб йўлини ходи алар.

Улки қолиб зулмати хижрон аро,
Ё озиқиб водийи хирмон аро,

Хизрдек ул қавм тутуб элга қўл,
Кўргузубон манзили мақсадға йўл,

Мониъ ўлуб ғайрати огоҳлиқ,
Хизрға ҳам қилғали ҳамроҳлиқ.

Зулмат алар ўтиға бир дуди оҳ,
Йўлларида Хизр бир ахзар гиёҳ.

Кўзларида қатраки ғалтон бўлуб,
Хизрға юз чашмаи ҳайвон бўлуб,

Гардлари кўзга бўлуб тўтиё,
Амрлари мисни қилиб кимё.

Чарх била анжуми бедодгар,

Қаҳрлари ўтиға дуду шарар.

Меҳр била бадри манозилнавард
Лутфлари гулшанида икки вард.

Айласалар ҳар сон азми шигарф
Юзларининг қатраси дарёйи жарф.

Қайда таваққуфға топиб иттисоф,
Зимнида ҳар ҳарф виқор ичра Қоф.

Шахслари зовияи хок уза,
Сайрлари гулшани афлок уза.

Шаръ ақолимида равшан тариқ, Ким
хати мавхумдин ўлмиш дақиқ.

Бу йўл ўлуб сайрда майдонлари,
Балки бу майдон аро жавлонлари.

Тоат этиб ҳар бири то жони бор,
Жон чекибон ончаки имкони бор.

Ҳарне қилиб фаҳм набий суннатин,
Қилғоч адо жонға қўюб миннатин.

Нечаки аъмол этибон печ-печ,
Ҳеч келиб ҳар бири оллинда ҳеч.

Жид била айлаб кўрубон сарсари,
Ажз ила юз узр қўлуб бир сари.

Неки қилиб қасд анинг амри-ўқ,
Учмоқ умидию томуғ бийми йўқ.

Кимки хаёлиға келур мосиво,
Лофи муҳаббат анга эрмас раво.

Эйки, бу гавҳарға тиларсен макон,
Билки анинг кони эрур тобакон.

XXIX

Муқарраби Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий сўзиким, ниҳояти сулукдин соҳибхабар
эрди ва ўз сулуки ниҳоятидин хабар берди

Улки ани қибла дер аҳли Ҳирот,
Дема, Ҳирот аҳли, бари коинот.

Аҳли аён солики атвори ул,
Исмда Абдуллоҳи Ансори ул.

Деди буким, иш манга тоат турур,
Тенгрининг амриға итоат турур.

Дўзах ўти бийми ҳам эрмас ғараз,
Не буки жаннат анга бўлғай эваз.

Бим ила ким Ҳақни парастиш қилур,
Нафс нажотини тилаб иш қилур.

Ким чекар уммид ила фарсудалиқ,
Қасди эрур равзада осудалиқ.

Ҳақдин анию муни махжур бил,
Музд учун иккисини муздур бил.

Менки ишим бўлди парастиш мудом,
Бийму умид иккиси бўлмиш ҳаром.

Бандалиқ амриға чу маъмурмен,
Тун-кун ишим бу эса маъзурмен.

Гарчи анга лойиқ эмас тоатим,
Бўлмасун онсиз эса бир соатим,

Қил дедиким, қилмоқ эрур варзишим,
Радду қабули ила йўқ ҳеч ишим.

Учмоғу зоҳид, томуғу булҳавас.
Бўлса ҳавас ёр Навоийға бас.

Соқий, ул учмоқ сувини бедаранг,
Тутки, эрур дўзах ўти анда ранг.

Ёр юзи ёди била шод ўлай,
Дўзах ила равзадин озод ўлай.

XXX
БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ

Карам васфидаким, калби дирам марги дурур, балки раҳмат шажарасининг барги ва бухлким, сахо калбидин холи бўлса, ниҳоятсиз

бало бо Ҳур ва базл сурати кўргузмаса мурувватдин ҳадсиз хало ва исроф нафйиким, ҳар ёнидин бокса офати беҳад эрур ва итлоф мазамматиким, кўпроқ ҳарфи лофдин хабар берур

Эй тушуб эгнинга карам кисвати,
Қолмайин илгингда дирам қиймати.

Панжанг ўлуб сиймфишонликқа фош,
Машриқу мағрибда нечукким қуёш.

Сийм ила илгинга адоват бўлуб,
Анда фано, мунда саховат бўлуб:

Чун кафинг олтун сочиб, андоққи барқ,
Барқи ҳаёдин бўлубон терга ғарқ.

Бошинг уза жуду сахо афсари,
Афсаринг устида карам гавҳари.

Гавҳари зотинг топиб онча шараф,
Ким ети кўк хуққасин айлаб садаф.

Қадринг ўлуб торами ахзар киби,
Дурру гуҳар сочмоғинг ахтар киби,

Бошинг уза ахтари давлаттироз,
Фарқ уза «фо» нуқтасидек жилвасоз.

Фарқи шарифингға ливойи карам,
Бош уза андоққи «алиф»дин алам.

Икки қўлунг Қулзуму Уммони жуд,
Ҳар бирига улчаки имкони жуд.

Кафларинг ойини чу бермак бўлуб,
Қуи мунга Ҳотам, анга Бармак бўлуб.

Буки санга Тенгри ато айлади,
Қисм карам бирла сахо айлади.

Ҳар сари мў жисминга бир тил бўлуб,
Бўлмас анинг шукр ила узрин қўлуб.

Жуду саховат чоғи бухл этмагил,
Шукр замони доғи бухл этмагил.

Бухл эрур борча сифатдин хасис,
Лек сахо жавҳари асру нафис.

Гарчи саховат санга ойин эрур,
Бошинга бу дур била тазйин эрур.

Бу дури серобни хор айлама,
Бухл ҳисобида шумор айлама.

Нечасахо ашрафи авсофдур,
Муфрит агар айласанг исрофдур.

Ақлки таъриф этар авсофни,
Бухл била тенг тутар исрофни.

Кўнглунг анингдек нега кенг қилғасен,
Ким дуру хармухрани тенг қилғасен.

Базлу карам шевасининг хоҳ бор,
Лек нечукким керак ашколи бор.

Эйки санга Тенгри насиб этти жоҳ,
Берди карам қилмоқ учун дастгоҳ.

Билки сахо қилғали кимдур мухиқ,
Сийм берурга ким эрур мустахиқ.

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот учун,

Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.

Бўлди бу иш маст ила мажнун иши,
Маст ила мажнун нега бўлғай киши.

Кимки керак жоми паёпай анга,
Маст ўлубон чун туганур май анга.

Дев агар ютса майи хушгувор,
Мулки Сулаймон тилар этгай нисор.

Банд мажонинға гар олтун эрур,
Зеб анга лаълу дури макнун эрур,

Саъй ила бандин чу аёқдин очар,
Истаса Қорун ани ташлаб қочар.

Сим унидин ваҳшу сибўй этса рам,
Мунга сахо от қўёли, ё карам?

Лолау гулким, совурур девбод,
Қўйса бўлурму анинг отин жавод?

Чун деди Тенгрики: «Кулу вашрабу»,
Ёнида дедики, «Вало тусрифу».

Бўлди яқинким бу саховат эмас,
Аҳли сахо муни саховат демас.

Они доғи дема сахоким, киши,
Нечаки исроф эмасдур иши.

Бермагида маъъи эрур эътидол,
Лек эмас мавқиида базли мол.

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

От анга тортарки, юз илқиси бор,
Сим анга берурки, юз илғиси бор.

Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам кетурур зирани Кирмон сари.

Хизрға етгач тутар оби ҳаёт,
Миср шакаррезиға хабби набот.

Шамъни кундуз ёрутур беадад
Меҳр зиёсиға берай деб мадад.

Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг,
Тун сочиға бермак учун бўю ранг.

Муштахи эл юз эса нон бергали,
Луқма тотурмас тилабон мумтали.

Ўйла булутдекки қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтуб, сувни тўкар тоғ уза,

Журъа учун жон берибон дурдхўш,
Жом тубин купга қуяр майфуруш.

Аҳли вабо тортиб ажал соғари,
Кон аро ёқут қўюб жавҳари.

Бу икки бир навъ саховат эрур,
Ўртасида саҳл тафовут эрур.

Они доғи қилма сахо дохили,
Ким кишини томиаи комили -

Халқ жихотиға талабгор этар,
Ҳарнеки, кўрди тамаъ изҳор этар.

Зулму тааддию васойил била,
Ваъдау пайғому далойил била,

Коми улус молини олмоқ эрур,
Гар олур, аммо яна бирга берур.

Ҳам сочлари мухмалу ҳам термаги,
Ҳам олури ҳарзаву ҳам бермаги.

Чоҳ қозар ғусса чекиб солу моҳ,
Туфроғи даф иға қозар ўзга чоҳ.

Олмоқ эрур қасд анга бермак ғараз,
Бу ҳам ул иккидек эрур бир мараз.

Олмоғидин ғайри зиёнбуд йўқ,
Турфа буким бермагидин суд йўқ.

Они доғи дема сахийким, киши
То тиламас бермак эмасдур иши.

Ҳар нечаким, мустахиқ ўлсун азиз.
Истамагунча анга бермас пашиз.

Они ахи ҳар киши айтур сахий,
Билки сахий ул худ эмасдур ахи.

Кўрки фусунгар чу узатди йусун,
Олди йилон мухрасин айлаб забун.

Тилни чу метин узатиб ўт солур,
Хорадин олмос ила ёқут олур.

Шамъ чекиб тил чу узатди наво,
Шорн диёри уза чекти ливо.

Ўтки забона анга маълум эрур,
Темуру хора дамидин мум эрур.

Субҳ дам урмоқда магар деди сўз,
Ким қуёш олтуниға ёрутди кўз.

Они сахий англағил, эй ҳушманд,
Ким ани давлат қилибон сарбаланд.

Ҳоли агар яхши дурур, гар табоҳ,
Кимсадин этмас тамаи молу жоҳ.

Ҳар неки Ҳақ берса қаноат қилур,
Ҳам неки амр этмиш итоат қилур.

Илгидагидин неки малхуз этар,
Бир илиги қисқани махзуз этар.

Баҳрға етса тиламас шабнаме,
Захмни кўрса аямас марҳаме.

Мустахиқе чун талаб изҳор этар,
Улчаки мақдуридур исор этар.

Улки савол этмаса ҳам чун билур
Фоқау фақрини риоят қилур.

Аҳлии талаб бошиға еткурса тиғ,
Ҳарнеки бор илгида қилмас дариғ.

Ўйлаки метин урар ўз ханжарин,
Кон анга исор этар ўз гавҳарин.

Боши яланг бўлсун, агар аҳли тож,
Макрумат айлар чу кўрар эхтиёж.

Ўз ерида юз туман, ар бир дирам,
Базл ишида тенг кўрар аҳли карам.

Улча кўрар илгида хақ молини,
Англағач ошуфта биров холини,

Сарф қилур суд ила сармоясин,
Токи қилур хосил анинг воясин.

Боқмайин ўз лутф ила эҳсониға,
Миннатини ҳам қўяр ўз жониға.

Фаҳм этар ул нуктаниким бехато,
Элга мусаббибдин эрур ул ато.

Бу караму базл анга кеш эмас,
Ул аро ерда сабаби беш эмас.

Эйки, сахо кўйида авбош сен,
Тежбау усрук киби зарпош сен.

Нақдни гулдек доғи совурмағил,
Ғунча киби доғи гириҳ урмағил.

Ҳарнеки бу сафҳада ойин эрур,
Борча сахо аҳлиға талқин эрур.

Ғунча киби хурдани қилма тугун,
Тонгла чу сочқунг неки тугдунг букун.

Бухл ила чун ютти садаф дурри соф,
Қилдилар олмоғида кўксин шикоф.

Чархки, меҳр олтунин айлар ниҳон,
Юзини онинг қаро айлар жаҳон.

Ёшурур анжум дирамин турки меҳр,
Ерга кўмар бош тубан они сипеҳр.

Чунки хазон илги сочар зарварақ,
Кўрки қуёш ранги бўлур хат варақ.

Эйки, дафири ганж уза сен аждаҳо,
Англаки, бу ганжинг эрур хунбаҳо.

Қатлинга Баҳроми фалак ногихон,
Тиғ чекиб олғуси ганжи ниҳон.

Зулм ила қонинг оқизиб ранж аро,
Лаъли равори қўйғуси ул ганж аро.

Қотили гардун чу бўлуб қонлиғинг,
Бўлғуси ул ганж уза яйронлиғинг.

Юйсен илик қонинга, яъники не?
Қасд этасен жонинга, яъники не?

Орзу айлаб неча кон нақдини,
Тарк этасен жавҳари жон нақдини.

Жонинг учун маҳзан эшигини оч,
Нақдин олиб сочу ўз ўрниға соч.

Донаки омборға таслим эрур,
Зойиъ ўлурдин анга юз бим эрур.

Мазрааи базлда сочмоғни туз,
Ким бирига Тенгри берур этти юз.

Екмак эмас, борча буким тўрғасен,
Арпау буғдой сочибон ўрғасен.

Не букун экилса, бу мақбул эрур,
Ким анга тонгла куни махсул эрур.

Дунё эрур мазрааи фохира,
«Ад-дунё мазраатул-охира».

Мунда экиб анда орарсен яқин,
Жахд этким бўлмағасен хўшачин.

Мунда экинларга тафовут дурур,
Яхшироғи жуду саховат дурур,

Тарки тамаъ қилки, сахо ул эмиш,
Базлда сарф этки, ато ул эмиш.

Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,
Бермак учун олмағанинг яхшироқ.

Улки карам дурриға дарё эди,
Баҳр анинг дуррида пайдо эди,

Ғазвда неруйи ядуллоҳ анга,
Халқ лақаб айлаб Асадуллоҳ анга.

Хатм ўлуб отиға сахову карам,
Деди карам бермак эмастур дирам.

Анда карамдурки талаб билмагай,
Кимда дирам билса тамаъ қилмагай.

XXXI

Ҳотами Тойи ҳикоятиким, ҳиммат ва сахо аҳлиға пешво эрди ва анинг меҳмонлиғи таъзимиға бош индурмаган гадо ҳимматини кўруб инсоф берди

Ҳотами Тойиға бир озодаваш Дедики:
«Эй ҳимматинг озодакаш,

Токи сахо бўлди кафинг варзиши,

Кўрдунг экинму бир ўзунгдек киши?»

Дедики: «Бир кун қилибон жашни ом,
Индаб эдим бодия аҳлин тамом.

Матбах аро юз тева қурбон эди,
Қўю қўзи беҳаду поён эди.

Базм ичидин дашт сон бир нафас,
Касби ҳаво айламак эттим ҳавас.

Сайрда кўрдум бир асири михан,
Бир қучоқ орқасиға юклаб тикан.

Жисми уйин айлабон ул юк нигун.
Тиркабон ул уйга асодин сутиин,

Ҳар қадам урғунча тиниб муддате,
Ҳар нафас олғунча ўтуб фурсате.

Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб,
Лутфу тараххум била қилдим хитоб:

«К-ей қадин эмгак юки паст айлаган,
Жисмида ғам хори нишаст айлаган,

Дашт аро гўёки хабар билмадинг,
Ҳотам уйи сори гузар қилмадинг?

Даъват этиб асм фаровон букун,
Қилди ёмон-яхшини меҳмон букун.

Ташла тикан, гулшани иззатқа ет,
Чекма машаққат, қўпу даъватқа ет».

Менда чу фаҳм этти бу навъ изтироб,
Бош кўтариб кулдию берди жавоб;

«К-ей солибон ҳирс айбғингға банд,
Озу тамаъ бўйнунга боғлаб каманд.

Водийи ғайратға қадам урмағон,
Кунгури ҳимматға алам урмағон.

Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.

Бир дирам олмоқ чекибон дастранж,

Яхшироқ андинки биров берса ганж».

Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мэндин анинг ҳиммати афзун эди».

Ҳиммат агар бўлса Навоий санга,
Банда дурур Ҳотами Тоий санга.

Соқий, аёқ тут, карам изҳор қил,
Базлни Ҳотамга намудор қил.

Бизда чу май базмиға камдур дирам,
Камлиқ эрур биздину сендин карам.

XXXII
ОЛТУНЧИ МАҚОЛАТ

Адаб даъбидаким, кичикларга мужиби саодатмандлиқ ва улуғларға боиси сарбаландлиқ дурур ва тавозуъ васфидаким, «дол»дек қаддини хам қилғон қадамин давлат фарқиға қўяр ва ҳаё риёзидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёғинлари бирла сероб бўлур

Эй талаб уйида нишаст айлаган,
Қаддини хизмат юки паст айлаган.

Эл йўлида гард ўлубон дард ила.
Кибр кўзин кўр этиб ул гард ила.

Ашки риёзатки сочиб ҳар сари,
Андин ўчуб нафсу ҳаво ўтлари.

Оху надоматки чекиб сидқ аро,
Кизб юзин дудидин айлаб қаро.

Сидқ ила ҳар гарм нафасиким уруб,
Реву риё хирмонини куйдуруб.

Қилмай ўзин рухсат ишига самар,
«Мим»и азимат била боғлаб камар,

Сарсари ғайратни чу бунёд этиб,
Ҳирсу тамаъ рахтини барбод этиб,

Бўйла тариқики қабул айладинг,
Кўйи тараб сори нузул айладинг.

Лек бу йўл қатъида шарти талаб,

Билки тавозуъ била келмиш адаб.

Чунки тавозуъға хам ўлди ҳилол,
Бўлди фузунроқ анга ҳар кун камол.

Ёға тавозуъ сифати берди даст,
Қадр ила мушаф уза топти нишаст.

Чарх тавозуъ уза то хам дурур,
Тобии амри бори олам дурур.

Ё киби қошким бу дурур шон анга,
Жонин улус айлади қурбон анга.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Чунки ёғин манбаи ўлди ҳаё,
Қатраси тупроғни қилур кимё.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгу дурур.

Қахқаҳадин кабк наво келтуруб,
Бошиға ул кулгу бало келтуруб.

Ғунча кулуб бўлди очилмоқ анга,
Этти очилмоқда сочилмоқ анга.

Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи тупроғ аро.

Субҳки, бу шева писанд айлабон,
Меҳр ўти дуррини сипанд айлабон.

Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Равшан этиб шамъни ҳар тун йиғи,
Элга бериб ғунчани хандонлиғи,

Қилди булут ашки била дур нисор,
Бўлди чоқин кулгусидин хоксор.

Мастки йиғлай юруй ўздин кетиб,

Ашки ниёзи гунаҳин пок этиб.

Кимда адаб, кулгуга очмас оғиз,
Лек ҳаё абри эмас қатрасиз.

Қаҳқаҳаким, хазл анинг ёридур,
Қурбақа савти била рафторидур.

Ҳар кишиким хинду ўлур хазл аро,
Юзини қилмоқ керак аввал қаро.

Ҳарза эрур чунки мушаъбид сўзи,
Ўз тилини кўрки кесар ҳам ўзи.

Улки соқол боғлабон эл кулдурур,
Кулгу соқолиға ўзи келтурур.

Қилмоқ учун кўзга фузун кўркини,
Бошиға маймун.чу қўяр бўркини.

Кулгу учун келса улус қошиға,
Кулмас улус ёлғуз анинг бошиға.

Масхараким кулгу учун бож ер,
Бир дирам олғунча ики кож ер.

Шаклда чун масхараваш келди бум,
Урмоғиға қушлар этарлар ҳужум.

Ҳазлға лўли илик этса сутун,
Ўзини куч бирла қилур сарнигун.

Мунча мазаллат бориси булъажаб,
Даф бўлур келса ҳаёву адаб.

Жилвагар ўлди чу қуёш раъяти,
Ер тубига кирди кеча зулмати.

Музҳик эрур маст чу айлар хуруш,
Сўзни тааммул била дер аҳли ҳуш.

Тулкуву ит кулгу эшигин очар,
Шер кўрунгач улус эвдин қочар.

Буки тавозеъдурур оти анинг,
Ёки адаб келди сифоти анинг.

Гарчи хирад васфидин ўзга демас,

Борча улус шаънида бирдек эмас.

Ҳар кишининг тавриға лойиқ керак,
Сурати ҳолиға мувофиқ керак.

Қулғаки, бек қилса тавозеъ тузун,
Риштаи ранж ўзига айлар узун.

Сажда гадо оллида эрнас карам,
Билки карамдур анга бермак дирам.

Тифл учун қўпмоқ эмастур адаб.
Пирлар ул ишни демастур адаб.

Ул мутакаббир бўлуру сен енгил,
Бу икки иш эл нега қилғай дегил.

Гарчи адаб шарти бағоят керак,
Ҳар киши таврида риоят керак.

Рутбада сендин кишиким боиса паст,
Кўрсанг ўз илгингда ани зердаст,

Гар санга худ тобиу худдом эрур,
Қайғулари кўнглунга ноком эрур.

Фарзу сунан улча эрур дилпазир,
Борчаға ўргатмак эрур ногузир.

Ҳар не алар қилса хилофи ҳисоб,
Фарздурур айламагинг эхтисоб.

Ҳашрдадур чунки хитоби санга,
Ҳар не савол ўлса жавоби санга.

Лек риоятлари бўйнунгдадур,
Руқъаи рўзилари қўйнунгдадур.

Вожиб эрур борчасиға ёрлиқ,
Яхши-ёмон ишда хабардорлиқ.

Бу сифат уммид илаким бим эрур,
Ушбу жамоатға бу таъзим эрур,

Гар эрур атфолу иёлинг сенинг,
Будур аларға доғи холинг сенинг.

Улча эрур тифлға шоиста иш,

Билки кичикликта эрур парвариш.

Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққуча топти шараф.

Бириси қўймоқлиқ эрур яхши от,
Ким десалар етмагай андин уёт.

Исмда кўп келди тафовут падид,
Бири Ҳусайн ўлди, бириси Язид.

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилғали таълим анга илму адаб.

Итга тааллумда чу бўлди камол,
Сайд анинг оғзидин ўлди халол.

Олим ул итким нажасул-айн эрур,
Ўғлинга жаҳл ўлса ажаб шайн эрур.

Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Эткуруф ифроти ва лекин газанд.

Меҳр ила зажрики таваққуъ дурур,
Тифлға сендин бу тавозуъ дурур.

Завжаким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам.

Нафқа била нафсни тутма дариғ,
Жонингға ифрот ила ҳам урма тиғ.

Айламагил хулласини ранг-ранг,
Кийса доғи ҳужрада тутсун даранг.

Англасанг отланғуча холотини,
Гар эр эсанг тутма анинг отини.

Қилса равон ёр ила ағёр аро,
Таъбияи кўй ила бозор аро.

Улки чиқиб кирди яна қўйнунга,
Билки олибсен ажаб иш бўйнунга.

Ғоза била қилди чу юзни қизил,
Юз қаролиқ фикридадур жазм бил.

Сочбоғини тоб ила чун солди банд,

Нафсу ҳаво бўйниға солди каманд.

Вусма сори топии чу вобастаиик,
Бўлди ики фитнаға пайвасталиқ.

Мунча қабоҳат била боқиб туруб,
Берсанг ижозат ани отлантуруб,

Ушбу бўлур ғайрату мардоналиқ,
Рашку ҳамият била афсоналиқ.

Ул кун агар чиқса қўю қилма зўр,
Ким чиқиб эвдин ватани бўлса гўр.

Ҳарнеким ул шаръдин этти удул,
Эрмас адаб айласанг они қабул.

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн.

Бу икининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Икки жаҳонингға тиларсен фазо
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Тун-кунунгға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари.

Бўлсун адаб бириа бори хизматинг,
Хам қил адаб «дол»и киби қоматинг.

Сўнгра раҳмнинг силасин қарз бил,
Раҳм ўшул тоифаға фарз бил,

Сойири нос ичра улуғ то кичик,
Ёхуд аро ерда васат чаргалик.

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Кимники қилсанг мутавассит хаёл,

Асра анинг ҳурматида эътидол.

Хизмат ила айлама тавқир ҳам,
Шанъат ила айлама тахқир ҳам.

Тутқил анинг ҳурмати ичра зарур
Қоидаи нуктаи «Хайрул-умур».

Иззати ҳаддин кам эса хўб эмас,
Ҳаддидин ортуқ доғи марғуб эмас.

Ёки сени гардиши чархи баланд
Айласа шаҳ хизматиға аржуманд.

Гарчики, шаҳ базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо.

Марҳами зимнида эрур решлар,
Нўши ичинда тикилур нешлар,

Гул кўрунур ёнида юз хори бор,
Бор эса бир айш, минг озори бор,

Телбага ўт шакли гулистон эрур,
Тушса халоси қачон имкон эрур.

Тифл йилон нақшиға мойил дурур,
Захрини билмаски, халоҳил дурур.

Баҳрда тушса дури хуршедранг,
Зимнидадур ғарқау коми наҳанг.

Англа бу қонун ила шаҳ хизматин,
Айшидин ортуқ ғам ила меҳнатин.

Суд эрур нечаки бўлсанг йироқ,
Турфа буким, бўлмағанинг яхшироқ.

Кимга фано ганжидин огоҳлиқ,
Мулки қаноатда анга шоҳлиқ.

Хизмат агар бўйнунга беихтиёр
Тушса қилурда санга не ихтиёр.

Мухтасар айлай, эшит ижмолини,
Фаҳминга зоҳир қилай аҳволини,

Топсанг шаҳ хизматиға интисоб,

Тўрт иш этгил ўзунга иртикоб:

Ният анинг бирла бурун рост қил,
Ғайрин анинг кўнглунга бехост қил.

Яна будурким, тони хизмат чоғин,
Айла, вале айламагандек соғин.

Яна буким, яхши-ёмон дема сўз,
Эл ёмону яхшисиға солма кўз.

Яна буким ранж етар, гар тааб,
Асра ёмон-яхшиға шарти адаб.

Тошқилиғингнинг бу сифат холи бор.
Боиса тақарруб анинг ашколи бор.

Бу неча иш бўлса муяссар санга,
Давлат ила ёруғай ахтар санга.

Бу бори жузве дурур, эй нотавон,
Кулли эрур улки, агар ногаҳон.

Бўлса ғино шеваси оринг сенинг,
Фақр уйига тушса гузоринг сенинг,

Анда дурур шарт тавозуъ санга,
Ўтрусида қатъи таваққуъ санга.

Чарх киби етса забардастлиқ,
Ер қуйисида тиламак пастлиқ.

Этса ғаму ғусса юки тоғдек,
Бўлмоқ анинг остида туфроғдек.

Айламамак жола киби ёғса тош,
Рост бинафша киби юққори бош.

Вазъи тавозеъда вафо айламак,
Даъби адаб бирла ҳаё айламак,

То бу васила била топиб қабул
Мақсади аслий сон бўлғай нузул.

XXXIII

Нўширвоннинг ҳаё боғида наргис кўзидин кўзининг наргиси уёлиб, наргис

кўзлук гулрухидин канор истамай, канора истагони

Шоҳ эмас эрканда Ануширвон
Бўлди биров ишқи била нотавон.

Ғунча киби кўнгли тўла қон эди,
Лек ғами хурдаси пинхон эди.

Этти ғаму меҳнати бемар анга,
Токи висол ўлди муяссар анга.

Бир чаман ичра тузубон хилвате,
Гулрух ила қилди аён суҳбате.

Комға майл айлади чун комгор,
Айлади таслим ўзин гулузор.

Сунғоч илик дилбари мунис сон,
Тушти кўзи бир бута наргис сон.

Илгини чекти мутағаййир бўлуб,
Деди суманбар мутахаййир бўлуб.

«Ким бу не қўл сунмоғу чекмак эди».
Посухини шоҳи муаддаб деди:

«Ким бу висол ичраки воқеъ дурур,
Наргиси шаҳло кўзи монеъ дурур».

Айни ҳаё бирла рутубват анга,
Бермади ул амрда қувват анга.

Наргисини тўлдурубон ёшидин,
Қўпти, доғи кечти ул иш бошидин,

То ани охир бу ариғ нияти,
Бўйла ҳаё шеваси хосияти

Жумлаи олам аро шоҳ айлади,
Адлини оламға паноҳ айлади.

Айш, Навоий, неча дилкаш дурур,
Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур.

Соқий, адаб шартини омода тут,
Оллима тўққуз юкунуб бода тут,

То ани ич, деб сенга мен юз тутай,

Томса тўқуз, оқса худ ўттуз тутай.

XXXIV
ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ

Қаноат бобидаким, айни жуъдин айрилса, замзами нажоти, балки салсабили ҳаёт сори учмоқнинг каноти дурур ва паришон тамаъким, мазаллат заҳри таъми мазоққа еткурур ва қониъким, кўзи узра кон мавж урса, иззати бор ва томиъким, олун маснад узра ором тутса, мазаллати бор

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғани.

Ганжу тажаммулни ғино билмагил,
Балки ғино ганжи қаноатни бил.

Нақди қаноатға чу йўқдур фано,
Жахд эту бу нақд ила топғил ғино.

Кулбада дарвешки, қониъ дурур,
Фойиқ эрур шаҳғаки, томиъ дурур.

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки гадодур тамаъ этган киши.

Шаҳ чу тамаъ қилди эрур луқмаҳоҳ,
Қониъи дарвеш эрур подшоҳ.

Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эхтиёж.

Қушлар аро шоҳки, анқо дурур,
Нуктае бу амрда пайдо дурур.

Бордур агар фикр ила топсанг вуқуф,
Қониъу анқоға мувофиқ хуруф.

Туъмаға худхуд неки муҳтож эрур,
Пайк бил, арчи бошида тож эрур.

Ҳиндуи лоиб бошида тож кўр,
Они қаропул сон муҳтож кўр.

Этса арозил кафидин бож анга.
Кўк сори ташлар нимадур тож анга.

Шоҳ бошимнг шарафи тож эмас,
Англа ани шоҳки, муҳтож эмас.

Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур,
Ҳарф ила муҳтожда ҳам тождур.

Шоҳ десанг кимда кўруб тожни,
Шаҳ дели бу важх ила муҳтожни.

Шоҳ ани билким, боши қалпоқда,
Базл этар офоқ берур чоқда.

Бўлмаса ҳам шукр ила қониъ бўлур,
Базл ишидин нафсға мониъ бўлур.

Кимки қаноатдин эрур хужжати,
Яхши-ёмонға йўқ анинг хожати.

Топса қаноат сон ҳар кимса йўл,
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул.

Мулк ила ўзни демагил, аржуманд,
Мулки қаноат била бўл сарбаланд,

Чархки, бир қурс ила тузди маош,
Боғлади ой жиннини кўксига тош.

Айлади Ҳақ вазъида нодир ани,
Неки қилайин деса қодир ани.

Шамъки о:з ёғи била қоврулур,
Чарх анга фонус киби эвнилур.

Равшан эрур кўзки, тутар ком ила,
Гўшаи меҳроб ики бодом ила.

Чунки оғизнинг емак ўлди иши,
Ҳарби учун чекти ики саф тиши.

Кимса неча зебу тамаъдин йироқ,
Зимнида осойиш эрур яхшироқ.

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

Олтун исирғаки қулоқ оғритур,
Зархал ўтукдурки, аёқ оғритур.

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг ўтук оиди аёқ осойиши.

Топса киши бодия ичра зулол,
Олтун аёқ қайдау синғон сафол.

Сувға сафол ичра халоват дурур,
Кўзгуга кул бирла тароват дурур.

Кўзгу жамолиға нафас бўлмасун,
Дастаси олтун гар эмас бўлмасун.

Ташнаки ул сув била истар фарах,
Қайда кирар кўнглига олтун қадаҳ.

Ким қуруқ этмак сувга тўғраб есун,
Қурси хуру чашмаи ҳайвон десун.

Ошиға ким солса қилиб зийнат иш,
Зардагу шалғам киби олтун-кумиш.

Борча нахуд ўрнига дурри хушоб,
Реза чағандар ерига лаъли ноб.

Юзида зарришта бўлуб заъфарон,
Қурси қамардин табақ устида нон.

Сабзаси нон узра зумуррад бўлуб,
Танаси хон ичра забаржад бўлуб.

Тенгри учун, кел ўзунг инсоф бер,
Ким киши оч ўлса не навъ они ер.

Гарчики бор анда зарофат басе,
Дурлари тишларгадур офат басе.

Чайнаридин тишга ҳам озор ўлуб,
Ютмоғидин худ бўғуз афгор ўлуб.

Чунки ейилди бу такаллуфиуқ ош,
Ош дема, балки неча пора тош.

Меъда аро чунки бу даъват етар,
Деки, ани метда нетиб хазм этар.

Меъда ўзи хўрдидоғи ошни
Ҳазм қилур, йўққи, ушоқ тошни.

Айтмаким, тўмаи қобилдур ул,
Бошдин-аёқ заҳри халоҳилдур ул.

Кимса бу ажзоға санар чун баҳо,
Ўлтурубон ўзни берур хунбаҳо.

Ҳазм ҳам ўлса агар инсофдур,
Кўрки, не ифрот ила исрофдур.

Кимки эрур маҳзани Қорун анинг
Мулки Жаму тожи Фаридун анинг.

Базл дебон ганж эшигин очмаса,
Фойдасиз дурру гуҳар соснмаса,

Фойдасиз қилмаса зоҳир карам,
Бермаса бир базлаға юз минг дирам,

Очға емак берса, яланғочға тўн,
Юз тилаганларга мингу бирга ўн.

Қониъ эса улчаки мақдур эрур,
Тенгрию халқ оллида маъзур эрур.

Улки тажаммул анга воқиъ эмас,
Ончаки бор сарфиға қониъ эмас.

Кўрди эса мунъими итлофхў,
Айлар анинг шевасини орзу.

Топмай анинг маҳзаниға дастрас,
Базл ила исрофини айлар ҳавас.

Сарв ёнида чиқорур хошасин,
Рахш хиромида сурар лошасин.

Киймак учун эгнига топмай палос,
Элга тилар, берса мунаққаш либос.

Кимгаки андеша бу сурат бўлур,
Аввал анга бурч зарурат бўлур.

Бурч ишидин ўзга чу фан топмади
Олди, вале бергали тан топмади.

Айлади чун важхни хоки сиёх,
Ваъда етиб қилди ғулу қарзхоҳ.

Бурч этибу сарф этиб итлоф ила,
Борчани айлаб талаф исроф ила.

Ё улус ичра юзи суйин сочиб,
Ё олибон бошину бир ён қочиб.

Мунчаву юз мунча етибон алам,
Лек анга бўлуб яна юз мунча ҳам.

Тарки қаноат ани айлаб жало,
Келтурубон бошиға юз минг бало.

Улки қаноатни қилибдастпеч,
Ҳолиға бу печ етушгайму ҳеч.

Икки қаро пул чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, шаҳ инъоми ганж.

Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч
Беҳки, биров миннати бирла кулоч.

Кундуз ўкуш ранж ила муздурлуқ,
Кулбаға бермак кеча маъмурлуқ

Беҳки тамаъ тоқини тортиб баланд,
Айласа муздурлиғин юз нажанд.

Эй хуш, ул ойини фано кўзлаган,
Мулки қаноатда саро кўзлаган.

Кўнгли агар боғ таманно қилиб,
Гулшани ахзарни тамошо қилиб.

Гунбад анга гунбади нилуфарий,
Равзаси сахни фалаки ахзарий.

Тоқи муалло анга гардон сипеҳр,
Шамсаси ул тоқ уза рахшанда меҳр.

Кун бўлубон варди гулистон анга,
Ой бўлубон шамъи шабистон анга.

Анжуми шабгардға боимай қарор.
Шамъ анинг атрофида парвонавор.

Чарху шафақ базмида фонуси ол,
Ўйлаки минқош анга жирми ҳилол.

Бўйла хаёлот ила қониъ бўлуб,
Истаридин нафсиға мониъ бўлуб.

Қилса тасаввур била хурсандлиқ,
Ёди била этса барумандлиқ.

Гар худ ўлуб ҳимматининг рахши тез,
Қилса бийик пўя қилурға ситез.

Бўлса бийик чарх ила ахтар анга,
Тўда кул ичра неча ахгар анга.

Кўрса жаҳонни бир овуч хокча,
Тўби ила сидрани хошокча.

Бермаса кўк қасриға вайронини,
Тоқи фалакка йиқуқ айвонини.

Пора юрак қони бўлуб қут анга,
Балки фарах касбиға ёқут анга.

Хору қамишнинг тубидин луқмаҳўр,
Лек бериб таъм анга гулшакар.

Бўлса тобони дағи ҳар сори чок,
Ер юзига ибрат учун ханданок.

Хирқасининг чокларин билса ул,
Гулшани тавфиқ насимиға йўл.

Пастини аъло била тенг қилмаса,
Шолини дебо била тенг қилмаса,

Кулбаси ой шамъидин ўлса ёруқ,
Эшиги ел илгидин ўлса очуқ.

Оқ ямоғу эгнида кўк хирқаси
Хушроқ анга субҳу фалакдин басе.

Ҳар сори вайронида бўлса шикоф,
Сатр учун ўргамчи анга пардабоф.

Роҳат учун бошки қўюб тош уза,
Фари ҳумой истамай ул бош уза.

Қиш куни еткурса совуқ тоб анга,
Даф иға гулхан кух синжоб анга.

Ёз топа олмай чу исиғдин паноҳ,
Соя учун кўпрук анга хобгоҳ.

Фақр бериб маҳзани Қорун анга,
Фоқа бўлуб мулки Фаридун анга.

Айлабон ойини қаноат ани,
Даҳрда мустағни улусдин ғани.

Чун бу жаҳон ичра тамаъкорлиқ,
Эл кўзида бермай анга хорлиқ.

Ҳашрда доғи қўпуб андин азоб,
Кўнглида йўқ дахшати явмул-ҳисоб.

Балки бўлуб фақрда сармояси,
Ким қуёш авжиға тушуб сояси.

Дунёву уқбода баруманд ўлуб,
Кимки Ҳақ эҳсониға хурсанд ўлуб.

Улки этиб тарки қаноат шиор,
Айлаб ани ул тамаъ эл ичра хор.

Из тиласанг айла қаноат тамаъ,
Маснади иззат узадур «Ман қанаъ.

XXXV

Қониъи жувонмард ила томиъи жаҳонгард ҳамроҳлиғи ва бири фамғат ганжи ҳирсидин мазаллат ранжиға қолиб, биннинг каноат ранжи чекардин фароғат ганжига етгони

Форс навдхисидин икки рафиқ,
Айладилар Чин сори азми тариқ.

Бири азал қисмиға қониъ эди,
Қисмидин ортуқ бири томиъ эди.

Борур эдилар қилибон пўя фош,
Бўлди аён йўл уза бир сода тош.

Ёрими ерда, ёрими юққори,
Ул ёримидаки, бўлуб тошқори

Нуктаи бас турфа қозилғон эди,
Чун ўқудилар - бу ёзилғон эди

Ким: «Киши гар эмгак ўтин ёндурур,
Тошни яна юзиға айлондурур.

Анда битиклик дурур афсонае,
Ким бу навоҳи аро вайронае

Борки, остида эрур турфа ганж,
Олғай ани ҳар киши кўрса бу ранж.

Ҳар киши бу ранждин ўлса йироқ,
Сабру қаноат боридин яхшироқ».

Томиъ ўқуғоч мутахаттик бўлуб,
Томиа ирқи мутаҳаррик бўлуб.

Ганж таманносиға беркитти тиш,
Бўлди анга тоғ тубин қозмоқ иш.

Қониъ ул ишга чу назар айлади,
Қилмади парвоу гузар айлади.

Деди: «Бу не меҳнати жонкоҳ эрур,
Ганжи қаноат манга ҳамроҳ эрур.

Ким сориким, Тенгрининг эҳсони бор,
Тош ёрилиб чиқмоғи имкони бор».

Йўлдин олиб кеча тонг отқунча баҳр,
Субҳидам оллинда аён бўлди шаҳр.

Шаҳрға эл киргали кўп йўл эди,
Улки бурун кирди, вале ул эди.

Бор эди дарвозаға сурмак ҳамон,
Ҳар соридин халқ югурмак ҳамон.

Бу эл аро расм бу эрмишки, шоҳ,
Қилса бақо мулки сори азми роҳ.

Асраб ани шаҳр элидин ёшурун,
Кимки саҳар шаҳрға кирса бурун.

Айлар эмишлар ани маснаднишин,
Бошиға тож, илгига солиб нигин.

Они ҳам ул расм ила хайлу сипоҳ,
Қилдилар ул мулку сипоҳ узра шоҳ.

Ёрики ранж ўзига олиб эди,
Ганж таманносиға қолиб эди.

Ранж била етти чу ўз жониға,
Тошни эвурди яна бир ёниға,

Хатқа боқиб кўрди бу мастур эрур:
«Хомтамаъ даҳрда ранжур эрур».

Они қаноат қилибон шаҳриёр,
Муни тамаъ ранжи қилиб хоксор.

Қилма, Навоий, тамаъ элдин дирам,
Бор эса берсанг худ эрур ул карам.

Соқий, этибмен тамаъ ул бодадин,
Ким олур озу тамаъ озодадин,

Журъасидин солики роҳ эт мени,
Мулки қаноат уза шоҳ эт мени.

XXXVI
САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

Вафо бобидаким, «вов»и семурғ «син»ининг зимнида дахякидек нихон дурур ва «фо»си Қоф тоғи остидаги «фо»дек аён ва «алиф»и кимё тубидаги «алиф» нишонаси, ва нуқтаси меҳригиё бутасининг донаси. Бас булами тамаъ қилғон кишининг иши сув сатҳида югурмак бўлғай ва қаро ерда кема сурмак

Чарх тўқуз дуржики заркор эрур,
Жавфида юз минг дури шаҳвор эрур.

Ҳар дурининг ламъаси шамъи фароғ,
Не дуру, не шамъ, дури шабчароғ.

Ҳар бирининг қиймати кондин фузун,
Кон демаким, кавну макондин фузун.

Улки лақаб қўйдилар «афлок» анга.
Анжуми юз минг гуҳари пок анга,

Қай бириким ўксук эрур покидин,
Ожиз эрут ақл анинг идрокидин.

Ҳарне жавоҳирки, хаёл айлагай,

Жавҳарийи ақлу савол айлагай.

Юз топилур, бир деса бу кон эро,
Юз деса минг онча бу Уммон аро.

Ғайри ҳамул дурки, жаҳонтоб эрур,
Ким бу тенгиз қаърида ноёб эрур.

Бир дур агар айласа зоҳир жамол,
Иккиси жамъ ўлмоқ эмас эхтимол.

Сўрса отин аҳли сафо жавҳари,
Ох чекиб деки, вафо гавҳари!

Бу дури ноёб вафому экин,
Гар ул эмас, меҳригиёму экин?

Меҳригиё демаки, анқодур ул,
Жавҳари фарду дури яктодур ул.

Меҳр узори уза хатти ғубор,
Тун сочининг тобида мушки татор.

Тушса биров илгига дурри ятим,
Бордур анинг жавҳари жониға бийм.

Ҳар киши ҳамким бу гуҳар бор анга.
Ранжу ано доим эрур ёр анга.

Ҳар кишини кўрса, ўзин ёр этар,
Меҳру вафо гавҳарин изҳор этар.

Ул киши разл ўлсун, агар бахтиёр,
Ким мунга йўқ шафқатидин ихтиёр.

Ўйлаки хуршед эрур айни нур,
Кўзни ёрутмоқда анга не шуур.

Абрки, ҳар қатра гуҳардур анга,
Гул очилурдин не хабардур анга.

Гул не билурким, негадур зеби боғ,
Невчун этар атри муаттар димоғ.

Ўт эрур ўз хирқатидин бехабар,
Бодаға маст эрканидин не хабар,

Ҳар кишиким жуз бу гуҳар йўқ анга

Фош ўлур андоққи, хабар йўқ анга.

Ҳар нечаким, бу гуҳаредур шариф,
Хосиятидур анга беҳад касиф.

Ким бу гуҳар ҳар кишидин бўлди
фош, Бошиға ёғди гуҳар ўрниға тош.

Ҳар кишига қилди биров бир вафо,
Маҳласи йўқдур кўрубон минг жафо.

Неча самар сочмоқ эса шох иши,
Кўпрак отар тош анга терган киши.

Кон неча базли гуҳари пок этар,
Олғучи кўпрак юрагин чок этар.

Шамъ ёрутуб уй ичу тошини,
Ев ияси кўпрак узуб бошини.

Хосса бу давронки, муҳаббат қўли,
Синди анинг панжасидин бир йўли.

Чунки қуёш бошдин-аёқ бўлди меҳр.
Ерга киюрди ани ҳар тун сипеҳр.

Хома вафодин битиди можаро,
Муфтийи гардун юзин этти қаро.

Чах бошиға эврулубон чархи тез,.
Боғлабон уй бўйнину айлаб ситез.

Ваҳки, фалак токи сабуксанг эрур,
Даҳр анинг оллида куханланг эрур.

Меҳр элига жаврму эрди экин?
Қоида бу таврму эрди экин?

Лутфу вафо йўлида бўлғонга гард,
Йўқ эди эркинму эваз, ғайри дард?

Кимки вафо узра бориб бош анга,
Сарзаниш-ўқму эди подош анга?

Ё бу замон аҳлига бу бўлди баҳр,
Нўш олибон қуймоқ эл оғзига захр,

Кимга биров тутса гули тозарўй,

Гулшани ризвонча анга рангу бўй.

Буки эваз, бермагай ул жуз тикан,
Бир демагил, балки дегил юз тикан.

Халқ ишига гар бу намудор эрур,
Бир киши топмоқ иши душвор эрур.

Бир киши андоқ кишиким бир киши,
Тузгай анинг бирла мавaддат иши.

Этса фалакдин ситаму хори дард,
Бир нафас этгай анга изҳори дард.

Бўлса замон ханжаридин ёрае.
Мунглашиб андин тилагай чорае.

Ҳарне етар даҳр малоли .анга,
Айлагай ўз кўнглини холи анга.

Ҳар кишига етса фалакдин ғаме,
Бўлмаса ҳамдарди анинг ҳамдаме,

Роз лабин тиккон ипин сўкмаса,
Ҳарнеки кўнглида эрур тўкмаса,

Дард ёқиб шуълаи нобудини,
Чархдин ўткаргай анинг дудини.

Тиғи бало кўксини чок айлагай.
Дард они бир дамда халок айлагай.

Сарсари ғам жонига урғай сипеҳр,
Хирмани умрини совурғай сипеҳр.

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.

Ёрки, ойини вафо йўқ анга.
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.

Шамъки йўқ анда зиё тўшаси,
Ўтсиз эрур ўйлаки, муз шушаси.

Ёрки, бор анда вафо - ёр бил.
Умр деган ёри вафодор бил.

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,

Бир садафедур дури шаҳворсиз.

Йўқ хунари ёлғуз эса, уз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?

Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур,
Ёнса йиғоч ёлғуз, иши дуд эрур.

Тоқ киши айши уйин бил нигун.
Уйга қачон хомил оиур бир сутун?

Синса уқоб эгни уза бир қанот,
Тез учар, лек анга бирдам ҳаёт.

Солмас ўюн нард бисотида шайн,
Бўлса анинг тосида бир каъбатайн.

Тошки чақмоқдин ўлғай йироқ,
Тийра тутор иккаласин ул фироқ,

Бир-бирига чун етишурлар даме,
Равшан ўлур ўтларидин оламе.

Синса қаламнинг шақидин бир учи,
Ожиз ўлур нома рақам қилғучи.

Ёки сингор гўшага муҳтож эрур,
Билки камонкаш анга хилож эрур.

Дур нечаким, айбдин ўлди йироқ,
Лаъл ҳам ўлса ёнида яхшироқ.

Жумла жаҳон шаҳлиғидин ори бор,
Кимки гадодур доғи бир ёри бор.

Шоҳки йўқ ҳамдаму ёри анинг,
Кўнглида кўп бўлғуси бори анинг.

Қилса биров ҳамнафасу ёрлиқ,
Бўлғуси кўп ғамға сабукборлиқ.

Ёр эрур анаоқ гуҳари бебаҳо,
Ким анга муҳтож не шаҳ, не гадо.

Ушбу сифат ёрки, марқум эрур,

Войки, бу даврда маъдум эрур.

Бўлса доғи топмоғи осон эмас,
Жинси башар ичра худ имкон эмас.

Хайли малак ичра агар бордур,
Чарх уружи доғи душвордур.

Бўлди пари ҳам бу сифатдин бари,
Одами ўлмоқни не билгай пари.

Гар санга бор эрса, бу сўзда хафо,
Қайси пари чеҳрада кўрдунг вафо?

Топмоқ ани гарчики, душвор экин,
Бўлса доғи одам аро бор экин.

Васли анинг кимгаки бўлғай насиб.
Шаънидадур ояти «Фатхун қариб».

Ҳар киши бир ёр иладур кўнгли шод,
Хайли малоикдин анга «Ин якод».

Васли ила кимки эрур баҳраманд,
Жоним анинг бошиға бўлсун сипанд.

Кимки вафо кўрди жафо қилмади,
Ўтрусида ғайри вафо қилмади.

Жонни санга топшурайин, эй сабо,
Элт анинг оллида қилмай ибо.

Бўл қуюну бошиға эврул басе,
Жон доғи қўйнунгда нечукким хасе.

Мэндин анга арзи дуо айлагил.
Йўлида жонимни фидо айлагил.

Демон, олиб кел чамани вардини,
Кўзума еткур йў лининг гардини.

Хидматида гар топа олсанг мажол,
Ончаки мэндин дегасен арзи хол.

Аввал аёғиға тушуб паст бўл,
Йўлида туфроғ ила ҳамдаст бўл.

Субҳ насими киби боима хамуш,

Шорн шамоли киби тортиб хуруш.

Айтким, эй боштин-аёқ руҳи пок,
Жисм санга руҳки, руҳи фидок.

Неча висолингни тилаб зор ўлай,
Неча фироқингға гирифтор ўлай.

Бағрим оиуб кўҳи бало лоласи,
Кўздин оқиб ҳар сари парголаси.

Жоним оииб ҳажринг ила дардманд,
Раглар ажалдин анга печон каманд.

Онча сени истабон урдум қадам,
Ким талабингда қадам оиди адам.

Сени тилаб ҳар неча кўрдум шиканж,
Ганж тилаб етмади жуз дарду ранж.

Сабза дедирн сончти ништар мени,
Лаъл дедим, ўртади ахгар мени.

Лола дебон кўксума кўрдум туган.
Гул тилабон кўнглума топтим тикан.

Кимки анга айламадим жон дариғ,
Қилмади жавр улчаки имкон дариғ.

Ҳар кишиким, қўйдум аёғиға бош,
Жола киби бошима ёғдурди тош.

Войки, юз тош аро ёлғуз бошим,
Чарх соғинмишки, эрур юз бошим.

Ҳам бу нафас бошима ет, раҳм этиб,
Сўнгра не осиғ келурунг мен кетиб.

Гар бу таманнони қабул айласа,
Меҳр бузуғ сори нузул айласа,

Турмаву зинхор етишғил манга,
Хизр ҳаёти бу хабар бил манга.

То чиқибон ўтру юз афғон қилай,
Қайси фиғон, балки фидо жон қилай.

Тушса кўзум йиғлаю жононаға,

Жон берайин оллида шукронаға.

Жондин олиб дард бу дармон била,
Бормайин охир дами армон била.

Гар манга бу ком қариб ўлмаса,
Давлати дийдор насиб ўлмаса,

Дашти фано сори хиром айласам,
Мулки адам ичра мақом айласам.

Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш,
Кўнгли муҳаббат майидин урса жўш.

Айласа бу ишда татаббуъ манга,
Андин эрур мунча таваққуъ манга.

Ким анга ким қилса жаҳонин фидо.
Этса анинг меҳрида жонин фидо.

Чекса юкин ончаки тўққуз сипеҳр.
Ул доғи бир заррача кўргузса меҳр.

Десун ани гавҳари кони вафо,
Кони вафо йўққи, жаҳони вафо.

Шукрин анинг вирди забон айласун,
Кўнглини меҳрига макон айласун.

Бордур умидимки, бу давлат чоғи,
Бўлғай анинг садқаси мэндин доғи.

Жонни фидо этса бу жонониға,
Қўйғай анинг миннатини жониға.

Айласалар икки тарафдин вафо,
Этгай алар жониға онча сафо.

Ким сифати сиғмағай авроқ аро,
Демайин авроққи, офоқ аро.

XXXVII

Икки вафолиқ ёр бир-бириси вафосига бошларидин кечгани ва алар баракатидин юз минг бош қиличдин ва қилич қиндин қутулгани, балки қинга тушгани

Андоқ эшиттимки шаҳи комрон,
Тўрт улус хони Темур Кўрагон

Фатҳи ақолимга қилғонда азм,
Ҳинд саводида қатиқ бўлди разм.

Фатх ила нусрат чу анга берди даст,
Чарх адув қалбига солди шикаст.

Чунки адув куфр эли эрди тамом,
Бек дедиким, қилсун улус қатлиом.

Касратидин даштни тутғон қатил,
Қон ила шингарфдин оқизди Нил.

Бош тушуб ул рудда сой тошича
Бош кесибон ҳар киши ўз бошича.

Ҳар сари қон тўкмак ила тиғи тез,
Жумлаи оламда соҳб рустахез.

Ушбу маҳалда ики бечора ёр,
Бўлди қитол аҳлиға ногаҳ дучор.

Тушти сипоҳи бирисин чопқах,
Шоҳ ёсоқидин амон топқали.

Қатл ишига чун ёнидин чекти тиғ,
Бошин анинг чопмоқ учун бедариғ.

Кўрди чу тиғ остида қўлдошини,
Ёри шафиъ ўлди очиб бошини.

Ким санга мақсуд агар бош эрур,
Қўй ани, бу бош анга подош эрур.

Чун анга юзланди қўюб ёрини,
Ёри ҳам етти бу сўз изҳорини.

Қайсиға айлай дэса ул зулм фош,
Ёри қўяр ерди аёғиға бош.

Тунд бўлуб қотили пўлодчанг,
Дэди: Иккингизни чопай бедаранг.

Қай бирининг қатлиға қилғач шитоб,
Ёна бири айлар эди изтироб,

Ким, мени қатл айла бурун, тез бўл,
Токи мен ўлгунча тирик бўлсун ул.

Базл қилурлар эди бир-бирга бош,
Бошлариға тиғ учун ерди талош.

Макс эди бу навъ арода бир замон,
Ким ел аро тушти нидо: «Ал-амон!»

Бир-бирига кечти алар жонидин,
Шоҳ доғи кечти улус қонидин.

Фош етиб ул сидқу мавaддат хавос,
Ҳам елу ҳам ўзлари бўлди халос.

Берса, Навоий санга ёре худо;
Сен доғи қил бошингу жонинг фидо.

Соқий, олиб кел қадаҳе ёр эсанг,
Меҳру вафо шарти била бор эсанг.

Оғзима жон етти, даво қил манга,
Ваъда неча?! Эмди вафо қил манга.

XXXVIII
ТЎҚҚУЗУНЧИ МАҚОЛАТ

Ишқўти таърифидаким, шуъласи бало саҳросининг лолалари ва ахгари балокаш кўнгул парголалари дурур ва меҳнат қаро шоми анинг тутуни ва бу шомнинг муҳтариқ кавкаблари анинг учқуни дурур. Ва ҳусн анвориким, мунча ўтға боис, анинг барқидин бир ламъа ва мунча ҳароратға мужиб, анинг қуёшидин бир ашиъа дурур

Одами хокийни чу субҳи аласт
Айладилар руҳ майи бирла маст.

Ҳикмат илиги била туфроғини,
Тўздилар андоққи Эрам боғини.

Қайси Эрам, равзаи хулди барин,
Равза неким, жилвагаҳи ҳури ин,

Қушлари ҳар лаҳза юз афсона деб,
Ҳар кишиким, ёна сўруб, ёна деб.

Саҳни фалак боғидек ороста,
Ҳар гули онинг маҳи нокоста.

Орази гулранги гули тозаси,
Гул уза гулгунлуқ анинг ғозаси.

Қомат ўлуб савсани озод анга,
Балки сиҳи сарв ила шамшод анга.

Зулф анга сунбули мушкин бўлуб,
Юз била енг лолаву насрин бўлуб.

Юзда қуёш чашмасидек обу тоб,
Ғабғаб ўшул чашма суйидин ҳубоб.

Кўздин ўлуб наргиси фаттонлари,
Лабдин ўлуб ғунчаи хандонлари,

Хат бўлубон сабзаи хуррам анга,
Тер ўлуб ул сабзада шабнам анга.

Ҳусну жамол анда гумондин фузун,
Ҳарне гумон айласанг ондин фузун.

Лек бу не ҳусн ўлубон дилфиреб,
Не бу жамол олибон андин шикеб.

Булбули ишқ ўлди чу достонсаро,
Кирди тамошога бу бўстон аро.

Чун назари гулга тушуб зор ўлуб,
Шавқ ўтидин жони хабардор ўлуб.

Маскан учун бўлди чу гулбуннишин,
Жонига ўт ёқти гули оташин,

Жони аро ишқ ўтидин тушти тоб,
Кўнглида ғам шуъласидин изтироб.

Ишқ чу торожи шикеб айлади,
Гул доғи изҳори фиреб айлади.

Жилва қила бошлади чун гул анга,
Қолмади имкони таҳаммул анга.

Куймак ила чекти анингдек хуруш,
Ким ўтидин тушти чаман ичра жўш.

Келди чу бу ҳирқату маҳруқлуқ,
Бўлди аён ошиқу маъшуқлуқ.

Ишқ чу туғёни камол айлади,
Ошиқ ўзин шефтаҳол айлади.

Ҳусн доғи жилва қилиб дилписанд,
Зулфға топшурди балодин каманд.

Тушти жаҳон мулкиға ғавғойи ишқ,
Бўлди замон аҳлига яғмойи ишқ.

Ишқ не ўт ердики, қилғоч ҳужум,
Дуду шарар бўлди сипеҳру нужум.

Пашшадек ул дуддин итти малак,
Чархда фонусдек ўлди фалак.

Ақл жабинида савод етти фош,
Руҳ кўзидин доғи оқизди ёш.

Дайрда ҳам андин узун можаро,
Каъба либоси доғи андин қаро.

Май ўти бут юзидин урғоч алам,
Куйдуруб ул шуълада Мушафни ҳам.

Андаки Мушаф варақин куйдуруб,
Раҳлни ўт ёқмоқ учун синдуруб.

Дайрға масжидни ҳақир айлабон,
Куфрға имонни асир айлабон.

Хирқаи тақвони қиҳб итга жул,
Руқъалари ҳар сори жул узра гул.

Куфр саводиға чу очиб китоб,
Борча самадни санам айлаб хитоб.

Масжид аро бодаи исён сотиб,
Гўшаи меҳроб аро куп ўмотиб.

Ўт солибон гулшан аро гул била,
Майкада кунжин ёрутуб мул била.

Боғ не воқифки, не гулдур бу гул,
Куп қачон огаҳки, не мулдур бу мул.

Руҳ бу гул хориға побаст ўлуб,
Жон доғи бу мул исидин маст ўлуб.

Ақли саросима иши мухталиф,
Қайси саросимаки, масху хариф.

Дема хариф, аблаҳу нодон дегил,
Нодон йўқ, ғули биёбон дегил.

Қайдаки ишқ ўти бўлуб шуълакаш,
Ақл ўлуб ул ўт уза хошокваш,

Ғайри кўнгул хиттаи маъмураси,
Ким куюбон бўлди бу ўт кўраси.

Қойси кўнгулники, макон етти ишқ,
Ўтдин ани лаълға кон етти ишқ.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун,

Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ.

Рожиҳ етар ишқ ўтидин чошни.
Эл шаҳиға ошиқи қаллошни.

Ишқ эрур дурру, кўнгул дурж анга.
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга.

Қайси қуёш, базмфурузанда ўт,
Дема фурузандаки, сўзанда ўт.

Танки сўнгак ҳайъатидин уй дурур,
Гар эмас уй, невчун они куйдурур.

Ишқ аён қилмоқ эрур ҳусн иши,
Ўйлаки ўт шамъ ила ёққай киши.

Ҳар нечаким ҳусн диловезроқ,
Ишқ ўти ел кўнгли аро тезроқ.

Лутфу тароват нечаким гулда кўп,
Ҳасратидин ғулғула булбулда кўп.

Оҳ чекар бўлса кўнгул захмнок,
Шуъла бийикроқ урар ўт бўлса чок.

Мушкил эмас ишққа жон ўртамак,
Ўтға не душвор жаҳон ўртамак.

Ишқ еритур ақли ситамкорани.
Шуъла нечукким, сув қилур хорани.

Бир шарари зуҳд жаҳонига бас,
Барқ ила нетгай кўп ўлуб хору хас.

Пил бўлур ишқ анга келтурса зўр,
Пил аёғи остида андоқки мўр.

Ошиқ ўзин ким дэса, ошиқ эмас,
Борча киши ишқда содиқ эмас.

Улки кезиб ҳусн писанд айлагай,
Сўнгра кўнгулни анга банд айлагай,

Они кўнгул демаки, бир пора тош,
Не қизиғай шамъ ўтидин хора тош.

Ўзни такаллуф била ғамнок етиб,
Мотами йўқ, лек ёқо чок етиб.

Тоши малак шеваи талбис ила,
Лек ичи муттафиқ иблис ила.

Зоҳирида сидқдин оройише,
Ботинида фисқдин олойише.

Ёридин ул комлар айлаб талаб,
Ким кўрунуб зикрида тарки адаб.

Гаҳ лаби лаълидин етиб жон тамаъ,
Жон демайин улчаки, имкон тамаъ.

Васф қилиб гаҳ тани гулфомини,
Тан дема, ҳар узвининг андомини.

Ҳазл китоби киби хаттида зеб,
Маъни анга фаҳшу, фусуну фиреб.

Шуъбадагар шишасидек тоши соф,
Зимнида юз макр ила зарқу газоф.

Бу эса ошиқ, эрур ўлтургулук,
Бошдин-аёқ жисмини куйдургулук.

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Ўзлугидин ишқ ани пок етиб,
Балки фано ўтиға хошок етиб.

Дард ёшурмоқ юзин айлаб санғ,
Ашк оқизмоқ кўзин айлаб ариғ.

Тор киби заъф тани зорида,
Ҳар бўғуни бир гириҳ ул торида.

Орқасидин ишқки, юз ғам ўкуб,
Ҳар гириҳи бир ғам аёғин тугуб.

Дард юкидин бўлубон хам қади,
Дарддағи «дол» анинг ҳамқади.

Чарх киби жисми саросар туган,
Меҳнати шомиға тонуқ ҳар туган.

Кўкси шикофи бўлуб оташфишон,
Шорн балосиға саҳардин нишон.

Кўнглакига тоза тугандин ўрун,
Хирқаи идбориға теврук йўрун.

Ғайр хаёлин чиқориб жонидин,
Мамлу етиб жонини жононидин.

Нуктада мойил тили ҳар сўзга йўқ.
Жонида жонон ғамидин ўзга йўқ.

Кўзда кўруб ёр юзи ҳайрати,
Куйдурубон кўнглини кўз ғайрати.

Кўнглидаги ёр ғами рашкидин,
Қон тўкубон ҳар сари кўз ашкидин.

Қойси тарафким, анга бориб назар,
Дўст жамоли бўлубон жилвагар.

Балки бўлуб ўзлуги ҳам бартараф,
Кўзки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.

Ким бу сифат ишқда мағлуб эрур,
Ҳарнеки андин келур, ул хўб эрур.

Ишқ ангаким, бўйла нишаст айлагай,
Ўзлугидин фориғу маст айлагай.

Зуҳд ҳарими сори хос ўлмасун.
Ишқ ўтидин жони халос ўлмасун.

Гар йиғилиб аҳли саломат анга,
Айласалар зажру маломат анга,

Ваъдаи жаннат била овутсалар,
Ишқ ўтидин кўнглини совутсалар.

Муртад ўлуб айласа тоат яна,
Тақво ила қилса қаноат яна.

Қилса бало захмлари чораси,
Бутса ано ўқларининг ёраси.

Тан қушиға хирқани дом айласа,
Донаи тасбиҳ ила ром айласа.

Хилват аро топса юбусат димоғ,
Касби ҳаво қилғали истаб фароғ,

Қилса гузар кўю Хиёбон сон,
Ўтса Мусалло била Майдон сори.

Даштда отлиғ кўрунуб хайл-хайл,
Зоҳир етиб борчаси жавлонға майл.

Ногаҳ ўшуи хайл аро қотилваше,
Ҳусну малоҳат майидин сархуше,

Юз гул очиб май ўти рухсоридин,
Зоҳир алардин бири дасторидин.

Ҳусни ўти шуъласи гулзор ўлуб,
Ҳар сори гулзорида гулнор ўлуб.

Хол неким, даф қилурға газанд,
Ўтида кўз мардуми ҳар ён сипанд.

Қошлари ой узра муанбар ҳилол,
Ақлни девона қилиб ҳар ҳилол.

Йўққи, улус қатлиға ул қошлар,
Машварат етмакка қўшуб бошлар.

Ҳусн зуҳурида гириҳ қошида,
Зеб учун ул шамраки, «нун» бошида.

Сунбули зулфи гириҳ узра гириҳ, .
Қайси гириҳким, зириҳ узра зириҳ.

Сафшикан.ул турки баногўш ўлуб,
Қатл хаёлиға зириҳпўш ўлуб,

Ноз ила ўтлуғ кўзи ҳар ён боқиб,
Зуҳду вараъ хирманиға ўт ёқиб.

Дуди ул ўтнинг сафи мижгон аро,
Чун етибон борчасин айлаб қаро.

Сурмасиз ул кўз қарову пурфусун,
Ондин ўлуб кўзга жаҳон сурмагун.

Лаълида хай қатраси ғалтон томиб,
Йўққи бақо чашмасидин жон томиб.

Хаттини ҳар сори ҳаёт аҳли бил,
Хизрлар ўлғон зулумот аҳли бил.

Қатралар ул ғабғаби дилхоҳ аро,
Чашма суйидин сизиб ул чоҳ аро,

Ҳар сари мўйи чекибон жон рагин,
Кофири зулфи узуб имон рагин.

Ҳуллаи гулранг била қомати,
Сарвки гул ўлғай анинг хилъати.

Тунд саманди кўрунуб барқфом,
Суръати сайр ичра бўлуб барқгом.

Куймаку ашк ўлса не тонг элга фош,
Маркаби барқ ўлсаву рокиб - қуёш.

Гулдек этак санчибу пероҳани,
Тўн этагидин кўрунуб савсани.

Ёғлиғи нақшики, бўлуб гул нишон,
Савсану гул узра бўлуб гулфишон.

Гулники дастори уза банд этиб,
Сарву сапидор уза пайванд этиб.

Бу не намудори жамил, эй кўнгул,
Балки гулистони Халил, эй кўнгул.

Куйдурубон ақлни чобуклуги,
Титратибон руҳни нозуклуги.

Бўйла балолар била жавлон аро,
Этса киши бошиға майдон аро,

Туфроқ ўлурдин топа олмай амон,
Рахши аёғида замину замон.

Девнажодики, қаён гом олиб,
Йўққи башар, хайли малак қўзғолиб.

Устидаги қотили чобуксувор,
Ўлтурубон халқни девонавор.

Ул дам агар Шиблию Зуннун эрур,
Бир неча ошуфтаи мажнун эрур.

Дин чекибон мотамига хой-хой,
Пири хирад тифлдек ангуштхой.

Рухул-амин ул сори чун боқибон,
Оғзидин онинг шўлакай оқибон,

Онда не ақл, элга не тақво бўлур,
Тақво ила ақл деган не бўлур.

Кўрмаган эл топқай ул ўтдин амон,
Кўрмагу, кул бўлмоқ эмас ҳам, ямон.

Ўтқа тушуб пок бўлур кимки ғаш,
Покроқ ўлғай ўт аро покваш.

Кимки бу куймак анга одат дурур,
Дунёю укбода саодат дурур.

XXXIX

Шайхи Ироқий Шомда ҳусн шамъи гулин кўргач, парвонадек туташкони ва шуъласи инкор тиконларин куйдуруб, мункирлар бошиға ошкони

Улки фано кўйида боқий эди,
Фахри замон Шайхи Ироқий эди.

Кўнгли анинг маҳзани асрори ишқ,
Нутқи анинг абри гуҳарбори ишқ.

Ишқ ўтидин анга мухаммар сиришт,
Ишқ хуруфидин анга сарнавишт.

Лек бу ишқ ўтини даъво била,
Ёпиб эди пардаи тақво била.

Миср неча вақт анга эрди мақом,
Субҳидаме қилди қўпуб азми Шом.

Воли эди Шомда бир тахтгир,
Ўйлаки тун мулкида бадри мунир.

Англадиким, Шайх келур ул тараф,
Билди ўз аҳволиға они шараф.

Айлади хукм ўйлаки, яхши-ямон,
Чиқсун анга ўтру эшитган замон.

Ўзи доғи волийи кишварпаноҳ,
Чиқти ёпиб чархни гарди сипоҳ.

Шайхга ул хайл чу ёвуштилар,
Борчаси маркабларидин туштилар.

Йўли уза борча қўюб бошини,
Гардга мониъ қилибон ёшини.

Бор эди волиға бир андоқ ўғул,
Ким анга юз Миср шаҳи эрди қул.

Лутфу малоҳатда жаҳон офати,
Дема жаҳон офати, жон офати.

Шом саводида махи анвар ул,
Миср Элига юсуфи пайғамбар ул.

Мулки араб ичра ажабдин-ажаб,
Волих анга ҳам ажаму ҳам араб.

Миср диёри аро хабби набот,
Шом саводида худ оби-ҳаёт.

Шайх кўзига чу кўрунди ул ой,
Қўйди аёғиға юзу, чекти вой.

Чок этибон хирқаи иршодни,
Узди чекиб субҳаи авродни.

Шайхга туфроқ олубон хайлу шоҳ,
Лек бўлуб Шайх анга хоки роҳ.

Ишқ ароким Шайхга ул хол ўлуб,
Ҳайратидин келган улус лол ўлуб.

Ишқки ҳар шойибадин пок эрур,
Ҳар неки қилса киши не бок эрур?

Шайхниким ишқ ўти қилди халок,
Шуъласи ул хайлни куйдурди пок.

Ўти кўнгулларга хабар айлади,
Охи бағирларга асар айлади.

Титрабон ўртанмагидин бўлди фош,
Поклиги элга нечукким қуёш.

Воли ичидин урубон ўт алам,
Шайх мурид бўлубон ўғли ҳам.

Ишқда пок ўлса киши бу сифат,
Хосият ўлур бу сифат оқибат.

Ҳусни хақиқийни гар ўтруда кўр.
Хоҳ ани кўзгудау, гар суда кўр.

Чун ғараз ул ҳуснға бўлди шухуд,
Кўзгуву сувға арода не вужуд,

Мунда киши қайдаву бебоклик,
Мумкин эмас ишқда жуз поклик.

Ишқ сени қилса, Навоий, халок,
Пок эса ул ишқ ўлумдин не бок.

Соқий, ўлубмен, менга тут жон суйи,
Софию пок, ўйлаки ҳайвон суйи.

То ёқаву кўксум этиб чок ичай,
Ҳар нечаким бўлса тўла, пок ичай.

XL
ЎНУНЧИ МАҚОЛАТ

Ростлиқ таърифлдаким, вужуд уйи бу туз сутун била барпой. Ва ул уй

шабистони ҳаримида бу шамъи анвар мажлисорой бўлур. Ва егрилик нафйидаким, агар эгри киши зулфдек симбарлар юзида ер тутарким, боши кесгулук. Ва агар аждаҳодек ганж устида халқа урарким, ўлтургулук

Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх, не андешаси?!

Ўққи, туз ўлди таярони анинг,
Бўлса ер эгри, не зиёни анинг?

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,
Хамлиғидин тушса йироқ йўқ ажиб.

Най туз учун истар ани аҳли хол,
Чун туз эмас, эгри кўрар гўшмол.

Найза бўлуб тузлугидин сарбаланд,
Чирмош учун бандға қолиб каманд.

Шамъ бўйи туз келиб айвон аро.
Шоҳиди базм ўлди шабистон аро.

Эгри учуш бирла чу кўп айланиб,
Қайдаки парвона бориб ўртаниб.

Сарвким, ул тўғри чекиб қомафин,
Кўрмайин осиби хазон офатин.

Чирмашибон сунбули тар боғ аро,
Эгрилик онинг юзин айлаб қаро.

Туз дурур эгри қили то соз эрур,
Эгри бўлур эмдики, носоз эрур.

Бўлди чу мистар хатиға туз рақам, .
Бошини олмас рақамидин қалам.

Бир хати гар эгри тушар бир нуқат,
Нусхада ҳар сафҳададур эгри хат.

Қайси пари пайкари хури нажод,
Балки анга хуру пари хоназод.

Ким ўт эрур чеҳраи гулранг анга,
Даҳрни куйдургали оҳанг анга.

Гул уза ҳар хай гуҳари ноб ўлуб,

Балки бу хайдин гули сероб ўлуб.

Ҳар сари мушк узра хати мушксуд,
Хай нами зоҳир қилиб ул ўтға дуд.

Олғали эл кўнглини лутфи мизож,
Ўт била сувға берибон имтизож.

Бўлса латофат нечаким, они бор,
Ҳусну жархол ончаки, имкони бор.

Лек эмас бўлса қади сарфароз,
Бўлмаса гулзори аро сарви ноз.

Чекмаса туз сарви хиромонини,
Отмаса туз новаки мижгонини.

Ўйнамағай жонини ҳар зор анга,
Бўлмағай эл кўнглф гирифтор анга.

Тузмаса меҳробини аҳли ниёз,
Эгри боқиб рост эмасдур намоз.

Ростқалам халқ эрурлар салим,
Эгри дурур хатки, эмас мустақим.

Ростдур ул ким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.

Бўлса илик эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар.

Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати.

Бирдин ўгун чун нима мавжуд эмас,
Кўрган ани икки эрур ширку бас.

Улки Сулаймон эди оти анинг,
Баҳри нубувват дури зоти анинг.

Салтанати даҳр уза маснаднишин,
Салтанати бирла нубувват қарин.

Қабзаи хукмида жаҳон кишвари,
Амриға инсон киби деву пари.

Фарши саропардаси ёзи ёбон,

Қуш паридин боши уза соябон.

Сахни ҳавода тўшалиб мафраши,
Азмда эл хайли жанибаткаши.

Деву пари зумраи одам била,
Тобии амри эди хотам била.

Кимки эрур қайсару хоқони ахд,
Қайсару хоқон не, Сулаймони ахд.

Тахти уруб поя сипеҳр авжиға,
Тожи солиб сояни меҳр авжиға.

Боргаҳи торами ахзар киби,
Хайли бу торам аро ахтар киби.

Жам била Заххокча жоҳи анинг,
Икки Скандарча сипоҳи анинг.

Хайлу табаъ Ҳурмузу Хусрав анга,
Мулки Сулаймонча қаламрав анга.

Лек Сулаймонға нечукким замон,
Хотам ила хукм этиб эрди равон.

Анга доғи гардиши чархи барин,
Салтанат ичра бериб андоқ нигин.

Ул нимаким, ҳар киши хонлиқ топиб,
Ҳукми анинг бирла равонлиқ топиб.

Хатдин ўлуб анда доғи бу шараф,
Хатти бўлуб гавҳару, хотам - садаф.

Турфа буким, хаттин анинг рўзгор
«Ростиу русти» этиб ошкор.

Қилмаса бу мухр хати ёрлиқ,
Шоҳға йўқ ғайри гирифторлиқ.

Тузлук ўлуб охир анга дастгир,
Тузлук ила халқ анга фармонпазир.

Ҳар кишиким истаса тузлукка ғавр.
Англадик ониким, эрур икки тавр:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,

Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи;

Бир буки, ёлғонға таассуф била,
Тўғри дегай сўзни такаллуф била.

Яхшидир аввалғиси худ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ёмон.

Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам,
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам.

Турфа замон аҳлиға биз мубтало,
Ким йўқ алар оллида чиндек бало.

Кимки қилур чинлик алардин ҳавас,
Қошлари устида топар чину бас.

Буки эрур куфр элининг мулки Чин,
Кўрким, эрур ғайрати хулди барин.

Лек бу чинликки, Ҳақ этмиш ато,
Кўрки лилус оллида улдур хато.

Улки хато сўзига ойин эрур,
Заъмида улким, бу хато чин эрур.

Кимки бу давронда қилур ростлиқ,
Йўқтур иши ғайри каму костлиқ.

Давр чу кажликка қилур иқтизо,
Сен тиласанг рост, эмастур ризо.

Туз иши йўқ гунбади давворнинг,
Ким хати туз келмади паргорнинг.

Ул кишиким, тузлук эрур шон анга,
Душман эрур гардиши даврон анга.

Хомаки, тузлукка эрур раҳнамун,
Кесилибон боши бўлур сарнигун.

Тузлук ила чун «алиф» урди сало,
Кўрки они остиға олмиш бало.

Туз чекилур боргаҳ узра таноб,
Кўрки эрур бошдин-аёқ печу тоб.

Тузлук ила чунки шихоб урди гом,

Ўртади ўт бошдин-аёғин тамом.

Келди йилон жисмида печу шиканж,
Мухрадур оғзидаву остида ганж.

Эгрилигидин кўрунур янги ой,
Андаки бўлмиш қадами чархсой.

Мунчаки чирмош била дастордур,
Бош уза чиқмоққа сазовордур.

Йўқ-йўқ, эмас бўйлаки қилдим рақам,
Балки эрур барчаси сахвул-қалам.

Эгрию туз васфи мухаққақ дурур,
Ботил эрур эгрию туз хақ дурур.

Шамъки, тузлук била масрур эрур,
Гарчи куяр боштин-аёқ нур эрур.

Барқки, эгрилик ўлубтур хўйи,
Гарчи ёрур, лек борур ер қуйи.

То ража чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда жангал ҳамон.

Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

Неча мусаттах эса кўзгу юзи,
Туз кўрунур шоҳиди маҳрў юзи.

Худ юзи гарчи мусайқал дурур,
Гирди узор анда мутаввал дурур.

Туз кўрунур меҳр чу турғон суда,
Эгри бўлур уштурак урғон суда.

Боштин-аёқ кимсаки, туздур сўзи,
Ёки бўёлғону ёвуздур сўзи,

Ул доғи бу иккиси беихтиёр,
Кимсага тақдир аро не ихтиёр.

Улки хабибим деди Холиқ ани,
Дерлар улус мухбири содиқ ани.

Чунки анинг борча сўзи хақ дурур,

Ўтрусида эл сўзи «саддақ» дурур.

Қайсихабиб улки, фалак-хокидур,
Сидрау тўби - хасу хошокидур.

Истаб анинг динини билгач яқин,
Уммат ўлурни русули мурсалин.

Сидқ ила урғонда сало уммати,
Ойтти «Каззобуна ло уммати.

Қолса азоб ичра бори коинот,
Бордур анинг уммати аҳли нажот.

Балки чу тортиб алами эхтидо,
Истабон умматлиғини анбиё.

Кизб кетурган тили ё килкидин,
Хориж этиб ўзни русул силкидин.

Сахв ила ёлғон демак эрмас ҳисоб,
Билгач ани чунки қилур ижтиноб.

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмофл демак.

Нечаки жахд айласа козиб киши,
Бир-икки даст илгари борғай иши.

Ғофил эса халқ бу аҳволдин,
Воқиф эрур Тенгри худ ул холдин.

Элга неча маҳфи эса бу сифат,
Зоҳир этар ёлғон ўзин оқибат.

Кизб қилур бурноғи субҳ ошкор,
Нурини кўрким, нечадур пойдор.

Кимсага ҳар шевада қаллоблиқ,
Андин эрур яхшики, каззоблиқ.

Ҳар киши онт ичти шарорат била,
Кизб эса даф ўлди кафорат била.

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб, дер эл, чин деса, қолғон сўзин.

Ранжға солғон бу хасорат они,

Айламас озод кафорат они.

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,
Бу от ила чорласалар ўзу ёт,

Сидқ хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса ҳам, халқ инонмас анга.

Кимки чини эл аро ёлғон дурур,
Ёлғони чинликка не имкон дурур?

Неча зарурат аро қолғон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

XLI

Дурржнинг ёлғонни чин ўмиға айтуридин ҳодиса домиға тушгонида, чин сўзин шер ёлғон соғиниб, фарёдиға етмагони ва ани бало домидин халос этмагони

Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Ваҳшат аро кўк асадидек далер.

Чун бўлур эрди болалаб завқнок,
Мўр боласин қилур эрди халок.

Тишлабон ул мояи пайвандини,
Оғзида асрар эди фарзандини.

Бор эди дурроже ўшул бешада,
Шери жаён ваҳмидин андешада.

Шерки тишлаб боласин дам-бадам,
Бешада ҳар ён қўяр эрди қадам.

Этгач анинг боши уза ногаҳон.
Фар эта учса эди ул нотавон,

Ваҳм ила сесканмак эди шер иши,
Ўлтурур эрди боласиға тиши.

Тиш била айлаб боласи ёрасин,
Ёра этиб ўз жигари порасин.

Доим анга бу ғам аро ғам эди,
Ғам неки, мотам уза мотам эди.

Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлиқ,
Бошлади дуррож била ёрлиқ.

Дедики, мэндин санга йўқ қасду кин,
Емин ўлу бил мени доғи амин.

Ваҳмни қўй, ҳамдаму ҳамрозим ўл,
Айшу тараб вақти навосозим ўл.

Мен доғи лахнинг эшитиб шод ўлай,
Нағманг ила қайғудин озод ўлай.

Шарт буким етса газанде санга,
Солса фалак хиласи банде санга.

Лутф қўлин холинга ҳамдаст этай,
Хасмни сарпанжа била паст этай.

Кўргузуб ихлос ишида ихтисос,
Сени адув домидин айлай халос.

Шер кўп афсун била чун қилди жахд,
Сидқ ила дуррож доғи қилди ахд.

Андоқ аро ерда аён бўлди меҳр,
Ким хасад элтур эди андин сипеҳр.

Қайдаки ором тутуб шарза шер,
Гирдида дуррож учубон далер,

Бошиға парвоз ила гардишнамой,
Ўйлаки султон боши узра ҳумой.

Шер эшитиб анинг илхонини,
Фаҳм қилиб савтида ёлғонини,

Дер эди, ёлғон демаким шум эрур,
Кизб туз эл оллида мазмум эрур.

Панд эшитмас эди дуррожи маст,
Кизбдин этмас эди афғонни паст.

Бир кун анинг қасдиға бир сайдгар,
Ҳодиса домин ёйиб эрди магар.

Дона била сув сари қилғоч хиром,
Тортти сайёд анинг устига дом.

Қичқирибон дом аро ул мубтало,
Неча деди, «Тот! Мени туттило!»

Шер қулоғиға етиб ул мақол,
Савтини доимғидек этти хаёл,

Кўп эшитиб эрди бу ёлғонини,
Ўйла гумон этти чин афғонини.

Ҳар нечаким рост фиғон айлади,
Сидқини ҳам кизб гумон айлади.

Маҳласиға айламади илтифот,
Токи анга мунқатиъ ўлди ҳаёт.

Ҳар кишиким ростни бехост дер,
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмаға тахсин дегил.

Соқий, олиб кел қадаҳи дилпазир,
Айла мени журъасидин шергир.

Базмнинг асбобини қилғил насақ,
Ҳозир этиб сиху кабобу табақ.

XLII
ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛАТ

Илм сипеҳрининг баланд ахтарлиғидаким жаҳл тунини ёрутмоқ учун «айн»и қуёшдин ва «лом»и ойдин ва «мим»и кундуздин нишона айтур. Ва жаҳл шоми тийра манзарлиғидаким, ғафлат чоҳини залолат кечасида зоҳир қилиб, бу кечада шақоватдин фасона айтур. Ва олимнинг бовужуди фалокат қуёшдек сарбаландлиғи ва жоҳилнинг бовужуди ганжу мол туфроғ аро нажандлиғи

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хор дурур олиму, жоҳил - азиз.

Токи жаҳон зулмни қилмиш писанд,
Ерга тушар мева, йиғоч сарбаланд.

Разлға - риф ат, билик аҳлиға - ранж,
Тоғ уза хорову, ер остида - ганж.

Феъли ёмон топса рафеъ айлабон,

Ҳукмиға оламни мутеъ айлабон.

Ўйлаки Кайвони нухусатшиор,
Ким еридур гунбади нилий хисор,

Невчун эрур Муштари ондин қуйи,
Қилмаса яхшини ёмондин қуйи.

Яхшиға андин ғаму озор эрур,
Боғда гул ҳамнафаси хор эрур.

Улки садафдек неча тиражабин,
Тўлдурубон қўйниға дурри самин.

Кимки бўлур дур киби софию пок,
Айлабон олмос ила бағрини чок,

Қулла қотиғлиққа чу боғлаб камар,
Тиғи бўлуб чеҳрахароши қамар,

Лаълдек улким, гуҳари пок ўлуб,
Кўхи бало остида ғамнок ўлуб.

Бўлди кемур хиндуи оташпараст,
Маснади ёқут уза топти нишаст.

Ўт-ки аён қилди гули оташин,
Кул узадур хоки мазаллатнишин,

Ким анга ҳам асл ёмон, ҳам қадам,
Тож ила товус киби муҳтарам.

Улки сўзига бўлуб озода қул,
Тўтийи гўё киби бўйнида ғул.

Қушки боғир ёрмоқ ўлуб ком анга,
Шоҳ илиги устида ором анга.

Улки чекиб нағмайи дилкаш хазор,
Кул ичида гулханию хору зор.

Ҳар киши Замзам суйидин келтуруб,
Гандарабон шишада баским туруб.

Майки тўлуб фисқ била жом анга,
Ҳар лаби майгун лабидин ком анга.

Кўктаки, кўзгудек ўлуб нуру тоб,

Ёпиб они оҳ тафидек саҳоб.

Тун кулидин айлабон ойинаранг,
Ой юзи чун шабнам ила топти занг.

Ҳарзарав ўлди кўпалак қахбавор,
Ҳулла дурур жисмида нақшу нигор.

Дард ила парвона тутуб тунни пос.
Жонида ўт, жисмида эски палос.

Зулм дурур ушбуки, бир нотавон
Илм тилаб шаҳридин ўлғай равон.

Айни фалокатдин аёғи яланг.
Тўни йўқидин тани доғи яланг.

Тевраб аёғини анинг ҳар тикан,
Ҳар тикан устида мукаррар тикан.

Ўқ аро дунболаи пайкон киби,
Хор ичинда алиф ўлғон киби.

Ески сепечи бошида кулгулук,
Дом киби бошдин-аёғи тилук.

Тойири мақсуд тилаб ком ила,
Донаи ашки доғи бу дом ила.

Эгнида авроқу китоби анинг,
Қилғали таҳсил шитоби анинг.

Қушдек ўлуб сайр муяссар анга,
Эгнида авроқи бўлуб пар анга.

Оч этибон қорнини муҳтожлиқ,
Туъмаға муҳтож этибон очлиқ.

Жисмини чун заъф этиб андоққи нол.
Хома киби тил чекиб, айлаб савол.

Ҳарне етиб, қониъ ўлуб йўл юруб,
То ўзин ўз мақсадиға еткуруб.

Мақсади бир хиттаки кўрмай ўзи,
Тушта доғи кўрмайин они кўзи.

Халқ кўпу йўқ бири ёри анинг,

Кўздин учуб шаҳру диёри анинг.

Кўча кўпу эв кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким, қаён урғай қадам.

Ғурбат ўти кўнглига кор айлабон,
Жонини ёлғузлуғи зор айлабон.

Сайр этиб ақшомғача бетўшае,
Чун бўлуб ақшом тутубон гўшае.

Заъф ила ҳуши ўзига келмайин,
Тонгғача уйқу кўзига келмайин.

Тонгла қилиб сайр мадорис аро,
Мадрасалар ичра мажолис аро.

Қайдаки ўз холини таъвил этиб,
Ким эшитиб хазл ила тажхил этиб.

Сарф этибон умр ҳавои варақ,
То олибон сарф ҳавои сабақ.

Не топилиб кундуз анинг маскани,
Не билиниб кеча анинг маъмани,

Ғурбат аро холи ёмондин ёмон,
Ҳарне йўқ ондин ёмон, ондин ёмон.

Ажз бўлуб тил иши тақриридин,
Ўйлаки хома тили Таҳриридин.

Бўйла ғаму меҳнати даврон чекиб,
Ўну ўн беш йил югуруб, жон чекиб,

Мадраса кунжини ғамобод этиб,
Тонгдин оқшомғача фарёд этиб,

Бўйла минг эмгакдаги бечорадин,
Ўз ватану мулкидин оворадин.

Баъзи ўлуб,. баъзи итиб ҳар тараф,
Баъзи этиб доиясин бартараф.

Оз иш ила баъзи этиб иктифо,
Баъзи ўзига тутубон кўп жато.

Эврулубон доираи моҳу сол,

Зоҳир ўлуб бир-ики соҳибкамол.

Қарн ила даврон топибон иқтирон,
То бўлубон бир киши соҳибқирон.

Кўнгли бўлуб маскану маъвойи илм,
Қатра киби пайкари дарёйи илм.

Ибрию юнонию сурёни ҳам,
Ҳинди агар сўрса, билиб они ҳам.

Кўнгли уйин илм этибон бир жаҳон,
Қатрада ул навъки дарё ниҳон.

Нутқики изҳори маони қилиб,
Зевариасрори ниҳони қилиб.

Чун тўкубон хома шақидин қаро,
Оби ҳаёт ул зулумоти аро.

Нусха саводи зулумоти анинг,
Маъни ўлуб оби ҳаёти анинг.

Мушкили афлок бўлуб бежадал,
Бу Алийи фикрати оллинда хал.

Жумла рақам килкига марқум ўлуб,
Борча улум оллида маълум ўлуб,

Дин ишида жаҳлу ҳаво дофии,
Ўйлаки Ғаззолий ила Шофии.

Йўққи бу иснайн ани солис дебон,
Балки наби ўзига ворис дебон.

Гарчи фалакдин топибон ҳар камол,
Лек фалокат ҳам анга баркамол,

Шорн етиб чоштға, йўқ ком анга,
Чошт муяссар эса, йўқ шорн анга.

Турфа буким, жоҳили қотилваше,
Кўрмаги нохуш, демаги нохуше,

Дину диёнатда йўқ ойин анга,
Бал на диёнат анга, не дин анга.

Эл киби совурмоғу нохушлиғи,

Ўт киби куйдурмагу саркашлиғи.

Босира шамъин ўчурурдек карих,
Ақл ҳаёсин кетарурдек сафиҳ.

Олам аро қаҳри Илоҳий бўлуб,
Хулқ ила халқ - икки гувоҳи бўлуб.

Қатл бўлуб одату хўйи анинг,
Марг раги ҳар сари мўйи анинг.

Ботинида дуд киби тиралиқ,
Зоҳирида шуъла киби хиралиқ.

Дунлиғидин ит била яксон бўлуб,
Бал ит анинг қошида инсон бўлуб.

Турфароқ улким, бу жахолат била,
Жалилни қўй, мунча разолат била,

Чарх ани соҳиби жоҳ айлабон,
Тобиъ анга хайлу сипоҳ айлабон.

Ўт киби ҳар нечаки саркаш бўлуб,
Хилъат анга хуллаи заркаш бўлуб.

Гарчи йилондек зарари ом анга,
Ганжи Фаридун уза ором анга.

Неча тикон янглиғ этиб тезлик,
Тонг елидин бошига гулрезлик.

Қатл ишига гарчи қиличдек самар,
Айлаб ани шоҳ мурассаъкамар,

Неча санам холи киби тира дил,
Жилваси гул барги уза муттасил.

Шанъати ҳар неча дегандин узун,
Лек бўлуб хашмати андин фузун.

Ул бид ул фазлу фасоҳат била,
Бу бири бу феъли қабоҳат била.

Турфароқ улким, мунга бир эътибор,
Ким юз анингдекни қилиб хору зор.

Мунунг отин халқ амир айлабон.

Элни бу от бирла асир айлабон.

Анга мунунг хизмати лозим бўлуб,
Балки эшигида мулозим бўлуб.

Кўр не малаквашни қилиб нафси
дун, Деви лаин оллида хору забун

Гарчики ўн қатла тараддуд қилиб,
Ҳожибу дарбони ташаддуд қилиб.

Оллида бир қатла бўлуб бор анга,
Рўзи ўлуб давлати дидор анга.

Сўрғали чун бекка таназзул бўлуб,
Хожа дуосиға тасалсул бўлуб.

Чунки дуо хатмини айлаб қўпуб,
Уйга азимат қилибон ер ўпуб.

Баст қилиб бехуд ўзу ёт ила
Мажлис этиб шархи мубоҳот ила.

Тенгри учун, кўрки, бу не хол эрур,
Шаммаи таърифида тил лол эрур.

Ул не тафаръун, бу не накбат бўлур,
Ўрталарида бу не суҳбат бўлур.

Жоҳил агар улдуру олим будур,
Олим эмас ўзига золим будур.

Илми кирн воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

Олим агар жон учун ўлса залил,
Илмни анинг жаҳлиға бўлғай далил.

Илм ила ким жоҳға майл айлабон,
Баҳр суйин хайға туфайл айлабон.

Итки эрур жифада мақсуд анга,
Бўлса мурассаъ жули не суд анга?

Дунки топиб илм раёсат учун,
Хилъат этиб хулла нажосат учун.

Олим агар қатъи амал айласа,

Илмиға шойиста амал айласа;

Солмаса кўз жифаи дунйи сари,
Боқмаса туз дунйии фони сари.

Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳарне десанг они бил.

Кон ўзию юз сари гавҳар анга,
Чархида ўзию ҳар тараф ахтар анга.

Конида гавҳарлари ҳам барча пок,
Чархида ахтарлари ҳам тобнок.

Кимки, бу иқбол анга бўлғай насиб,
Солмаса дунйи сари кўз, не ажиб.

Эгнида гар хирқаси юз чок эрур,
Гулга тўни йиртуғи не бок эрур.

Кунгаки урёнлиқ эрур зийнати,
Тира бўлур, бўлса булут хилъати,

Хушроқ эрур шаҳд кадудин йироқ,
Мушк агар нофаси йўқ яхшироқ.

Ер кишига хилъат ила не шараф,
Дурға не нуқсон йироқ ўлса садаф.

Қайси чибин кисвати заркордур,
Ери дурур қайдаки мурдордур.

XLIII

Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ аро ҳаммомда ошнолиқ шамъи ёруғони ва имом сўзидин султоннинг истиғнодин илик юғони

Зумраи роз аҳлиға маснаднишин,
Даҳр имом ул-умами фахри дин.

Қилди чу Хоразмни оромгоҳ,
Кўрмагига келмади Хоразмшоҳ.

Сўрғали ул чунки қадам қўймади,
Илм шукуҳи муни ҳам қўймади.

Шаҳни пушаймон қилиб эрди уёт,
Лек имом айламади илтифот.

Бўлди басе пардада гуфту шунуд,
Парда чу қўпмади ародин не суд.

Бор эди ҳаммомда бир кун имом,
Шаҳ доғи ҳаммомға қилди хиром.

Бир-бири бирла бўлубон мухталит,
Шоҳ савол этди бўлуб мунбасит:

«К-ей, бўлуб эл илминг ила баҳравар,
Айт қиёмат ишидин бир хабар,

Ким неча уи кунда малол ўлғуси,
Ҳар кишига анда не хол ўлғуси?»

Шоҳ чу бу нуктани қилди савол
Бўйла жавоб айтди соҳибкамол:

«Ким сангаким хашр сўзи ком эрур,
Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.

Анда гадо шаҳ била яксон бўлуб,
Шоҳу гадо борчаси урён бўлуб.

Жоҳу жалол аҳли санингдек бори,
Ичкарию бору йўқи ташқори.

Илму амал аҳли менингдек тамом,
Ҳарне йиғиб, ҳамрах этиб вассалом.

Йўқ санга султонлик ила суд кўп,
Лек манга илм ила беҳбуд кўп».

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Соқий, ўшул бодани тутқил мудом,
Ким кўрубон саждаға тушгай имом.

Ичса киши бўлғай анга хоки роҳ,
Айтма Хоразмки, Хоразмшоҳ.

XLIV
ЎН ИККИНЧИ МАҚОЛАТ

Қалам шаққининг гуногунлуғи ва аҳли қалам шиққининг буқаламунлуғи ва қайси хутут китобатиға шуруъ қилмоқ аъмол номасиға мужиби қаролиқдур ва котибга хатти мубталолик ва қайси хуруфқа ружуъ қилмоқ сахифаи рухсорға мужиби оқлиқ дурур ва роқимға сафид авроқлиқ

Ул не ажаб пайкари матбуъ эрур,
Ким уни хуш, диққати маснуъ эрур.

Нўги нукат нақши нигорандаси,
Тирноғи мистар раги хорандаси.

Қушдек ўлуб вазъу намудор анга,
Нукта сочиб ҳар сори минқор анга.

Туъмаси зулмат, ватани нур уза,
Мушк сочиб сафҳаи кофур уза.

Чобуку мавзун ҳарокоти анинг,
Учқали йўқ лек қаноти анинг.

Қуш демагил, айт муанбар йилон,
Дема муанбарки, фусунгар йилон.

Шоҳид анга жилвада парронлиғи,
Илиг-аёғнинг доғи пинхонлиғи.

Тил узотиб, фош ўлуб ондин фусун,
Даҳрда ким кўрди йилондин фусун?

Дема йилон, аждар эрур ганжсанж,
Музмар анинг жавфида юз турфа ганж.

Дуд чиқиб оғзидин аждар киби,
Дуди аро ҳар шаба гавҳар киби.

Аждар эмаским, эмас аждар салим,
Балки дегил они, асойи Калим.

Йўқса, недин ютти жаҳон сеҳрини,
Балки маонию баён сеҳрини.

Не тан аро бўлди захомат анга,
Не бу захоматда вахомат анга.

Дема асо, балки ани хома де,
Нўгин анинг нақшгари нома де.

Хилқати ҳар халқдин аввал бўлуб,
Васфи калом ичра мусалсал бўлуб,

Арш уза Курси бўлубон жойгир,
Курси уза Лавх иқоматпазир.

Лавхда ҳар нақшки, бўлмиш рақам,
Ёзғучи бир-бир қалам ўлмиш, қалам.

Мунча шарафким, анга мавжуд эрур,
Котиби мақбул ила мардуд эрур.

Мақбулу мардуди эрур неча хайл,
Ким бориси қилди китобатға майл.

Аввал эрур котиби дорулқазо,
Иш анга ношаръға бермак ризо.

Шоҳиди одил анга ёлғон тонуғ,
Тухмат этарга дирам олғон тонуғ.

Зоҳир анинг хоини мутлақлиғи,
Ҳақ киби равшан бари ноҳақлиғи.

Килк учин итиклик ила неш этиб,
Сидқу диёнат юзини реш этиб.

Ноҳақ учун ёзиб узун можаро,
Ўз юзидек сафҳани айлаб қаро.

Борча хиёнатни диёнат билиб,
Борча диёнатда хиёнат қилиб.

Банда қилиб чун тузуб ифсодни,
Сарв била савсани озодни.

Бермаса Исойи мужаррад дирам,
Ёзиб анинг ақдида тўққуз ҳарам.

Хўша узумким, киши ришват деса,
Куйдурубон боғини жаннат эса,

Ақд халифа қизи хинду била,
Анга сув ичмак бир аёқ су била.

Музд тилаб хужжати кобин учун,
Қайдлар ул сафҳада тахсин учун.

Кимки бу суратқа сурар хомасин,
Билки қороҳтур юзидек номасин.

Сўнгғиси муфтийи хиялпеша бил,
Ҳийла била макр анга андеша бил.

Кўнглида эгри не ғаразким тузуб,
Сурати фатвосида туз кўргузуб.

Кийдурубон журға хур кисватин,
Ҳарна хашан бўлса, хасан хилъатин.

Ҳарза наво ичра қилиб захра фош,
Маҳфи этиб шамъ тубида қуёш.

Риштаи тазвир ўлуб ўзига қайд,
Лек арода мужрим ўлуб Амру Зайд.

"Ло"у "наам" бирла хато ё савоб,
Ёзиб анга "вАллоҳу аълам" жавоб.

Кўрунубон кўзига ул икки кам,
Тортиб алар ширкатиға Ҳақни ҳам.

Сафҳа шабистон киби ороста,
Мухрлар анда махи нокоста.

Лек боқиб, қилса тааммул киши,
Асли хаёлиға тахайюл киши.

Ҳар тараб ичра кўрунуб юз михан,
Ҳар гул ичидин чиқибон юз тикан.

Сарву гиях ўқ ила ништар чиқиб,
Сунбулу гул дуд ила ахгар чиқиб.

«Айн»и шариат бори ғабни бало,
Тузлук ила ҳар хати онинг хато.

Кимки безар сафҳани бу номадек,
Бўйнин анинг узса бўлур хомадек.

Бири яна омили девон бўлуб,
Дев анинг аъмолида хайрон бўлуб.

Шарх этибон исм амалдор анга,
Баҳра қилиб ушбу амал дор анга.

Ул бу амал бирла ичиб жоми май,
Килки сариридин анга лахни най.

Чун амали бирла навосоз ўлуб,
Ул най уни хонабарандоз ўлуб.

Хома учин дуда аро айлабон,
Дудаси оламни қаро айлабон.

Килки улус ўртамагига ўтун,
Ўткариб ул ўти фалакдин тутун.

Ғофил ул ишдан шаҳи давлатпаноҳ,
Давлати аркони бўлуб ришвахоҳ.

Ҳоким этиб мулкка ғоратгаре,
Бузғоли ислом эвини кофаре.

Зулм этиб ул косибу деҳқонға ҳам,
Косибу деҳқон неки, султонға ҳам.

Қайси вилоятғаки, азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон.

Гар худ ул уй соҳиби хофий эрур,
Истари аввал майи софий эрур.

Май била бузғоч қарининг холини,
Шоҳид учун ҳам йибориб золини.

Чахдағи тухм арпасини оти еб,
Уйда товуғларни сурук тоти еб.

Ҳосил ўшул уйга бало дорибон,
Қайси бало, балки вабо дорибон.

Йиғиамоғу оҳ ила афғон солиб,
Ул ёғину ел била тўфон солиб.

Кентнинг арбоби бир-икки авон,
Зулмда бу - хожа, алар - паҳлавон.

Бир-бири бирла бўлушуб ўйла дўст,
Ким кишиким кўрса дегай мағзу пўст.

Дўстқа шаҳ молини сотиб нухуфт,
Борча ўн олтунни бир олтунга муфт.

Сархат алар оллида паррон солиб,
Реза раият уза товон солиб.

Сархат этиб бирга бешу ўн рақам,
Ким Ҳақ анинг илгини қилғай қалам.

Неча ситам қилғучи обод ўлуб,
Борча ситам чеккучи барбод ўлуб.

Бўлсун анинг хомасидек фарқи шақ,
Осилибон жисми нечукким варақ.

Сортқа гатчи бу борур яхшилар,
Турк ила ҳам яхши борур бахшилар.

Гарчики бу неча адад бўлди рад,
Аҳли қабул ўлди бу неча адад:

Аввалидур муншийи гавҳарфишон,
Ким гаҳи ул руқъа ёзар, гаҳ нишон.

Руқъасидин шод асири фироқ,
Номаси худ руқъасидин яхшироқ.

Номасидин тил топибон сўз насиб,
Ўйлаки гул сафҳасидин андалиб.

Сафҳасидин нотиқа кулгу аро,
Тўти ўшул навъики кўзгу аро.

Ҳажр қаро шомида субҳи нажот,
Зулмати фурқат аро оби ҳаёт.

Лек нишон муждаи жони бўлуб,
Айш хати завқ нишони бўлуб.

Зулм аро мазлумға хатти амон,
Золим этиб ваҳм ани кўрган замон.

Наф да ул навъки меҳри мунир,
Қудрат аро ўйлаки чархи асир.

Шакли ҳилол авжида туғро анга,
Лавни шафақ бошида воло анга.

Ҳарнеки бу шевада мактуб эрур,
Қилса тааммул кўпи марғуб эрур.

Улки тариқи битимакдур китоб,
Назм ила наср ўйлаки дурри хушоб,

Нуктаву таъриху ҳикоёт ҳам,
Шеърда ҳам навъи мақолот ҳам,

Турфа ғазал равзаи жаннат мисол,
Турфа ғазал демаки, мушкин ғизол.

Килки қаро риштаға гавҳар чекиб,
Балки кеча ториға ахтар чекиб,

Ой каби юз сафҳаву хат анда хат,
Хол анга ҳар сон мушкин нуқат.

Сафҳалари ҳар бири гулзордек,
Жадвали атрофида девордек.

Кўр нечук ўлғай бу чаман ичра вард,
Дойи чу бор олтун ила ложувард.

Сатрлар анда гулу сарву суман,
Ҳар икки сатр ўртаси дилкаш чаман.

Лафзлар анда гули насрин бўлуб,
Маъни анга меваи ширин бўлуб.

Байтлари ўйлаки Байтул-ҳарам,
Ҳайъати мавзуни саводи Эрам.

Гар бу савод ўлмаса нетгай киши,
Назмин олиб, қай сари кетгай киши?

Улки бу Таҳриру варақ асрағай,
Сахву хатодин они Ҳақ асрағай.

Бу бориси фарз эди, асл ани бил -
Ким кишининг килки узун чекса тил.

Ёзғали оёти Каломи фасих,
Қилғали Таҳрир Ҳадиси сахих

Анда доғи ёзса тафосир ҳам,
Мунда шуруҳ айласа Таҳрир ҳам.

Гаҳ битибон «Тазкират ул-авлиё»,
Гаҳ рақам этса «Қисас ул-анбиё».

Бир нафас «Ихё» била топиб футух,
Жаҳлдин ўлган тан аро берса руҳ.

Қилса «Футухот»ни гоҳи савод,
Топса футухотидин эл юз кушод.

Ёзғали чун олса, хисин «Кимё»,
Топса улус қалб мисин кимё.

Чун «Нафахот» айласа, ёзмоқ қабул,
«Нафхаи унс» этса кўнгулга шумул.

Килки «Шавоҳид» сари бўлса кафил,
Шоҳиди мақсудға бўлса далил.

Бўлса хақойиқ неки чекса қалам,
Ёзса маориф неки ёзса рақам.

Нозири кўнглин чу мунир этса файз,
Роқимининг руҳиға ҳам етса файз.

Кимга бу ишғоли рақам бор эса,
Сиххату ҳуснихат анга ёр эса,

Тенгри насиб айлаб анга шодлиқ,
Берсун улусдин хати озодлиқ.

Хомасини сафҳатироз айласун,
Сафҳасидин сахвни оз айласун.

Ҳар кашишиким, хат аро чекса ул,
Бўлсун анга манзили мақсадға йўл.

XLV

Ёқутнинг ҳуснихат жиҳатидин дарвешу подшоҳ қошида таъзими ортғони ва қаламрав саводининг аҳли ҳурмат рақами анинг саҳифаи ҳолиға тортғони

Боғи фано гулбунида шухра вард,
Улки анга гулшан эди Сухравард.

Нафсу ҳаво девиға бермакка тоб,
Авжи ҳақиқат фалакида шихоб.

Бир кун ўтуб дори хилофат сон,
Ўйлаки Ҳақ раҳмати офат сон,

Мустааъсим-биллах этиб кўп ниёз,
Каъбаға ул навъки аҳли Ҳижоз.

Тахти уза они чиқориб туруб;
Чун они ўлтуртуб, ўзи ўлтуруб.

Дурж бир эрди доғи гавҳар ики,
Бурж биру устида ахтар ики.

Шайх деб одоби тариқатда сўз,
Лек халифа тикибон ерга кўз.

Ҳар ён аёқ устида озодалар,
Демагил озодаки, шаҳзодалар.

Шайхға чун эл сори тушти назар,
Кўзига Ёқут кўрунди магар,

Қўпти равон зоҳир этиб изтироб,
Ҳайрат этиб, қилди халифа хитоб,

К-ей аёғинг туфроғи огоҳлар,
Қуллуғунга фахр этибон шоҳлар.

Қайдин анга бўлди бу олий мақом,
Ким бу сифат айлагасен эхтиром.

Шайх деди: Қайси бийик иззу жоҳ,
Мундин ўтарким, анга бермиш Илоҳ,

Ким бори Мушаф битимакдур иши,
Ўйлаки андоқ бита олмас киши.

Чун қилур ул Ҳақ сўзининг зийнати,
Вожиб эрур бизга анинг ҳурмати.

Билгач ани муршиди огоҳдин,
Ҳукми жулус ўлди анга шоҳдин.

Сурати хат лутфидин ул покдаст,
Бўлди қаламрав шаҳиға ҳамнишаст.

Билки, Навоий, не сўз этсанг рақам,
Ҳақ сўзидин ўзгага ургил қалам.

Соқий, олиб кел майи ёқутранг,
Қуй хати Бағдодгача бедаранг.

Тут манга ул боданиким, қут этай,
Коҳрабо рангини ёқут этай.

XLVI
ЎН УЧУНЧИ МАҚОЛАТ

Саҳобдек нафърасонлар бобидаким, арақи пешони била раёхин зеболари бошисъа гавхарафшон бўлурлар. Ва булут аро барқдек хандонлиқ юзларида пайдо. Ва шабнам тўкулган чинордек обилаи кафи даст била ерга паст бўлғон хасу хошокни сероб қилурлар. Ва чинордек дилсўзлиқлари аҳволларида хувайдо

Эй бўлубон субҳ киби сиймпош,
Меҳринг ўлуб ом нечукким қуёш.

Субҳ киби халқ юзига кулуб,
Чарх киби эл бошиға эврулуб.

Жола киби хора агар ёғдик,
Бошни ниҳон айламайин тоғдек.

Узса бошинг тиғ ила мажлисда жамъ,
Жамъ кўзин ёрутуб, андоқки шамъ,

Хома киби бошинга гар етса шақ,
Сен қилиб ул шақ била зеби варақ.

Тиғ ила етган сойи кўксунгга чок,
Сен бериб, андоқки садаф дурри пок.

Давр ичингни неча қонлиқ қилиб,
Нофа киби атрфишонлиқ қилиб.

Наф дин эл вирди дуо жонинга,
«Ямкусу фил-арзи» сенинг шонинга.

Қайда адо айлагасен бу сипос,
Ким сени деб хайри башар, хайри нос.

Наф етурмакка шиор айладинг,
Ўзунга ул наф ни ёр айладинг.

Наф инг агар халққа бешак дурур,
Билки бу наф ўзунга кўпрак дурур.

Қатрае гар баҳрға сочти саҳоб,

Баҳр қилур қатрасини дурри ноб.

Нахлға деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга мевау гул бермак иш.

Буким эрур сақфға хомил сутун,
Бўлмаса сақф, ул ҳам ўлур сарнигун.

Берса чу шоҳид қошиға вусма зеб,
Вусмани ул қош-ўқ этар дилфиреб.

Холки рухсор уза марғуб эрур,
Ул доғи рухсора била хўб эрур.

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Улки ушатур босибон шишани,
Қилмас аёқ захмидин андешани.

Шуъла тушуб хасғаки тортар алам,
Чун они куйдурди, ўчар ўзи ҳам.

Пашшаки эл бўйнида бўлди мухил,
Бўлди тапонча била-ўқ музмахил.

Чун кўпалак қасдиға азм этти ёш,
Ерга урар бўркин, очиб ўзи бош.

Бумн тепмакка не қуш кирса чуст,
Тепган оёғдурки, қилур дом руст.

Екса ғани тухм қилиб элга зўр,
Тухмини торож қилур хайли мўр.

Кимки фалак сон отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

Сифла нишониси шарорат дурур,
Шуълаға биттабъ ҳарорат дурур.

Бўлса киши мудбир агар бахтиёр,
Ўзига бу амрда не ихтиёр?

Мушкни нофа неча мастур этар,
Атри ани халқ аро машҳур этар.

Кимгаки биззот саховат дурур,

Фақру ғинодин не тафоват дурур.

Ҳаққи, биров хилқатини қилди пок,
Севмаса нопок эл они не бок.

Меваға мағз ўлса бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

Яхши-ёмондин бари эрмас жаҳон,
Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.

Чунки ёмон кўпрак эмиш, яхши оз,
Жазмки, оз ўлғусидур яхши роз.

Ҳақ сўзи дун халқдин имкон эмас,
Дев тили лойиқи «Қуръон» эмас.

Чунки эрур асли ёмон нописанд,
Айламас ул яхшини асло писанд.

Дунки, ёмон феъли анга хуш дурур,
Жазмки, эл яхшиси нохуш дурур.

Бўлди чу эл қилғониға айбжўй,
Мумкин эмас бўлмомоғи айбгўй.

Айб кўзи чунки бўлур тезбин,
Захр кўрар гарчи эрур ангубин.

Улки хаёли бори фосид дурур,
Борча салоҳ аҳлиға хосид дурур.

Лаъл ҳисобида тутар хорани,
Инжу сонар борча садафпорани.

Ҳам кўринур игна синонча анга,
Ҳам билинур ришта йилонча анга,

Кўрса биров хонида қурси фатир,
Дер ани кўк сахнида бадри мунир.

Эл кафида обиладин тоб ер,
Они хасаддин дури сероб дер.

Тун қорасин субҳи сафо соғинур,
Бум парин парри ҳумо соғинур.

Эл майини лаъли равонча тутар,

Турфа буким, хасратидин қон ютар.

Кўрса биров кўз ёшини дурри ноб,
Ришта киби ғамдин урар печу тоб.

Топса музаххаб биров айвонини,
Куйдурур ул ўт била вайронини.

Ҳар киши гул исласа, хор ул чекар,
Бода биров чекса, хумор ул чекар.

Элга нишот ўлса, анга дард эрур,
Дард анинг жониға дархурд эрур.

Яхшиғадур аҳли хасад заҳмати,
Нақднинг ўғридин эрур офати.

Гулгаки юз ҳусну латофат дурур,
Атри жуал жониға офат дурур.

Хизрдин иблис эрур аъмо киби,
Рост зумуррад била аф о киби.

Меҳрки равшанлиқ этар фош ани,
Кимга гунах кўрмаса хуффош ани.

Сувки, берур элга ўлумдин амон,
Тира қилур ўтға етишган замон.

Ғулки, маъвоси биёбон эрур,
Гулшан анинг кўзига зиндон эрур.

Лек қуёш жавҳари чун келди пок,
Бўлса булут нуриға мониъ не бок.

Тушса хазаф остиға рахшон гуҳар,
Қайда гуҳар қадриға андин зарар.

Кавнни ёрутти расули араб,
Нетгай ўзин тира қилиб Бу Лахаб.

Эйки наби қавли била шод сен,
Элга зарар хавфидин озод сен.

Ҳаққи, фалак токи бино айлади,
Жавфида бу дайри фано айлади.

Гулшани давронға бериб зебу фар.

Ҳар гулини айлади тобанда хур.

Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга.

Зумраи инсон аро ҳам комили,
Келди машаққат юкининг хомили.

Улки камол аҳлидин акмал дурур,
Шоҳи русул Аҳмади мурсал дурур.

Меҳри нубувват бу камоли била,
Авжи камол узра жалоли била.

Этти сенинг шомингга мисбоҳлиқ,
Қилди сенинг шонинга маддоҳлиқ.

Наф тегурмакни чу қилди қиёс,
Кўрки, қиёс этти сени хайри нос.

Улки санохон анга субҳон ўлуб,
Ул санга маддоҳу санохон ўлуб.

Ушбу бийик мартаба қадрини бил,
Бўйла улуғ манзала шукрини қил.

Шукр недур? Нафъ фузун айламак,
Базл камандини узун айламак.

Бўлмоқ агар кўп эса ҳам базлсоз,
Бергали ор айламамак бўлса оз.

Хайр муяссар гар эмас ил била,
Наф тегурмак ҳам эрур тил била.

Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлуб,
Сўз била ҳайвон деган инсон бўлуб,

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

Бир сўз этиб онча балиятни даф,
Ким сочибон ганж етишмай бу наф.

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,

Гулшани одам самари сўз дурур.

Сўз била наф ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак кўнглида андешаси.

Кўнгли киши хушлуғидин хуш керак,
Нохуш агар бўлса, мушавваш керак.

Одами эрсжанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Улки киши ўлмагидин шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур.

Қайси бирин кимки тасаввур этар,
Табъға кўрким, не танаффур етар.

Лек биров қилса равонбахшлиқ,
Руҳ киби сўз била жонбахшлиқ.

Нутқи била етмаса бахшойиши,
Зикри эрур табъға осойиши.

Чун сени Ҳақ нодирасон айлади,
Даҳр элига наф расон айлади.

Ҳар киши бу амрға мансуб эрур,
Борча улус кўнглига маҳбуб эрур.

Икки жаҳон тахти била афсари,
Билки эрур бир сари, ул бир сари.

Йўқ бу сифатдин нима марғуброқ,
Лек бир иш мундин эрур хўброқ.

Ким берибон қилмамоқ олмоққа хўй,
Наф расон боимоқу йўқ нафжўй.

Беррнак иши хотиридин кетмамак,
Бермагу, олмоқни хаёл этмамак.

Топқонини сочди эл узра саҳоб,
Ким они Ҳақ айлади гардунжаноб.

Мўр терар ҳарнеки, сочқай киши,
Бўлди тирик гўрга кирмак иши.

Чун сочар эл узра шукуфа дирам,

Ҳақ анга не барглар айлар карам.

Элки йиғар ҳарне ул айлар нисор,
Андин эрур дарбадару хоксор.

Шишаки рухсор уза сепгай гулоб,
Тоқ уза асрарлар ани орзулоб.

Чунки супургу йиғар инак далил:
Ётмоқ эшик кейнида хору залил.

Зулфи санамламинг эрур мушкпош,
Ким они рухсор уза асрар қуёш.

Бўлди бу сунбул исидин хўшачин,
Ким қаро тупроқ кибидур мушки Чин.

Бил яна бир мартаба мундин баланд,
Ким анга йўл топмоқ эрур аржуманд.

Қайсидур ул: базл очуқ юз била,
Тутмоқ ачиқ бода чучук сўз била.

Базлда ким лутфни қилмас хато,
Зоҳир этар бир йўли икки ато.

Тос аро гар мева эрур дилфиреб,
Устида гуллар эрур ортуқси зеб.

Бўлса неча ҳусну сабоҳат била,
Зор қилур элни малоҳат била.

Олтун агар тожға зийнат дурур,
Устида дур бўлса не нисбат дурур.

Хони музаъфар гар эрур дилписанд,
Хушроқ эрур сепсалар устига қанд.

Улки бу ахлоқ ила айлаб хиром,
Этса жафо айламагай интиқом.

Балки кудуратни сафо айлагай,
Неча жафо етса, вафо айлагай.

Они башар хайлининг инсони
бил, Одамилар одамиси они бил.

Англа кишиликни мусаллам анга,

Юз кишиликча иш эса ҳам анга.

XLVII

Айюби халаф нохалаф ўғрининг эгрилигин тузгони ва гумрохлиқ зулматида анга йўл кўргузгони ва ул шайх силсиласиға кириб, айёрлиқ камандин узгони

Бир кеча Айюби халаф масти роз,
Тўкар эди шамъдек ашки ниёз.

Ашк дури баҳриға побаст эди,
Куймак арошамъға ҳамдаст эди.

Хилватида маскани бир бурж аро,
Дурри самин ўйлаки бир дурж аро.

Бу кеча бир кисабури нақбзан,
Бўлмиш эди масканига нақбкан.

Барча кеча ер тубин айлаб харош,
Ҳуфрасиға чиқти сарой ичра бош.

Англабон Айюб они, дам урмади,
Тоат этиб, ўзига келтурмади.

Ўғри ўшул хуфра ичидин чиқиб,
Ҳарне топиб, эвда тамамин йиғиб.

Онча неким элта олур чоғлабон,
Берк тонгиб орқасиға боғлабон.

Нақбға киргач кичик эрди тешук,
Сиғмадиким беҳад улуғ эрди юк.

Тор ини сичқонға солиб эрди ғам,
Қуйруқиға боғлади ғарбол ҳам.

Кўрди чу Айюбки ожиздур ул,
Қўпти, эшик очтию кўргузди йўл,

Ким, юк улуғдир доғи нақбинг кичик,
Йўл сори келгилки, очуқдур эшик.

Ончаки бероҳлиқ ул кўргузуб,
Шайх бу янглиғ анга йўл кўргузуб.

Кимгаки кўргузсалар, ул навъ йўл
Ўзга йўлидин чиқа олғайму ул?

Ўғрини ул хол забун айлабон,
Қаддин оғир ҳамл нигун айлабон.

Жониға бир ўт солибон сўзу дард,
Ким куюб андин фалаки ложувард.

Эгнидаги юкни бу ўтға уруб,
Ўзлугининг ҳам юкини куйдуруб,

Музтар этиб ранжу малолат ани,
Хас киби ўртаб бу хижолат ани,

Наъра чекиб сел киби тўкти ёш,
Шайх аёғиға фидо қилди бош.

Ул караму авф тилин лол этиб,
Лутф юки жисмини беҳол этиб.

Шайх карам бирла оритти ёшин.
Лутф ила туфроғдин олди бошин.

Англабон ул дард ила холат анга,
Хирқаи фақр этти ҳаволат анга.

Куйди сулук ўтиға жони анинг,
Ўйлаки, махв ўлди нишони анинг.

Ўзлуки чун куйди нечукким хасе,
Топти ул ўт бирла ёруғлуқ басе.

Комил анга берди чу бу парвариш,
Айлади бир авф била мунча иш.

Нетти Навоий қўюбон телбалик,
Сен доғи урсанг бир этакка илик.

Соқий, илик тут, гунахим авф этиб,
Ким чиқадур жоним оғизға етиб,

Бот бўлу бир жом ила еткур футух,
Сабр эса Айюбча, йўқ умри Нух.

XLVIII
ЎН ТЎРТУНЧИ МАҚОЛАТ

Афлок хайъати шикоятидаким, ҳар бириси дурже кўрунур ва ҳар кавкаби бир гавҳари пок, аммо хуққае дурур заҳрнок, балки заҳри заҳри халок. Ва жаҳон луъбати киноятидаким, чобуке кўруриур матбу ва мавзун. Аммо золедурур иши макру фусун. Ва фусуни ҳаддин фузун. Ва ул хуққа лаолиси мазарратидин қалам тилл лол ва бу золнинг жамъи завол

Чарх эрур шуъбадасанж, эй кўнгул,
Топма фиреби била ранж, эй кўнгул.

Шуъбадаси ваҳму гумондин фузун,
Шуъбададин доғи фузунроқ фусун.

Чарх урубон рев ила найранг соз,
Ўйлаки кўк хирқа била тосбоз.

Хирқасида бахядин анжум нишон,
Бўйида бир парча ямоғ - Кахкашон.

Машъали хур бирлаки, даврон қилиб,
Тос аро ўт хирқада пинхон қилиб.

Ўткариб ул хирқа аросидин ўт,
Кўргузубон субҳ яқосидин ўт.

Йўққи, чу субҳ оғзини кулгу очиб,
Ҳийла била оғзидин ўтлар сочиб.

Ўйлаки ул ўтининг учқунлари,
Хирқаси узра сочилиб ҳар сари.

Балки қовурчоқчи киби хийлагар,
Кўргузубон чодаридин минг сувар.

Миху сутунсиз тикибон.чодарин,
Даври этиб чодарининг пайкарин,

Анда бўлуб жилвагари анжуман,
Ҳар сори юз луъбати симинбадан.

Мунчаки луъбат чиқориб симгун,
Қасди бори элга фирибу фусун.

Йўққи, парихондек этиб жисм шақ,
Тиғи била қони ҳилолу шафақ.

Бўйла парихонлиғ ила ахтари,
Жамъ ўлубон гирдида юз минг пари.

Дема парихонки, эрур пиразол,
Қадди боиуб далла сифатлиққа дол.

Анжуми тазвирда ёши анинг,
Субҳ баёзи дема боши анинг,

Ҳам тўкуб эл қонини тадбир ила,
Ҳам олиб эл жонини тазвир ила.

Хусравлар қатли учун тезхуш,
Хусрави ҳам демаки, Фарҳодкуш.

Даҳр арусинки, тамошо қилиб,
Макр ила машшоталиқ ифшо қилиб.

Қўйнида машшоталиғи белгуси,
Субҳи сафид - оби, қуёш - кўзгуси.

Айлабон ул шўхни ороста,
Субҳ дами чун гули навхоста.

Ғоза уруб оразиға гул била,
Зулф ўруб эгнига сунбул била.

Лола била чеҳрасин ол айлабон,
Доғини ул чеҳраға хол айлабон.

Вусма чекиб, сабза била қошиға,
Меъжар етиб, шабнам ила бошиға.

Сарвдин илгига нигор айлабон,
Сувни анга ойинадор айлабон.

Ғунча аро оғзини пинҳон қилиб,
Сўз чоғи ул ғунчани хандон қилиб.

Наргиси шаҳлодин етиб кўз анга,
Савсану раъно тилидин сўз анга.

Наргисига ғамзау ноз ўргатиб,
Ғамзасини шуъбадабоз ўргатиб,

Чунки безаб хулди бариндек ани,
Хулд неким, луъбати Чиндек ани.

Жилва бериб ел аро зеболиғин,
Зоҳир етиб ҳар сори раънолиғин.

Мунча фусунким, қилиб изҳор анга,
Бўлмоқ учун халқ гирифтор анга.

То ани ҳар кимки кўруб зор ўлуб,
Ишқ камандиға гирифтор ўлуб.

Чун кўруб ул золни бир Рустаме,
Бўлди ҳавосида асири ғаме.

Зоҳир етиб ўртада даллолалиқ,
Айтма даллолаки, муҳтолалиқ.

Ул қадар афсун нуҳуфт айлабон.
Ким ул икки тоқни жуфт айлабон.

Маҳкам етар чоғда алар ақдини,
Маҳр етибон жавҳари жон нақдини,

Маҳри маажжал бу дам ар жон бўлуб,
Тонгла муажжал анга имон бўлуб.

Шоҳиди раъноки топиб бўйла даст,
Ошиқини айлади шоҳидпараст.

Ажзу забунлуқ кўруб ойин анга,
Даъви ета бошлади кобин анга.

Маҳри маажжал тилабон жон олиб,
Сўнгра муажжал тилаб имон олиб.

Жон била имонни чу торож етиб,
Даҳр евидин они ихрож етиб,

Они чиқорғоч, кивуруб ёнани,
Ўз қилибон, бир яна бегонани.

Анга доғи тарки вафо айлабон,
Ўзгага доғи бу жафо айлабон.

Турфа буким, юз келибон минг кетар,
Минг чу кетар, кейнича юз минг етар.

Бўйла бўлуб, келмагу кетмак иши,
Кетгуси бу базмға келган киши.

Давр иши бу навъ тахайюл топиб,
Оҳки, бу давр тасалсул топиб.

Силсила бу навъ азал то абад,
Келгучию кетгучи беҳадду ад.

Гар юзу гар минг фалак айлаб табоҳ,
Оҳ, жафосидин анинг юз минг оҳ.

Минтақаси бирла муаддил хатин,
Яъни ўшул икки ҳамойил хатин

Кўрмак ила фаҳм қилур борча ел,
Ким нега боғлабдур ики ерда бел.

Даврасидин хоҳ куну хоҳ тун,
Топиб ўзин зеру забар туну кун.

Меҳнатидин меҳр юзи сорғориб,
Балки янги ой ҳам ўзидин бориб.

Субҳ тўнин чок етиб онинг ғами,
Шорн либосини қилиб мотами.

Ўтни иситмадин етиб беқарор, Элни
югурмакдин етиб хоксор.

Дағдағаси сувни жаҳонгард етиб,
Сарсари туфроғни худ гард етиб.

Баҳр анинг қасди била заҳрфом,
Заҳр асари айлаб ани талхком.

Конни анинг зулми қилиб тирабахт,
Ўйлаки қон боғлаб ичи лахт-лахт.

Дурға жафоси бўлубон онча фош,
Ким бўлуб ўз ҳолиға бир қатра ёш.

Лаълға ниши тегиб онча аён,
Ким бўлуб ўз захмиға бир қатра қон.

Ўйла булут ҳоли ғамидин табоҳ,
Ким бўлуб ўз дардиға бир тийра оҳ.

Чашма кўруб баски ҳам андин ситез,
Бир кўз ўлуб, ўз ғамидин ашкрез.

Булбул анинг андуҳидин дарднок,
Андин ўлуб гул тўни юз ерда чок.

Тоза туган зоҳир етиб лоладин,
Ул туганин қонға бўяб жоладин.

Фоҳиша кўзидин оқизиб қонини,
Май ўтидин куйдуруб ел жонини.

Гарчи улус жони аро ўт солур,
Берганини барча кишидин олур.

Лек бу ҳамким тутубон ёр ўзин,
Кўргузур ел ҳолиға ғамхор ўзин.

Зоҳир етиб нашъу намо неча кун,
Элни қилур комраво неча кун.

Бирни қилиб жоҳда Қорун киби,
Бирини риф атда Фаридун киби.

Ушбу иши доғи мувофиқ эмас,
Балки мингидин бири лойиқ эмас.

Ўйла гумон айлаки чархи дани,
Ким кўрунур даврда парвизани.

Олам ели яхши агар дун эрур,
Борчаға ул чамбар аро ер берур.

Чунки бу навъ айлади ел ҳолини,
Дойир етар ҳар сори ғарболини.

Яхшини бебокдин айлар жудо,
Покни нопокдин айлар жудо.

Эмдики айрилди шарифу хасис,
Қолмади бир пояда дуну нафис.

Қай бириким, бор эди кўпрак дани,
Қилди ани лутф ила кўпрак ғани.

Ким шабадин айламайин дурни фарқ,
Фарқин анинг дурлар аро қилди ғарқ.

Гулшани даҳр ичраки, ҳар бебасар,
Бор эди наргис киби кўтаҳназар.

Қўйди анинг базмида гоҳи фараҳ,
Сим табақлар уза олтун қадаҳ.

Гулники покизасиришт англади,
Зевари гулзори биҳишт англади.

Хори бало бирла етиб мубтало,
Уздию совурдию қилди жало.

Ул териким, ринд қилур журъадон,
Мушки Хўтан айлади анда ниҳон.

Қайда адими Яман идрок етиб,
Айлади қурбон ани юз чок етиб.

Улки кириб тиғдек ел қониға,
Рутбада солиб они шаҳ ёниға.

Ўқ киби тузлар бори андин залил,
Кишдин ихрож бўлуб мил-мил.

Турфа буким, яхши дегил гар ямон,
Муҳлат агар берса бир озроқ замон,

Ханжари бедодни қилғонда тез,
Яхши-ёмон бирла тенг айлар ситез.

Кимники тахт узра қилур аржманд.
Тахта уза оқибат айлар нажанд.

Кимгаки бир тахта киз айлар паноҳ,
Анга доғи тахта қилур хобгоҳ.

Кимгаки бир жорн тутар нўши баҳр,
Оқибатул-амр езар анда заҳр.

Йўқ киши ул жомни нўш етмаган,
Сўнгра бу заҳр ила хуруш етмаган.

Ҳар киши шаънинки, рафет айлади,
Амриға оламни мутеъ айлади.

Қилди яна жавр била зердаст,
Даст-бадаст айлади туфроққа паст.

Даҳрда ул хайлки, шоҳ ердилар,
Додгару мулкпаноҳ ердилар,

Бирни қатил айламайин қўйдиму?
Зору залил айламайин қўйдиму?

Кўрки қаён борди Фаридуну Жам,
Еражу Ҳушанг ила Заҳҳок ҳам.

Салму Манучеҳр ила Навзар қани?
Баҳману Дорову Скандар қани?

Қани жаҳон довари Чингизхон?
Қани жаҳон хони Темур Кўрагон?

Бирга вафо айламади чархи дун,
Кимники чекти, яна қилди нигун.

Давлату иқболи била бўлма шод,
Меҳрига ҳам айламагил еътимод.

Ҳеч дурур ҳосилу боқиси ҳеч.
Кеч боридин бот, вале қўйма кеч.

Сени ул етгунча забун, сен бурун,
Айла, ани фақр ила хору забун.

Токи не илгингда дурур олмай ул,
Борчасидин силк етак, торт қўл.

Ҳарне бор илгингда пароканда қил,
Ўз илигингдин ани шарманда қил.

Панжаи хуршеддек, илгингни оч,
Анда неким сийм эса, оламға соч!

Ул сени. айлар чу тиҳидаст бил,
Билгач ўз-ўзингни тиҳидаст қил.

XLIX

Искандарнинг етти иқлим мамоликин панжаи тасарруфиға киюрғони ҳоли илик била оламдин риҳлат маркабин сурғони

Чунки Сикандар шаҳи иқлимгир
Бўлди жаҳон мулкида соҳиб сарир,

Қолмади бир ерки юруб олмади.
Ерки юруб олмади бир қолмади.

Ҳитаи ҳукмиға кириб баҳру бар,
Қабзаи амриға тушуб хушку тар.

Хутба ўқуб гунбади ахзар уза,
Сиккаи адлин уруб ахтар уза.

Қуллуғини шаҳлар етиб ихтиёр.
Қуллуғи шаҳларға бўлуб ифтихор.

Ҳам шаҳ ўлуб, ҳам валию ҳам наби,
Ҳикмат ила ҳам туз ўлуб машраби.

Зотиға Жамшедлиғ ойин бўлуб,
Кўзгу анга жоми жаҳонбин бўлуб.

Ҳам ети кўк ҳукми муяссар анга,
Ҳам ети иқлим мусаххар анга.

Бўйла ҳумоюнфари фирузбахт,
Дайри фанодин чекар ўлғонда рахт.

Кўрди ажаб ажз ила бечоралиқ,
Оллиға тушти ажаб оворалиқ,

Не ҳукамоси бўлубон дастгир,
Не хадаму бандаси фаррҳонпазир.

Борчаси қолиб бу яшил боғ аро,
Озим ўлуб ул қаро туфроғ аро.

Ўртади чун бўйла заволи ичин,
Бу сўз ила айлади холи ичин,

Ким: «Бу нафаским борадурмен залил,
Навбати шоҳий манга кўси рами.

Қайсиғаким шарти ҳамият дурур,
Мендин анга ушбу васият дурур:

Ким манга чун тойири бўстони қудс,
Қилса ҳаво ёд етиб айвони қудс.

Оҳ ила оламни қаро айлабон,
Хобгаҳим наъш аро айлабон,

Қабрға чун бошлағунгуздур йўлум,
Наъш ёнидин чиқаринг бир қўлум,

То кишиким қилса назар ул сори,
Ибрат ила боққай ўшул қўл сори,

Билгай аниким ети кишвар шаҳи,
Этти фалак мушкилининг огаҳи,

Жисмида жон йўқ бу макондин борур,
Холи илик бирла жаҳондин борур.

Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,
Ушбу илик тажриба басдур анга.

Торт, Навоий, бу жаҳондин илик,
Қайси жаҳон, жавҳари жондин илик.

Соқий, эрур коми дилим мастлиқ,
Мониъ эрур лек тиҳидастлиқ,

Лутф ила бер илгима май жавҳари,
Май неки, ойинаи Искандарий.

L
ЎН БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ

Жаҳл майининг дурдкашлари шаънидаким, салох хирқалари маъсият илгидин чок дурур. Ва май жаҳлининг сархушлари бобидаким, ҳар бири майхона ешигида масту бебок юрур ва йиқуқ майхона аларға тахти Жамшедосо ва синуқ паймона аларға жоми жахоннамо ва надомат ашки ёғиниким, гунох шуъласин ўчурур ва тавба барқи ўтиким, маъсият хирманин куйдурур

Эй тарабинг жомға ҳамдастлиқ,
Жаҳл хуморидин ишинг мастлиқ.

Ўксумайин айши мудоминг сенинг,
Жоми жаҳолат била коминг сенинг.

Купдек ичинга солибон бода жўш,
Кўнглунг ул жўш ила ҳардам хуруш.

Бода солиб жонингга жўши ғурур,
Йўқ санга куп янглиғ ўзунгдин шуур.

Фиску фужур илги чу оғзинг очиб.
Куп киби ғафлат майидин каф сочиб.

Не санга ўлмак ғамидин мотаме,
Не санга паймона тўлардин ғаме.

Этса ажал муҳтасиби нетгасен,
Даф иға тадбир не навъ етгасен?

Урса жафо тоши бу купга туруб,
Ташласа ҳар порасини синдуруб.

Жисминга доғ ўртаса ҳар доғ уза,
Тўкса майингни қаро туфроғ уза.

Зарфи сафолингни ушотғонидек,
Лаъли майинг айласа ер қонидек,

Буки майи жаҳл ичасен беҳисоб,
Бўлғуси бир кун санга бу еҳтисоб.

Неча сенинг мастлиғинг ою йил,
Ой ила йил мастлиғингдин ойил.

Мастки феъли бори муҳмал дурур.
Кўйнинг атфолиға муҳзал дурур.

Кўй бошидин чу бўлур телба фош
Ёғдурур атфол анга ҳар сон тош.

Улки ичиб бодани паймонадин,
Маст чиқар кўйга хумхонадин,

Манглайиким томға тегиб, қон бўлуб,
Бошида дастори паришон бўлуб.

Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,
Қайси ёмон ит, қопоғон ит киби.

Жисмини усруклук етиб дам-бадам,
Ҳар сори кўйса қадам ул сори хам,

Сел сувин топса ичиб, мул киби.
Сой тошини топса отиб гул киби.

Учраса олам гулу тоши анга,
Йўқ олиб отмоққа таҳоши анга.

Тошидин атфол гаҳи бутрабон,
Гаҳ йиқилиб масту маланг ўйнабон.

Гаҳ йиқилиб, гаҳ қўпуб ул ҳар нафас,
Маст солиб ҳар сори қўл ҳар нафас.

Бўйлаки қўпуб йиқилиб пай-бапай,
Бирто йиқилғонда босиб они май.

Май қилибон беҳуда ҳолин анинг,
Қай қилиб олуда сақолин анинг.

Жўлаҳа ғурвошида оҳордек,
Йўққи заған паррида мурдордек,

Қай соқолин ҳар неча нопок етиб,
Ит яламоқ бирла яна пок етиб.

Мастлик уйқуси чу зойил бўлуб,
Кўз очибон бодаға мойил бўлуб.

Не топибон бошида дасторини,
Не кўрубон белида динорини.

Тўнини елтиб яна бир роҳзан,
Ўйлаки сўйғайлар ўлуктин кафан.

Қин қолибон қўлда пичоғин солиб,
Кафши доғи бир тушубу бир қолиб.

Тўн этаги балчиғ ўлуб, олли ўл
Олли ўл, аммо анинг оллида кўл.

Нечаки матлуб ўлубон уй анга,
Бўлмайин уй ғайри узун кўй анга.

Раъша солиб титрамак андомиға,
Оғзи ажаб таъм бериб комиға.

Кисларига махкам этиб қўлини,
Неча тилаб топмайин эв йўлини.

Ўғри тўнин сўйғон эмас эрди бас,
Қолғонин эхдод ҳам олиб асас.

Ул кишидек англаки дармон учун,
Чок этар ўқ захмини пайкон учун.

Эврулубон боши, озиб ҳуши ҳам,
Ёшунуб эгнига баногўши ҳам.

Ҳар сори бу навъ тушуб гом анга,
Кўрки не шакл ўлғаю андом анга.

Мунча машаққат била ранжурлуқ,
Бир сорию, бир сори - маҳмурлуқ.

Дема хумор, они дегил юз бало,
Жамъ ўлубу они қилиб мубтало.

Кўрки, не кирмак бўлур ўз қониға,
Боқки, не бедод эрур ўз жониға.

Бу худ эрур ушбу сифат турфа хол,
Турфароғи буки ул айлаб хаёл.

Ким эрур ушбу иши қаллошлиқ,
Кинду қаландарвашу авбошлиқ.

Кўнглига кирмай бу маломат анинг,
Жонини олмай бу хижолат анинг.

Қилмай асар мунча қабоҳат анга,
Мунча қабоҳатлар ибоҳат анга.

Зол қизи ҳар нечаким бўлса зишт,
Бордур анинг кўзига хури бихишт.

Шоири кажтабъни деким не ер,
Сеҳрдур оллинда не мухмалки дер.

Итки қозон ошиға тегурди тил,
Юз қаролиқ бирла дурур юз қизил.

Улки улус қатлиға жаллод эрур,
Ўғлини ўлтурса доғи шод эрур.

Бўлмас эди гулхани анборкаш,
Бўлмаса мурдор исидин табъи хуш.

Улки кемур сотмоғин айлар шиор,
Юз қаро бў.лмоқдин анга қайда ор.

Чуғзки обод аро манхус эрур,
Лек бузуқ кунжида товус эрур.

Май не ажаб танни ябоб айласа,
Сел не тонг уйни хароб айласа.

Уйни йиқиб сел этар элни жало,
Хоссаки, вайрон ую селибало.

Бодаки йиқмоқ сори-ўқ майлидур,
Жисм уйига билки бало селидур.

Қайси бўлур жисм уйиким, жон уйи,
Жон уйи ҳам демаки, имон уйи.

Селға ҳар сорики туғён эрур,
Шоҳ ила дарвеш уйи яксон эрур.

Бодаға кўргузса киши хиралиқ,
Ақл чароғиға берур тиралиқ.

Томса чароғ ўтиға бир қатра сув,
Уйда ёруғлуқдин илик ўзга юв.

Хосса чароғеки, киши субҳу шорн,
Май суйидин қуйғай анга жом-жом,

Машъал ўтиға сув агар бир аёғ
Қуйса ўчар, кўрки, не бўлғай чароғ

Тира бўлур сув била машъал ўти,
Демаки машъал ўти, манқал ўти.

Манқал йўқ, кўра эрур гар танур,
Сувки етар қолмас анга тобу нур.

Қуйса сув оташгаҳи ичра мажус,
Сандали бир дамда бўлур обнус.

Ҳар кишиким қилса бу сувдин тараб,
Хонасиёх ўлмоғи эрмас ажаб.

Сув демагил оники, бир ўт эрур,
Ким ети кўк хирманини куйдурур.

Шуълаким, ул ўртагай афлокни,
Тушса не қўйғай хасу хошокни.

Эйки вужудунг уйи хошок эрур,
Зор танинг худ бир овуч хок эрур.

Неча бу хошокка ўт урмоғинг,
Неча бу туфроғни совурмоғинг.

Дард ўтидур бодаву хирмон суйи,
Йўққи томуғ ўтию тўфон суйи.

Урма ул ўтни хасу хошокинга,
Қуйма бу сувни бир овуч хокинга.

Гарчи сувдек софию мавзун эрур,
Сувлуғидин ўтлуғи афзун эрур.

Ҳар сувки қайнар сув эрур кўрмаги,
Нисбат эмас ўт била куйдурмаги.

Ҳар неча ўтға илик урса киши,
Этмагу куйдирмак эмаштур иши.

Кимки қизиғ сувға илигин урар,
Ҳар нечаким илги етар ўлтурар.

Ҳосил анинг ўти ўту суйи ўт,
Ранги ўту ламъаи дилжўйи ўт.

Кимки бу тўрт ўт аро бўлғай асир,
Барқ гузаргоҳида ёнғой ҳарир.

Қайси бадан ичра бу тўрт ўт ёниб,
Тўрт аносир тафидин ўртониб.

Йўққи, бўлуб тўрт аносир адам
Ақлу хису дин ила ислом ҳам.

Ўтки, бу навъ ўлса ҳарорат анга,
Не сув этар даф и шарорат анга.

Барқни паст этмади тўфон суйи,
Гул ўтин ўчурмади найсон суйи.

Сувки бу ўт жониға офат дурур,
Тавба чоғи ашки надомат дурур.

Бу ўт ўлур, ашк ёғар чоғи даф,
Йўққи бу ўт, дўзах ўти доғи даф.

Қайда топор қатра бу янглиғ киши,
Наф чоғи қилғучи дарё иши.

Кимни пушаймонлиқ этиб ашкпош,
Гавҳари мақсуд анга ҳар қатра ёш.

Кўзки ҳаё ашки тўкар чун саҳоб,
Қатрасининг ҳар биридур дурри ноб.

Тавба ани англама таъриф ила,
Ким берилур кимсага таклиф ила.

Ёхуд ангаким, мадад этмас билик,
Ахдида мушаф сори элтур илик.

Ёки қачон арбада бунёд этар,
Даф ини айларга қасам ёд этар.

Борча қазо ўтиға хасдур булар,
Тавба ҳисобида эмасдур булар.

Кимки қазо илгида беихтиёр,
Тавба қилурда анга не ихтиёр.

Тавба эрур журмға топмоқ вуқуф,
Оллидағи йўлини кўрмак маҳуф.

Ёки қилур вақтда бероҳлиқ,
Бўлмоқ ул иш айбиға огоҳлиқ.

Билсаки Ҳақ хозир эрур борча вақт,
Қилғониға нозир эрур борча вақт.

Кўнгли аро тушса малолат ўти,
Жонини куйдурса хииолат ўти.

Этса бу холатда тафаккур анга,
Қилғонидин бўлса танаффур анга.

Соиқаи лутфи Илоҳи етиб,
Жозибаи номутаноҳи етиб,

Ўзлукидин қилса жудо Ҳақ ани,
Қўймаса ўз ҳолиға мутлақ ани.

«Тубу илАллоҳ» ила топса футух,
Бўлса бу тавбаки, топибдур Насух.

Ҳақ бу карам қилмаса нетсун киши.
Ўзлуки бирла нечук этсун киши.

Тавба эмас етмайин илхоми ғайб,
Кимки ўзи қилса ушатмоқни айб.

Одами ўз журмиға мухтор эмас,
Тавбасидин доғи хабардор эмас.

Амр бўлуб тавба деса чин дурур,
Гар они хифз этмасалар синдурур.

Тавбаға ҳар кимгаки тавфиқ эрур,
Синмас анинг тавбаси таҳқиқ эрур,

Ўзлук ила тавба табоҳи дегил,
Қилмоғидин тавба илоҳи дегил.

LI

Бани исроилийи Риннинг ўзлукидин тавбаси уйи иртифои қасам қофи тошлари била фалакка чиққони ва май селоби ул бинони йиққони

Бор эди Ринди Бани исроилий,
Бода учун майкадалар соили.

Май бўлубон қути ҳаёти анинг,
Халқ ичида Маймана оти анинг.

Жисми сабу чеккали комил бўлуб,
Майға ўз оти киби хомил бўлуб.

Тортибон эл зарфини майхонадин,
Журъа тахин чеккали паймонадин,

Этмаса гар журъаи лойи анга,
Бўлубон ул лаҳза балойи анга.

Кўп қилибон тавба, вале синдуруб,
Кўнглини тавба ишидин тиндуруб.

Баски қилиб тавбада нуқс ошкор,
Тавба қилурдин бўлубон тавбакор.

Бир саҳари қилди ҳавойи сабух,
Этти иноят эшигидин футух.

Ҳотифе ун чектики, эй булфузул,
Тавба қил эмдики, етишти қабул.

Сен тиладинг бизга ризо бўлмади,
Ғайри ризо хукми қазо бўлмади.

Чунки бизинг соридин ўлди талаб,
Кел бериким, бўлди маҳалли тараб.

Ринд ичига тушубон тоби шавқ,
Ашк бўлуб жисмига гирдоби шавқ.

Ҳар дам ўлуб қисми хузуру сафо,
Тавба солиб кўнглига нуру сафо.

Ҳарнеки йиллар тилаб айлаб ниёз,
Борчаға бир дамда бўлуб сарфароз.

Тавба сори чун ўзи айлаб нишаст,
Шиша киби тавбаси топиб шикаст.

Ҳақ чу они тавбаға маҳрам қилиб,
Садди Скандар киби махкам қилиб.

Ўздин эса тавба бўлур ўйла суст,
Ҳақдин эса тавба бўлур бўйла руст.

Журм Навоийни кўп этмиш малул,
Ё Раб, ўзунг тавба бериб қил қабул.

Соқий, аёқ келтуру тут бизга бот,
Анд бошин, тавба аёғин ушот.

Узр десам, бўғзума қуйғил йиқиб,
Қуйғали кўксум уза лекин чиқиб.

LII
ЎН ОЛТУНЧИ МАҚОЛАТ

Худнамо муханнасвашламинг дунё зийнати иктисобида хийласозликлари ва жонфидо меҳнаткашламинг дин ҳуввати ҳисобида сарандозликлари. Ва ғазо майдони соҳати васфидаким, эр била номард бир-биридин айрилур. Ва шаҳодат кони таърифидаким, гуноҳ дудидин юзи қароргониами сурхрў қилур

Эй сурубон айни жалодат аро -
Рахшини майдони -шужоат аро,

Барқдин ул рахшни кам билмайин,
Кўзига Рустамни доғи илмайин.

Қўрмайин азбас тутуб ўзин бийик,
Ўз бошидин кўкка дегин тўрт илик.

Пўя чоғи рахши бўлуб кўҳтан,
Устида қоплон киби ул пўязан.

Кибр эътибон эл била феълин дуранг,
Қуллаи зулм узра нечукким паланг.

Ит эти қоплон киби қути анинг,
Кибр ели боди бурути анинг.

Чинки топиб қоши учида нишаст,
Чархи даний тоқиға солиб шикаст.

Кибр ила ҳар сори гириҳ қошиға,
Ўзга тафаръун солибон бошиға.

Ужб ила ҳар қоши учида гириҳ,
Ўйлаки ҳар ён қулоғида зириҳ.

Гарчи анга ул сабаби эхтиром,
Турфаки ҳам бидъат ўлуб ҳам ҳаром.

Ҳалқа уруб кўй ити тавқиға таън.
Ҳалқа демаким, бўлубон тавқи лаън.

Зулмда Заххоклиғи билгуруб,
Икки йилон эгнида халқа уруб.

Шаръ хилофини чу фош айлабон,
Юзда сақолини тарош айлабон.

Балки чу бидъатни қилиб иштиғол,
Лойиқ ўлуб, қирқар учун ул сақол.

Зулм хадангини чу паррон қилиб,
Юзини пайконига сухон қилиб.

Икки бурути қили ҳар ён ғулу,
Нафсу ҳаво қушлариға халқамў.

Оғзики бир нукта демай жуз хилоф,
Борча бинойи занаху ўзга лоф.

Бўлди сақол пардаси чун бартараф,
Анда занах зоҳир ўлуб ҳар тараф.

Бошта ўтаға бўлубон жилвагар,
Динин анинг боштин учурмоққа пар.

Ул деб ани шаҳпари Рухул-амин,
Ташлаб ани гарчи билиси лаин.

Парларини бум бошидин сўюб,
Афсари товус анинг отин қўюб.

Орқаға дастори учи теккани,
Тебранури бирла уруб гардани.

Бўрки учин ичкари буккан аён,
Ҳирсу ҳаво қушлариға ошён.

Тўни ипак бўлмаса, кўнгли хазин,
Жинси хитой бўлмаса қошида чин.

Юзида зарбафтдин истаб нишон,
Ҳажв битарга варақи зарфишон.

Балки либосини паранд этмайин,
Бистар этиб тўнға писанд этмайин.

Кўнглок этиб нозу ҳавасдин катон,
Қайси ҳавас, парри магасдин катон.

Парри магас ҳам дема, шабнам дегил,
Терлик анинг устига байрам дегил.

Белига зарришта қурин банд этиб,
Балки зарофат била такбанд этиб.

Ёғлиғи ул хуллаи зарриштакаш,
Ким анга жонлар чекибон риштакаш.

Тўн юзи олтун била жадвал анга,
Балки ўтук тақаси зархал анга.

Рахш уза урғон эгари зарнигор,
Балки жибилгир анга гавҳарнигор.

Турфа абое анга истаб кўнгул,
Ранги сақарлот била долу гул.

Мунчаву юз мунча зарофат била,
Қайси зарофатки, қабоҳат била.

Дев жамолини паридек ясаб,
Хорни гулбарги таридек ясаб.

Жилва қилиб шоҳиди раъно киби,
Бода ичиб гулрухи зебо киби.

Чун тегуруб бода димоғиға нашв,
Сўз мутаоқиб демайин ғайри хашв.

Неча лаванд оллида борча нажис,
Бирида не ақлу не идроку хис.

Гулхану юз зоғи нажасхордек,
Ё заған атрофида мурдордек.

Нукта ёқардек анга беҳад дебон,
Беҳаду андоза хушомад дебон.

Ул қилибон уштулуму хайли рев,
Хайли шаётин, ўзи ўртада - дев.

Борча ани бегиму мирзо дебон,
Хулқини хуш, ҳуснини зебо дебон.

Мунча фазихатлиқ эмас эрди бас,
Ким ура олмай чоғир ўлмай нафас.

Чунки чоғирни қилибон заҳри мор,
Туъма йилон этин этиб ихтиёр.

Ер-ичари борча ҳарому ҳариш.
Бу емак-ичмакдин анга парвариш.

Чун чекибон икки тўла жоми соф,
Лоф ила ҳар дам ушотиб юз масоф.

Тоғ киби тиғ чекиб бедариғ,
Эткуруб ой худиға ҳар лаҳза тиғ.

Гурз ила Баҳром бошин ёнчибон,
Найза била суратиға сончибон.

Пилга йўқ пашшача қадру баҳо,
Песа ипакча кўзига аждаҳо.

Сафҳаи раммол қошида паланг,
Реза сув қуртию йилони наҳанг.

Раъдни деб базмида тунбак уни,
Барқ - кабоби ўтининг учқуни.

Зулм ила ғадр онча бу ғаддорда,
Ким они кўрмай киши куффорда.

Ул нимаким, бош анга сунмай намоз,
Ул нимаким, кўнглига кечмай ниёз.

Миннатининг остида мулку сипоҳ,
Мулку сипах қайси боиур, балки шоҳ.

Демаки ҳар шоҳға миннат қўюб,
"Мо халақАллоҳ"ға миннат қўюб.

Шаҳға газоф онча деб ул тирабахт,
Ким дегин ул бермиш анга тожу тахт.

Таън қилибким, «манга юз минг берур,
Юз, икки юз минг манга лойиқмудур?!

Юз киши рашк этгуча чаркам қани,
Минг йигит отланғуча ўлкам қани?

Ҳолим агар кечса бу янглиғ табоҳ,
Бўлмаса бу шаҳ, яна мулк, ўзга шоҳ!»

Ёва деб ул ҳар кеча фарёд этиб,
Туш-тушидин хайли ҳам имдод этиб.

Мунча анонияту пиндор анга,
Ким берибон нафси ситамкор анга.

Онинг учунким, қачон ўлса набард,
Айласа афлок юзин тира гард.

Икки тарафдин яланғоч тиғи тез,
Солса жаҳон халқи аро рустахез.

Эл юрагин тиғи шикоф айласа.
Хасм бошин гурзи ғилоф айласа.

Арзи хунар бўлса йигитлар иши,
Қилса аён ўз хунарин ҳар киши.

Ул доғи шояд сунубон ишга қўл,
Ул неча минг эл аро бўлғай бир ул.

Бергучи оз-кўпга чу Тенгри эрур,
Кимга берур фатҳни Тенгри берур.

Тенгрига шаҳнинг туз эса нияти,
Нега чекар хайлу сипах миннати?!

Хоссаки бир жоҳили дуну табоҳ,
Жахду жид этгай тилаб ўзига жоҳ,

Миннатиға айласа шаҳ илтифот,
Ҳақ карамидин анга юз минг уёт.

Бир киши ул сафдаки, юз минг дурур,
Рустам эса, бору йўғи тенг дурур.

Айласа ул дам икки Рустам иши,
Бир киши ҳам охир эрур бир киши.

Эйки хароб этти такаббур сени,
Солди такаббурға тасаввур сени.

Ожиз эса Гев ила Рустам санга,
Ерлик эрур анда мусаллам санга.

Ким бу тасаввур била пиндорни,
Нафс ҳавосида йўқу борни,

Кўнглунг уйидин барисин сургасен,
Балки фано ўтиға куйдургасен.

Ҳар нимаким, шаръ хилофидур ул,
Тўккасен ар бодаи софидур ул.

Ҳирсу ҳавас хилъатини чок этиб,
Танни ризо чашмасида пок этиб,

Солибон эгнинга ризо кисватин,
Чеккасен устунга ғазо кисватин.

Ўзни ғазо ишида чуст этгасен,
Белни жиҳод амрида руст этгасен,

Кўнглунг аро ҳиммат агар бор эса,
Зотинг аро журъат агар ёр эса,

Ҳақ йўлида бош қўюбу жон чекиб,
Меҳнатини то эрур имкон чекиб.

Тенгри учун кирсанг агар қонинга,
Миннатини қўйғасен ўз жонинга.

Эйки, етишти бу саодат санга,
Ким эрур им кони шаҳодат санга.

Қўпу бу йўл азмини мардона қил,
Жонинг агар юз эса, шукрона қил.

Этса-ўқ ул пўяда жисминг туши.
Билгил ани гулшани давлат қуши.

Жонинга пайкони ажал ёғмоғин,
Бил бори раҳмат булутидин ёғин.

Тиғким, ул қатлинг учун чекса тил,
Жавҳарини баҳри карам мавжи бил.

Қилғил агар кўзунга кирса ғубор,
Сурмаи ғуфронча ани эътибор.

Марг самумидин агар етса бим,
Бил ани Исо нафасидин насим.

Жисмингга тиғ очса ўлум равзани,
Рухунга жаннат йўли билгил ани.

Қонки сабилиллоҳ ародур сабил,
Қатраси учмоқ гулидиндур далил.

Дин йўлида қонға бўёлғон бадан,
Қондур анга хуллаи гулгун кафан.

Кимки, шаҳодатға мужоҳид дурур,
Қони қизил юзига шоҳид дурур.

Тира эса ҳар неча дуди гуноҳ,
Билки сурар ани шаҳид урғон оҳ.

Миғни бўстон ели сурғон киби,
Абрни тўфон ели сурғон киби.

Журм туни гарчики, жовид эрур
Тиғи шаҳодат анга хуршид эрур.

Лек мужоҳидға керакким ғараз,
Бўлмаса жахд ичра ғанимат эваз.

Кимки ғанимат учун айлар ғазо.
Манъи шаҳодат анга басдур жазо.

Улки жиҳод айласа толон учун,
Сойим эрур неъмати алвон учун.

Қолса тирик ғазв эли майдон аро,
Ўлмак эрур чашмаи Кайвон аро.

Ғазвда ким ўлмаса тортиб тааб,
Оби ҳаёт ичра эрур ташналаб.

Исмға сафдин киши ўткарса гом,
Бил они масжидда риёйи имом.

Сафдин агар қолса кейин не дейин,
Келди нисо қибла сафидин кейин.

Ўлжа учун улки жалодат қилур,
Муздға «Қуръон»ни тиловат қилур.

Ўлмоқ учун бўлмаса ғозиға кин,
Ҳайфдур ўлтурмоқ ани бил яқин.

Кимгаки жонондин эрур жон азиз,
Ҳайфки, қилғай ани жонон азиз.

Улки сиуи газв иши одат анга,
Бўлмаса иқболи шаҳодат анга.

Лек шаҳодат сори тутса умид,
Бил они ҳар маъракада бир шаҳид.

Улки мубоҳот учун истар масоф,
То чиқибон маъракадин урса лоф.

Англа эранликдин ани бенасиб,
Не деса номард эмастур ғариб.

Сунқур агар турнани овлар куни,
Юзни олур бир доғи чиқмас уни.

Туъмаки нармода заған ёд этар,
Топғуча жифе неча фарёд этар.

Яхши эмас гар қилиб айтур киши,
Кўр не бўлур қилмайин айтур иши.

Кимгаки эрлик асари ёрдур,
Бир демас, ар қилғони минг бордур.

Кўрмаган эрликдин ўзин баҳраманд
Бирни доғи қилмаса юз дер баланд.

Вақти била қилди хурус ун аён,
Тинмади бир лаҳза курук мокиён.

Ғайри ғазо кимгаки дилхоҳ эмас,
Кўрса ўзин ўртада лиллоҳ эмас.

Гар иши таърифида тортар наво,
Бил ани раънолиғу нафсу ҳаво.

Лиллах эса яхшироқ элдин қироқ,
Ҳақ чу билур, билмаса эл яхшироқ.

LIII

Абдуллоҳ Муборакнинг буркаъ била жиҳод майдониға кириб, фатҳ жамолидин бурқаъ олғони ва Ҳасан Рабиъ ул жамолни кўруб ҳайрон қолғони

Қилди ривоят Ҳасан бин Рабиъ
Ғазв масофида бу амри бадиъ -

Ким бор эди маърака пайкор ила,
Зумраи исломға куффор ила,

Куфр сипоҳи сафидин пурдиле,
Балки ажал ханжаридек қотиле.

Кирмиш эди кин ила майдон аро.
Солмиш эди рахшини жавлон аро.

Дин чериги қатлиға тиғин билаб,
Наъра урар эрди мубориз тилаб.

Кофири қотил чу забардаст эди,
Ҳар киши бир зарбасидин паст эди.

Кимки хиром айлади майдониға,
Кирди ўзи куч била ўз қониға.

Неча мусулмонни чу қилди шаҳид,
Бўлмиш эди дин чериги ноумид -

Ким саф учидин сурубон бир далер,
Кирди кийик қасдиға андоққи шер.

Меҳр киби кўк темур ичинда ғарқ,

Ламъа солиб тиғи анингдекки барқ.

Чеҳрасини бурқаъ аро ёшуруб,
Ишқ ўти янглиғ ёшурун куйдуруб.

Қаҳр ила кофирға етишган замон,
Ҳамла ҳамон эрдию йиқмоқ ҳамон.

Чунки узотти ани дўзах сори,
Ўйлаки мазбухни матбах сори.

Қойтти келган ёъли бирла юруб,
Кабкхиромин бир-бир монгдуруб,

Дин сипахи сафлариға тушти жўш,
Ҳар сори такбир ила чиқти хуруш.

Этти адув иззатиға хорлиқ,
Куфр ливосиға нигунсорлиқ,

Ғози ўзин чунки аён қилмади,
Кимса анинг ким эканин билмади.

Менда солиб шавқи анинг изтироб,
Топтим ани ҳар сори айлаб шитоб.

Тиғи ҳам эгнида ҳамойил эди,
Бурқаи ҳам юзига хойил эди.

Дедим: «Аё ғозийи нусратқарин,
Тиғ ила зарбингға туман офарин.

Ўлгум ўшул чеҳра ҳавоси учун,
Бурқаинг оч, тенгри ризоси учун».

Тенгии олиии чунки самў айиади,
Чеҳрасидин парда видў айлади.

Иззу шараф тожиға торак эди,
Тораки даҳр Ибни Муборак эди.

Қўйдум отининг аёғиға жабин,
Дедим: Аё носири шаръи мубин,

Кўрмагинга жон бериб аҳли жаҳон,
Недин эрур чеҳрани қилмоқ ниҳон?

Парда хижобини юзунгдин арит,

Саф аро сур, элга ўзунгни танит.

Деди: «Ҳасан, айламагил ижтиҳод,
Улки анинг ишқида қилдим жиҳод.

Жумлаи холимдин эрур огаҳ ул,
Қайси қадам урсам эрур ҳамрах ул,

Тониса улким, манга мақсуд эрур,
Тонимаса олам эли суд эрур.

Ҳар киши коме тиласа ёрдин,
Ёр иши маҳфий керак ағёрдин».

Лек жиҳод ичра бу асғар дурур,
Нафс била айлаган акбар дурур.

Тенгри Навоийға етургай жазо,
Кофири нафси била қилса ғазо.

Соқий, олиб кел қадаҳ эл жонидек,
То сумурай душмани дин қонидек,

Хусрави ғозий кафидин бер набид,
Ичмакидин айлай ўзумни шаҳид.

LIV
ЎН ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ

Баҳор йигитлиги назоҳатидаким, раёҳини нозпарвардларин мулавван хуллалар била ороста қилур. Ва йигитлик баҳори латофатидаким, райҳоний хат била ораз гулин гулу райҳонға ўт солғудек пероста этар. Ва хазон карилиғи бурудатидаким, гулистон ашжори била қушлари ондин бебаргу наво дурур. Ва қарилиқ хазони шиддатидаким, бадан гулистонининг тоза гуллари андин барбодуҳаво

Чун Ҳамал айвонини ёрутти меҳр,
Даҳрға меҳр айлади зоҳир сипеҳр.

Эсти насими саҳари мушкпош,
Боғда фаррошлиғин қилди фош.

Шохни ер юзига гису қилиб,
Балки бу гисуни супургу қилиб.

Бўлди чу фаррош насими шамол,
Септи булут ҳам сувни саққо мисол.

Сув юкидин қад қуйи мойил анга,
Барқи биринжина ҳамойил анга.

Чун супурулдию сув сепилди боғ
Бўлди раёхинға маҳалли фароғ.

Бош чиқара бошладилар боғдин,
Боғ демаким, қаро туфроғдин.

Айладилар ер юзи узра ҳужум,
Гулшани чарх узра нечукким нужум.

Ҳар бири бир тифли суманбўйдек,
Тифл дема, шоҳиди гулрўйдек.

Ҳуснлари ишвау ноз айлабон,
Атрларин ғолиясоз айлабон.

Фарш бўлуб, сабзаи минусиришт,
Хайли раёхин анга хури бихишт,

Шоҳиди гул ҳуснида юз обу тоб,
Шабнам уруб, орази узра гулоб,

Ғунчаи тифл иши овунмоқ бўлуб,
Ўйнамоғи борча ёшунмоқ бўлуб.

Кўргузубон лола ўюн ичра жўш.
Эл учуруб калласидин каллапўш.

Боғда гул тифллари ҳар тараф,
Икки чамандинки чекиб икки саф.

Келтуруб атфол ўюнға кўнгул,
Лек ўюн ҳар сори гулхоча гул.

Тоза гиях тифлға монанд ўлуб,
Белга бўғундин анга такбанд ўлуб.

Анжумдек гунбади даввор уза,
Хайли шукуфа дема, ашжор уза,

Ҳар сори наззораға тифли баҳор,
Очти йиғоч панжарасидин узор.

Йўққи сурук гуирухи душизадур,
Бошларида меъжари покизадур.

Майл қилиб ҳуснға ифшо учун,
Борча бийик ерга тамошо учун.

Жилваи аввал будур ашжорға,
Хайли раёхин била гулзорға.

Бир неча кун гардиши лайлу наҳор,
Ўткарибон навбати ҳусни баҳор.

Лолаву гул бистари туфроғ ўлуб,
Шохда гул ўрниға яфроғ ўлуб.

Шуққаи шингарфи бўлуб сарнигун,
Шох ливоси бори зангоргун.

Боғки, тўн оқу қизил айлабон,
Ул қизил оқини яшил айлабон.

Дур ерига барча зумуррад келиб,
Лаълнинг ўрниға забаржад келиб.

Оқ гул ила гулшани ойинаранг,
Нам асаридин бўлубон борча занг.

Шохи шажар хирқаси ахзар бўлуб.
Хирқа била Хизр паямбар бўлуб.

Соя саводи зулумоти анинг.
Шабнам ўлуб оби ҳаёти анинг.

Боғки бу ҳусну латофат била,
Шоҳиди раъно киби офат била.

Тутти яшил хулла кияр шеваси,
Тугмалари бўлди анинг меваси.

Ҳам бўлубон тугмаи заркор анга,
Ҳам дуру гавҳарға намудох анга.

Оби ўлуб тугмаи зар пайкари,
Оқу қизил олма дуру гавҳари.

Ширада зардолу этиб қанд хал,
Йўқ каду амруд кадуйи асал.

Раз чамани тарфида ҳар гўшае,
Лаъл ила дурдин осилиб хўшае,

Боғ ўлуб ашжору самардин тўла,
Комиледек фазлу хунардин тўла.

Балки бўлуб равза гулистонидек,
Йўққи хирадманд киши жонидек.

Чун узубон меваларин боғбон,
Боғ бўлуб анжуми йўқ осмон.

Сахни гулистонки, самар йўқ анга,
Бир садафедекки гуҳар йўқ анга.

Дур топа олмай шажар ўз тожиға,
Борча бориб ҳодиса торожиға.

Гулшан узуб нақди ниҳондин кўнгул,
Нақд неким, меваи жондин кўнгул.

Заъф бўлуб меваси йўқ шох иши,
Сустайиб андоққи, кўнгулсиз киши.

Бўйла кўнгулсизлиқ ила зорлиқ,
Эткурубон нахлға беморлиқ.

Барг узори ярақоний бўлуб,
Обкаши ришгаи жоний бўлуб.

Шох бўлуб ошиқи маҳзун киби,
Ранжу сариғ юз била мажнун киби.

Дол бу даъвоға паришонлиғи,
Ишқдин ошуфтаву хайронлиғи.

Толға хазон новаки паррон бўлуб,
Жисмида ҳар яфроғи пайкон бўлуб.

Кўрма сариғ ранг ила яфроғни,
Ким ғам ўти куйдурадур боғни.

Тушмаса яфроғдин ўт боғ аро,
Шох ўтундек нега бўлди қаро.

Бас йўқ эди боғ аро бу рустахез,
Ким етибон сарсари дай баргрез.

Шохни бебарг қила бошлади.
Баргни ҳар сорт олиб тошлади.

Рангу сафо қолмади яфроғ уза,
Ётти ўлуклар киби туфроғ уза.

Эл сипахи боғни торож этиб,
Баргча киймак сори муҳтож этиб.

Ҳар сори мева йиғочи жадвали,
Саф била хиндуки чекарлар жали.

Борчаси урёну саросар қаро,
Руд суйидин бори занжир аро.

Эл ситамидин бори тортиб нафир,
Ўйлаки бир хайли яланғоч асир.

Барг дема, химаи матбах дегил,
Шох дема, кундаи дўзах дегил,

Дўзах ўлуб гулшани жаннатсиришт,
Дўзах анинг қошида ббғи бихишт.

Гулшани умр ичра хазону баҳор,
Ҳам бу гулистон била бир хукми бор.

Умр қуёшига чу бўлди маҳал.
Чиққуси байтуш-шарафидин Ҳамал.

Ғунча кулар бўлди ададдин фузун,
Гул очила бошлади ҳаддин фузун.

Жилва қилиб ҳар гули навбоваси,
Ғунчада дилкаш кўрунуб ёваси.

Ўйнамоғу емак ўлуб ком анга.
Йўқ бу ики шуғлдин ором анга.

Мағзиға солғунча хирад шамъи нур,
Кўнглига тушгунча хираддин шуур

Тоза ниҳоли бўлубон сарбаланд,
Сода димоғи бўлубон ҳушманд,

Англаб аниким, юзи гулранг эрур,
Ғамзаси хунрезу кўзи шанг эрур.

Наргисига шеваи ноз ўргатиб,
Шевасини шуъбадабоз ўргатиб.

Жонлар этиб сайд жафоси била,
Қош ила кирпик ўқу ёси била.

Кўзни тилаб уйқуға ром этгали,
Уйқуни кўзларга ҳаром этгали,

Чеҳра уза ўт солибон жомдин,
Дуд чиқормоғ учун исломдин.

Базмдаким, лабни маёлуд этиб, -
Жону хирад ҳушини нобуд этиб.

Лаъли ўтин тез этибон май била,
Ўйлаки рухсори ўтин хай била.

Бу ики ўтдек қани ўт шуълахез.
Ким анга теккан сойи сув бўлса тез.

Хат ароким, лаълин этиб ханданок,
Хизр суйидин қилиб, элни халок.

Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,
Сабзалиқу гуллук ўлуб бартараф.

Боғ шукуфа била гул тарк этиб,
Барг била меваға навбат етиб.

Хиффатидин табъ нуфур айлабон,
Ҳилм ила идрок зуҳур айлабон.

Юз минг эса жаҳлу хато хирмани,
Машъалаи илм кул айлаб ани.

Гулшани хилъатда бўлуб ҳар шажар,
Илму адаб мевасидин борвар.

Таври бори даф и жунун айламак,
Даъби бори касби фунун айламак.

Бирни тафосир қилиб баҳраманд,
Бирни аходис этиб аржуманд.

Бирга бўлуб мадраса оромгоҳ,
Бирга хилватгаҳ ўлуб хонақоҳ.

Чун тўкулииб меваи ахди шабоб,
Борди бақо гулшанидин обу тоб.

Қад шажари ғам елидин топти хам,
Чеҳра гули барги хазон бўлди ҳам.

Қолмади тан нахлида барги ҳавас,
Балки учурди ани совуғ нафас.

Юзки ясаб гунаи барги хазон,
Кулгали атфол бўлуб заъфарон,

Кўзлар этиб эвлари кунжин талош,
Парда осиб ул эв эшигида қош.

Кўз кириб эв кунжига ранжур учун,
Қошлар анга хожиб ўлуб нур учун.

Аъмо учун қилғали касби зиё,
Бирдур агар туфроғ, агар тўтиё.

Кўзга чун ўчти басардин чароғ.
Шишаи айнакдур анга эски доғ.

Икки букулган қадду мадди асо,
Чархи нигун бирла хати истиво.

Қолмай оғиз дуржида дурри самин,
Тишлари «син», лек кашиш бирла син.

Оғиз ўлуб дурж, вале донасиз,
Тишлар ўлуб «син», вале дандонасиз,

Ҳам тиши тасбиҳида бир дона йўқ,
Ҳам оғизъешигида дандона йўқ.

Орқа хати узра бўғунлар анга,
Ришта занах узра тугунлар анга.

Оқ туки аъзо аро юз соридин,
Ёд бериб борча кафан торидин.

Боши қуйи маргни қилмоққа ёд,
Қадди нигун қилмоқ учун хайрбод.

Бир неча кун ҳам бу сифат жон чекиб,
Қон ютубу нолаи хирмон чекиб.

Токи ажал қосиди фармон чоғи,
Тиндурубон кўнглини андин доғи,

Охки, бу базмға ҳар ким етиб,
Навбат ила бу қадаҳ ошом этиб.

Улки ичиб бу қадаҳи талхфом,
Маст адам кўйига айлаб хиром.

Маст хиром айлаб ўзин билмайин,
Бўрғонидин сўнг хабари келмайин.

Элни бу май айлади бир-бир адам.
Навбат эрур бизга доғи дам-бадам.

Охки, умр ўтти жахолат била,
Қолдим ўлум вақти хижолат била,

Умр куни уйқуда қолдим тамом,
Эмдики уйғондим, ўлуб эрди шом.

Андаки қилмоқ керак иш, қилмадим,
Иш қила олмас кунини билмадим.

Борди тириклик чоғи буду набуд,
Ўзни ҳам ўлтурсам эмас эмди суд.

Иш қилур айёрнида гумрах бўлуб,
Иш чу иликдин бориб огаҳ бўлуб.

Вақт каму йўл узуну май ачиғ,
Асру қатиғ хол етибдур қотиғ.

Бўлмаса гар бахшиши раҳматфизой,
Вой, менинг холима, минг қатла вой!

Умр кунин қисмат этибтур қазо,
Ҳар чоғи бир ишга қилур иқтизо.

Ўнғача ғафлат била побастлиқ,
Жаҳл йигирмигачау мастлиқ.

Ўттузу қирқ ичра эрур айшу ком,
Ваҳки, манга ул доғи эрди ҳаром.

Қилмади элликда тараққий киши,
Олтмишу борча таназзул иши.

Этмиш аро вожиб эрур турмоғинг,
Саксон аро фарздур ўлтурмоғинг.

Тўқсон агар бўлди йиқилмоқ керак,
Юз аро жон таркини қилмоқ керак.

Умри табиий кишига бўлса ком,
Истар ўлуб, ҳар сори қилғай хиром.

Умри табиий дема, гар умри Нух,
Бор эса, тавфиқдин ўлмай футух.

Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
Умр неким, андин ўлум яхшироқ.

Умр эрур тақвою тоат учун,
Тенгри буюрғонға итоат учун,

Тоату тақво нечаким хушдурур,
Лек йигитлик чоғи дилкаш дурур.

Хуш кўрунур қилса йигит айшу ноз,
Кўр не кўрунгай агар этса намоз.

Хоки палак айласа қад хам анга,
Они рукуъ этса мусаллам анга,

Кимки йигитликда сарафроздур,
Буки бошин ерга қўяр оздур.

Қорики заъф айлади бошин нигун,
Туз қила олмас илик айлаб сутун.

Бошки тушар ер уза беихтиёр,
Сажда қилурда анга не ихтиёр.

Қорики қаддиға хам ўлди вуқуъ,
Иш қила олғайму экин жуз рукуъ.

Тоат ани билки қилур навжувон.
Қилмаса нетгай қорийи нотавон.

Лек бу вобастаи тавфиқ эрур,
Кимгаки сарриштаи таҳқиқ эрур.

LV

Имоми маъсум Зайнул-обидиннинг сағираи маъсумасининг кабирушшон каломи, агарчи ул сағирадин маъсум эрди

Улки фалакка суруб эрди кумайт,
Машъалаи анжумани аҳли байт,

Хатми нубувватқа бўлуб нуръи айн,
Шамъи валоят Али бин Ҳусайн.

Баски ибодотидин арбоби дин,
Отини айтиб Зайнул-обидин,

Бир куни бир тифлин олиб қошиға,
Меҳр илигин суртар эди бошиға.

Ўйлаки қонуни убувват бўлур,
Тифл сон элга муҳаббат бўлур.

Зоҳир ўлуб таврида осори меҳр,
Айлар эди ҳар нафас изҳори меҳр.

Бор эди бир нодира фарзанд анга,
Жону кўнгул риштаси пайванд анга,

Пардаи исмат аро рахшон қуёш,
Умри замонидин ўтуб олти ёш,

Кўрди отасинки, севар ёшини,
Ёш тўкубон қилди гириҳ қошини.

Чеҳра уза ёшини кўргач имом,
Истади қошиға қилиб эхтиром,

Қилди тасаввур юзида ашкдин,
Ким магар ул йиғлар эди рашкдин.

Шафқат ила меҳр қилиб ошкор,
Дедиким, ул тифл дурур ширхор,

Жандараи махд аро ожиз тани,
Раҳм этибон меҳр ила севдум ани.

Меҳри анинг гар бу сифат фош эди,
Ушбу жиҳатдин эдиким, ёш эди.

Сенки ичим ўртади меҳринг тафи,
Чунки улуғроқсен эрур мухтафи.

Бўлди чу зоҳир санга маъзур тут,
Ғайрат ила рашк тариқин унут.

Бу сўз ила кўпроқ ўлуб дарднок.
Айтти дарё қошида дурри пок.

Ким: «Бу жиҳатдин эмас эрди ғамим
Бал, яна бир ғамдин эди мотамим.

Бир кун эшиттимки такаллум аро,
Борур эди оғзинга бу можаро,

Ким манга маҳбуб Ҳақ ўлдию бас,
Ғайр сори майлға қилмон ҳавас.

Ғайрини кўрдумки севарсен бу дам,
Қилди ичимни мутағаййир бу ғам.

Ғайр ила чун бўлди анинг ширкати,
Жонима ўт солди анинг ғайрати.

Сажда нечук бўлғай анинг бошиға,
Ким топинур Ҳақ била бут қошиға!

Бўлса Самад бирла санам жилвасоз,
Қиблада бўлғайму раво ул намоз».

Чун бу такаллумни эшитти тамом,
Забт қила олмади ашкин имом.

Йиғлади Ҳақ шукрини вожиб билиб,
Ўпти бошин хайр дуоси қилиб,

Тифлға Ҳақдин чу ҳидоят дурур,
Ҳарне қилур тақвою тоат дурур.

Қўйди йигитликта Навоий сужуд,
Чун қариди эмди надомат не суд.

Соқий, ўшул майки хароб айлагай,
Шайхни кайфияти шоб айлагай,

Тутки, бўлубмен харафу нотавон,
Айла мени тоат учун навжавон.

LVI
ЎН САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

Фалак ғамхонасидаким, маоли пароканда а лам дурур такаллуф била

масрур бўлмоқ важаҳон вайронасидаким, омоли хам ул рақам дурур кўнгул уйин маъмур тутмоқ ва ҳар нафаским ҳаёт гулшанидин насим дурур, қадрин билмак. Ва ҳар дамким умр гулидин шамимдурур шукрин қилмоқ ва то баданда хақ амри итоатиға қувват бор, тоатини муғтанам кўрмоқ ва то асҳоб висоли мумкиндур, иликтин бермай, ўзни ҳуррам тутмоқ

Даҳрки ҳуш аҳлиға зиндон эрур,
Бўлғон анга шефта нодон эрур.

Табъни бандиға хамул айлама,
Ақлни чоҳида малул айлама.

Ким сани чун доираи даҳрбанд,
Охир етар туфроғ аро шаҳрбанд,

Бас недур ул ғамдин ўлуб дарднок,
Ўзни ўлумдин бурун етмак ҳалок?

Ўлмак учун мунча недур мотаминг,
Тутқуси мотам санга холу аъминг.

Боиса ғаминг жонинга солма алам.
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам.

Ранжинг учун жисминга солма шиканж,
Айлама бир ранжингни икки ранж.

Доғ кўруб кўксунга иста фароғ,
Қўйма малолат била доғ узра доғ.

Неча жафо етса фалакдин унут.
Ҳар нечаким, кулли эрур саҳл тут.

Ишга неча саъблиқ имкон эрур,
Ким ани осон тутар, осон эрур.

Гар ватанинг Шорн дурур, гар Ҳари.
Шому Ҳири фикрга қилмас гари.

Шод ани бил даҳрда ким ғам эмас,
Даҳр иши чун ғам егали арзимас.

Чунки жаҳон боғи вафосиз дурур,
Умр гули анда бақосиз дурур.

Боғки, вардиға бақо бўлмағай,
Вардки боғиға вафо бўлмағай.

Тутқали ором не лойиқ бу боғ,
Ул гул ила қайда муаттар димоғ.

Умрки хориж дурур ўтган иши,
Ҳар неки ўтти анга етмас киши.

Келмаганидин доғи оқил дэмас,
Не десун ул ишники, маълум эмас.

Тонгла била чун туна кундур адам,
Билки санга қолди бу кун, бал бу дам.

Мозию мустақбалинга бўйла ҳол,
Ҳолинга ҳам неча хаёли маҳол.

Ҳолки бўлди санга бир ону бас.
Анда не ғамгинлик етарсен ҳавас.

Келмагану кетганинг ермас ҳисоб,
Ҳолинга раҳм айлаву чекма азоб.

Қайси нафас айшға топсанг маҳал,
Англа ғаниматки, эрур бебадал.

Ҳар нафасинг жавҳари эрур нафис,
Ким санга ул бир нафас эрур анис.

Жавҳарини ўйла гаронмоя бил,
Ким анга кун лаълини ҳамсоя бил.

Лек қуёш жавҳаридин бу шариф,
Лутф ичида ул мунга бўлмай ҳариф.

Жирмини онинг кўруб аҳли жаҳон.
Кўзга латофат муни айлаб ниҳон.

Онинг ўлуб келмагу кетмак иши,
Буки ўтуб гардига етмай киши.

Куйдуруб ул елни анингдекки хас,
Эл ўлубон бўлмаса бу бир нафас.

Дема нафас, жавҳари зот ушбудур,
Жавҳари йўқ, оби ҳаёт ушбудур.

Бўлди анинг бирла тирик борча зот.
Кўрма ажаб гар дэсам оби ҳаёт.

Балки улус бўлса анинг огаҳи,
Ушбу нафасдур дами Руҳуллаҳи.

Андин агар руҳ топар ерди тан,
Ушбу нафас бирла тирикдур бадан.

Гарчи ул анфоси Масиҳо дурур,
Мартаба андин мунга аъло дурур.

Онсиз эрур руҳ била борча зот,
Мунсиз эмас кимсага мумкин ҳаёт.

Бас муни анфоси муқаддас дегил,
Балки муқаддас дема, ақдас дегил.

Бўйла ғанимат сангадур ҳамнафас,
Онсиз эмасдур санга бир дам нафас.

Ондин ўлуб сайру саботинг сенинг,
Сайру саботинг не, ҳаётинг сенинг.

Сен ани ранжу ғам ила ўткариб,
Юз аламу мотам ила ўткариб;

Бериб анга ғафлат ила хорлиқ,
Ҳашв такаллум била мурдорлиқ.

Фосид етиб ҳарза мақолот ила.
Зойиъ етиб фикри маҳолот ила.

Бўлма яна бўйла муадди анга,
Айлама бу зулму таадди анга.

Ҳақ санга лутф айлади ул турфа ҳол,
Андин уёл, йўқ эса Ҳақдин уёл.

Кел, қўюбон жаҳл хирадманд бўл.
Бир нафаси мустамии панд бўл.

Кўр санга Ҳақдин не карамлар дурур,
Не қадар еҳсону ниамлар дурур.

Буки сени Холиқи кавну фасод,
Қилмади ҳайвону наботу жамод.

Лутф била айлади инсон сени,
Дин йўлида қилди мусулмон сени.

Берди кўрар кўзу ешитур қулоғ,
Айтур тил, атрни англар димоғ.

Андоқ илик доғики, тутғай таом.
Андоқ аёқ доғики, қилғай хиром.

Юз неъмат қилмоқ учун шурбу акл,
Ҳар бирисига яна бир таъму шакл.

Мужмал ила ўтди қалам ёдидин,
Ожиз учун шарҳ ила тиъдодидин.

Қилди карам онча мулавван либос,
Ким ададин ақл ета олмас қиёс,

Маркаблар қуллаву ҳомуннавард,
Ваҳм саманди киби гардуннавард.

Боғлари ул навъки хулди барин,
Сувлари ул таврки мои маин.

Жилва била ҳар бути симинбари,
Кўргузуб ул равзада ҳуру пари.

Қаср бўлуб чархдин аъло анга,
Суву йиғоч кавсару тубо анга.

Симу дирам нақди ададдин фузун.
Дур била гавҳар доғи ҳаддин фузун.

Бу бад инъому ато бир тараф,
Жавҳари ақл ўлди яно бир тараф,

Ким бу сифат гавҳари рахшандани,
Қайси гуҳар, дурри дурахшандани

Дуржи вужудингга ниҳон айлабон,
Дуржни ул нақд ила кон айлабон.

Борча жаҳондин қилиб ашраф сени,
Айлади розиға мушарраф сени.

Топшурубон дурри амонат санга,
Қилди карам тожи каромат санга.

Мунча ниам бердию қилди рақам,
Муники: «Бишшукри тадумун-ниам».

Ҳар неки хони ниам очиб дурур,
Шукри баннинг санга вожиб дурур.

Шукрики онинг ҳаду поёни йўқ,
Кимса адо айламак имкони йўқ.

Борчани қўйдуқ муни-ўқ айту бас,
Ким бу нафаским, сангадур ҳамнафас,

Кирмаги бир неъмат эрур муғтанам,
Ўйлаки кирмаклиги чиқмоғи ҳам.

Бири эрур қути ҳаётинг сенинг.
Яна бири қуввати зотинг сенинг.

Бу икки неъматки намудордур,
Ҳар бирига шукр ери бордур.

Мумкин эмас жон агар етсанг фидо,
Икки нафас шукрини қилмоқ адо.

Англай олурсен ҳакам етсанг тамиз,
Ким Ҳақ етибдур нафасингни азиз.

Ҳақ чу азиз айлади, хор айлама,
Ғайри анинг шукриға ёр айлама.

Жон била сен то нафас имкони бор,
Қадрини билгилки, нафасча не бор.

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.

Боштин- аёғиғача қил сарфи Ҳақ,
Тенгри санга ёр, ўқусангбу сабақ.

Ғафлат агар бўлса бу ишдин даме,
Ким йўқ анингдек кишига мотаме.

Ўзни қилиб ғофилу ошуфтахол,
Ҳар негаким, айлагасен иштиғол.

Гарчи анга манфаати бўлмасун.
Жахд этким, маъсияти бўлмасун.

Яхшилик ар айламасанг иш чоғи,
Айламагил бори ёмонлиқ доғи.

Бўлмаса тарёк ила жонингға баҳр.
Солмағил аччиғ била жомингға захр.

Анда қаю амрки дилкаш дурур.
Борчадин ахбоб юзи хуш дурур.

Асра ўзунгни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин!

Элни ўзунг жонибидин эмин эт,
Ўзни тараб масканида сокин эт.

Қилма улус ирзу иёлиға қасд,
Айлама эл жонию молиға қасд.

Бир нафасе қайғудин озод бўл,
Ёру мусоҳиблар ила шод бўл.

Боғ аро кўрсанг гули навхоста-,
Борча учун суҳбат эт ороста.

Чарла муроот ила ашобни,
Инда такаллуф била ахбобни.

Жонни алар мақдамидин гулшан эт.
Кўзни алар чеҳрасидин равшан эт.

Базл тариқини шиор айлагил,
Ҳар неки борингни нисор айлагил.

Жонинг агар ком эса ихвонинга,
Сарф эту қўй миннатини жонинга.

Жонни бу жамъият ила шод қил,
Сўнгги паришонлиғидин ёд қил.

Бу иш учун чекти сипеҳри барин,
Ҳар янги ой ҳайъатидин тиғи кин.

Ким ики ҳамдамни қарин англаса,
Васл эвида айшгузин англаса.

Қатъ этиб ул нахли барумандни,
Кесгай ўшул риштаи пайвандни.

Бирини хижрон тарафи бошлағай,
Бирини рурқат тарафи тошлағай.

Чарх иши чун бу эмиш оқибат,
Айлар эмиш сўнгра бу иш оқибат.

Бас гул ила савсани озод ҳам,
Норвану сарв ила шамшод ҳам.

Ким бу чаман ичра хиромон эрур,
Борчаси бир-бирига меҳмон эрур.

Ҳар кишиким, бор эса ёре анга,
Ҳар кишиким, ёр эса боре анга.

Ком била васлини айлаб ҳавас,
Топса бу комиға даме дастрас.

Бўйнига қоним мени ёд этмаса,
Рухум ўшул ёд ила шод этмаса,

Бўлди эса васл аро коме анга,
Истаса филжумла давоме анга,

Ҳаққа тилин шукргузор айласун,
Шукр тариқини шиор айласун.

Шояд ўшул шукр ила бир неча дам,
Урғай ўшул васл аро бир неча дам.

Комини қилсун Ҳақ анинг бардавом,
Жониға берсун бу давом ичра ком.

LVII

Чин марғзорининг мушкин ғизолининг шершикорлиғи ва мажруҳ айдларининг анинг домиға гирифторлиғи ва шер панжасидин аламинг ажал туфроғиға ҳамворлиғи

Бор эди Чин мулкида бир нозанин,
Ожиз анинг нақшида нақкоши Чин.

Орази гулзори Хўтандин мисол.
Кўзи бу гулзор аро мушкин ғизол.

Сурати Чин чеҳраи анвар анга,
Мушки Хўтан зулфи муанбар анга.

Ғамзаи бебокиға жонлар асир,

Балки Хито мулкида хонлар асир.

Чинға хатар ғамзаси тарроридиа.
Динға халал турраси зуннoридин.

Аҳли жаҳон ҳуснининг олуфтаси,
Шоҳи замон зулфининг ошуфтаси.

Бир нафасе урмайин онсиз нафас,
Мумкин эмас кимсага жонсиз нафас

Гулрух этар эрди чу майдонга азм,
Қилмоқ учун гўй ила чавгонға азм.

Ҳамрах ўла олмас учун хон анга,
Қўшмиш эди неча нигаҳбон анга,

Ким киши онинг тарафи солса кўз,
Ёхуд анинг жонибидин деса сўз.

Арз қилиб журмини наввоби хос,
Ҳукм тариқи била топқай қисос.

Кун эмас эрдики, неча дарднок,
Бўлмас эди ушбу балодин халок.

Бир кун анинг ишвасидин ошиқе
Ишқу муҳаббат йўлида содиқе.

Йиллар анинг хасратидин қон ютуб,
Қон не бўлур, соғари хижрон ютуб.

Хас киби бир гўша аро эрди паст.
Ким бошиға секритибон етти маст.

Бода чу кучлук эди, ошиқ - заиф.
Чуст йиқилди бўла олмай ҳариф.

Чектилар ул хайли муаккал ани.
Хон қошиға нечани, аввал ани.

Кўрди чу хон неча асири тъааб.
Ҳукми сиёсат била қилди ғазаб.

Ким: «Борисин ер била ҳамвор этинг,
Дой аро ўлтуртунгу девор этинг.

Юзлари болчиғдин ўлуб тошқори,

Халқ кўруб ибрат ила ҳар сон.

Эл доғи ул қаҳрдин олғай ҳисоб,
Ўлғай алар доғи чекиб кўп азоб».

Аҳли жафо амрни чун билдилар,
Ҳарнеки хукм этти, равон қилдилар.

Тоғ аро ёшунди чу заррин ғизол,
Мушки Хўтан сочти насими шамол.

Хонга магар дашт сон эрди базм.
Отланибон шаҳр тўши қилди азм.

Май бошида, ишқ ўти худ жонида,
Шаҳрнинг ошуби доғи ёнида.

Келди йўл ул ергаким ул дой эди,
Ҳар сон юз нола била вой эди.

Англағач ул ишни шаҳи кинавар,
Элни қўюб, айлади ул ён гузар,

Токим алардинки, қазо қилди руст,
Бўлғусидур ишқ тариқида чуст.

Дой аро бир хайлни кўрди асир,
Ҳар бин ўз ҳолиға тортиб нафир;

Борча надомат била афғон чекиб,
Эмдики афғон туганиб, жон чекиб.

Ғайри ҳамул ошиқи озодаваш,
Ким бўлубон ишқ балосиға хуш,

Заъфу сариғ юз била холи ёмон,
Ўйлаки девор орасида сомон.

Тенгрига ҳар лаҳза сано айлабон,
Шукр тариқини адо айлабон.

Ким, бу нафаским чиқадур жон манга,
Ёр ғами айламиш осон манга.

Умриға қолганда икки-уч нафас,
Зикр этибон ёр ҳадисию бас.

Тилида ёр эрдию сўзида ёр,

Оғзида ёр эрдию, кўзида ёр.

Кўргач ани хокими бедодгар,
Кўнглига ул ишқ ўти қилди асар.

Маҳлакадин они халос айлади,
Ёр ҳарими аро хос айлади.

Ишқ балоси аро шукр этти ул,
Кўр не бийик мартабаға етти ул.

Асра, Навоий, бу нафас муғтанам,
Лек дегил ҳар нафасе шукр ҳам.

Соқий, ўлубмен майи рангин учун,
Май демаким, бир санами Чин учун;

Чини аёғлар била маст эт мени,
Чин элидек бодапараст эт мени.

LVIII
ЎН ТЎҚҚУЗУНЧИ МАҚОЛАТ

Хуросоннинг адимул-мисл кишвари баёнидаким, «Ирама зотил-имодиллати лам юхлақ мислухо фил-билод» каримаси оятидур анинг шаънида. Батахсис Ҳирот дорус-салтанасининг амнободи тавсифидаким, «Ва ман дахалаху кона оминан» мазмуни ҳадиси дурур, анинг таърифида Ва гарчи ҳадиқае эрди, аммо қуруб эрди ва лекин шох жўйбори адли ани рашки хулди барин қилди ва агарчи маъмура эрди, аммо бузулуб ерди ва лекин шаҳаншох эхсони меъморидин ғайрати нигорхонаи Чин бўлди

Холиқи ашёки, жаҳон айлади,
Чархни пайдову ниҳон айлади.

Этти фалакники, қилиб мустадир,
Ҳар бири бир шамъ ила бўлди мунир.

Олтиси гар шамъи дурахшандадур,
Лек бин машъали рахшандадур.

Уч қуйи, уч юқори қилди шитоб,
Машъала тўртунч уй аро солди тоб

Шамъ қаю шамъки, фикрал луни,
Ҳар бири бир машъаланинг учқуни.

Машъала йўққим, дури тобон дегил,
Дур демагил, меҳри дурахшон дегил.

Кўк ети иқлимида султон ҳам ул,
Балки алар борча тану жон ҳам ул.

Чун солиб ўртанчи фалак узра нур,
Равшан этиб нуктаи "Хайрул-умур".

Ўйлаки кавкаб ети тақсим эрур,
Билки жаҳон ҳам ети иқлим эрур.

Ҳар бирисига биридин тақвият,
Ҳар бири бирдан топибон тарбият.

Меҳр чу ул олтиға фойиқ дурур,
Андағи иқлим анга лойиқ дурур.

Кўзга кавокиб бўла олғайму фош,
Андаки фош айласа нурин қуёш.

Тўртунчи чархки маъвосидур,
Ҳам ўшул иқлим мураббосидур.

Ерда бу иқлим эрур дилпазир,
Кўкта қуёш торамидек беназир.

Бўлди чу мавзуъ масоҳат фани,
Дедилар иқлими чахорум ани.

Зийнат аро равзаи ризвондур ул,
Равзани қўй, мулки Хуросондур ул.

Соҳати тўртунчи фалакдин васиъ,
Рутбаси еттинчи самодин рафиъ.

Хиттасида шаҳр ададдин фузун,
Ҳар бирининг зийнати ҳаддин фузун.

Шаҳрлари лутф ила хулди барин,
Хўблар ул хулд ичида хури ийн.

Тоғлари оллинда фалак сода дашт,
Борчаға кўк қулласидин саргузашт.

Ҳар бирининг жавфида юз турфа кон,
Конин этиб турфа жавоҳир макон.

Чашмасидин бўлмади зоҳир суйи,
Кондин оқиб, балки жавоҳир суйи.

Даштлари сатх ила ойина ранг,
Сабза ул ойинаға ҳар сори занг.

Сабзасидин гулшани миноға рашк,
Туфроғидин анбари сороға рашк.

Этти фалак нақдиға ганжина ул,
Этти ақолим тану сийна - ул.

Анга жаҳон кўкси келибдур сифот,
Анда кўнгул хиттаи поки Ҳирот.

Кимки кўнгул васфида бурхон деди,
Они бадан мулкига султон деди.

Муни ҳам улким ўзин огоҳ дер,
Борча жаҳон кишвариға шоҳ дер.

Не ажаб ўлса кўнгул ўрниға шоҳ,
Чунки эрур шоҳ ен қалбгоҳ.

Бўлди кўнгул ўрнида бўлмоқ иши,
Ким кўнгул андин уза олмас киши.

Хўб эса не айб кўнгулларга ул,
Бир-биридин келди кўнгулларга йўл.

Зийнати андоққи, бадан пайкари,
Вусъати андоққи, кўнгул кишвари.

Айтма кишвар, деки боғи Эрам,
Дема Эрам, айтки Байтул-ҳарам.

Давраси ул навъки пайки хаёл,
Юз йил анинг даврини кезмак маҳол.

Чархи нигун сатхини ханжор этиб,
Мухраи хуршед ила ҳамвор этиб.

Туфроғини мушксиришт айлабон,
Ҳайъатини рашки бихишт айлабон.

Қўрғонининг пайкари андоқ хасин,
Ким уётиб қалъаи чархи барин.

Даврида ҳар буржиға андоқ уруж,
Ким қолибон остида «Зотил-буруж».

Арки бийикрак тўқуз афлокдин,
Ўйлаки гардун кураи хокдин.

Кунгурида меҳр киби тоблар,
Борча малак хайлиға меҳроблар.

Лавхаси зийнаи била кошинавару,
Коши анга юз фалаки ложувард.

Пили фалак киргуча дарвозаси,
Тоқи само тоқининг андозаси.

Ер тубига хандақи андоқ кириб,
Ким ани ер мухрасидин ойириб.

Қалъасида хисн фалакдек улу,
Шаҳрида анжум сипаҳидек ғулу.

Тўрт тараф жадвали бозор анга.
Кирган улус борча харидор анга.

Ҳарне харидор гумон айлабон,
Сотғучи юз онча аён айлабон.

Қиймати ажнос била ҳар дўкон.
Холи этиб хавсалаи баҳру кон.

Рахтки баззоз териб ранг-ранг,
Атласи афлок киби танг-танг.

Ҳуққаи гавҳар била ҳар жавҳари,
Чарх ила зоҳир қилибон ахтаре.

Кирса чиқар йўл топа олмай кўнгул,
Сайрида савдойи бўлуб ақли кул.

Масжиди Жомиъ яна бир оламе,
Тоқи яна бир фалаки аъзаме.

Шаҳр жаҳон, анда бу ҳам бир жаҳон,
Икки жаҳон бир-бири ичра ниҳон.

Чарх уза зина анинг минбари,
Пояси ул ергачаким Муштари.

Ой кеча қандили жаҳонтоб анга,
Қавси қузах ҳайъати меҳроб анга.

Шаҳри аро бўйла бино беҳисоб,
Қалъасининг тошида худ не ҳисоб.

Ҳар неча кўз тушгуча деворбаст,
Барчада маъмурае элга нишаст.

Топғали таъйини маҳаллот баҳр,
Аҳли маҳаллот ойириб шаҳр-шаҳр.

Шаҳрлар отини маҳаллот этиб,
Бўлди чу юз шаҳр Ҳири от этиб.

Аллоҳ-Аллоҳ, не Ҳири, бу Ҳири.
Бир-биридин турфа анинг ҳар бири.

Икки савобит фалакидин нишон,
Икки хиёбони ики Кахкашон.

Онча хавоиқ бори маъмур анга,
Ким топа олмай киши мақдур анга.

Ҳар улашур нони анинг қурси меҳр,
Олғон ани сойили қадхам сипеҳр.

Ғулғулаи зикр фалакдин ўтуб,
Қайси фалак, хайли малакдин ўтуб.

Мадрасалар ҳар бириси аржуманд,
Пояда кўк мадрасасидек баланд.

Тархда сунъ илги муҳандислари,
Руҳи қудус файзи мударрислари.

Фоидаға аҳли чу очиб варақ,
Гарчи Уторид эса айтиб сабақ.

Тоқлари риф атиға йўқ ҳади,
Ўйлаки кўк гунбадидек гунбади.

Гунбади кошисида кун акси фош,
Ўйлаки кўк гунбади ичра қуёш.

Ҳар сон гулдастаси андоқ баланд,
Ким этибон фикрида гулдастабанд.

Хайли малак қуббасининг зойири,
Ўйлаки сарв узра чаман тойири.

Қубба бўлуб Арши муқаддас анга,
Бир қафаса чархи муқамас анга.

Ҳайъати маҳрути ила мустатил,
Арш сутуни бўлуридин далил.

Мили била махчаси тортиб алам,
Зоҳир этиб нуктаи Лавху Қалам.

Муъзини ҳар тун қуйи шамъин тутуб,
Шамъи кавокибни фалак ёрутуб.

Чарх мурури била таъжилидин,
Минтақа хатти сизилиб милидин.

Ҳар сори бир масжиди олий асос,
Зинатини ақл эта олмай қиёс.

Риф ат анга чархи муалло киби.
Чарх дема, Масжиди Ақсо киби.

Фохта қандилида хилватнишин,
Аршда ул навъки Рухул-амин.

Жамъ ичида тақвию тоат эли,
Балки малак хайли жамоат эли.

Беш навбат ғулғулаким, йўқ ҳади,
Ғулғула йўқ, дабдабаи Аҳмади.

Боғлари ҳар бин жаннат мисол,
Равзаға ҳар гўшасидин гўшмол.

Ғайри мукаррар бори сарманзили,
Айшу тараб манзили ҳар манзили:

Борча чаманлар гулу гулзорлиқ,
Ҳар чамани йўли гириҳкорлиқ.

Ҳар гириҳида гулу гулшан доғи,
Йўққи мусаддаски, мусамман доғи.

Гулларж навъини не дей онча гул,
Онча хе гулким, санай олғонча гул.

Нахлини деҳқонки баруманд этиб,
Шохига юз мевани пайванд этиб.

Бир шажару юз гул ила шеваси,
Турфаки юз нав бўлуб меваси.

Сахнида юз гул чиқориб бир йиғоч,
Ҳар гулининг атри ббриб бир йиғоч.

Қушлари юз навъ хуш илхон бори,
Сабзау гул узра хиромон бори.

Сув тарабангез чекиб ғулғула,
Ўйлаки ишрат нафаси булбула.

Айшға тарғиб келиб ул нидо,
Боғ димоғин таратиб ул садо.

Қасрлари борча рафиу матин,
Килк ушотиб нақшида наққоши Чин.

Зийнат аро ўйлаки чини паранд,
Нақшида наққоши қазо нақшбанд.

Тоқиға кўк поясидин нардбон,
Кунгури даврида Зухал посбон.

Ҳадди жанубисида бир турфа руд,
Руд неким, лужжаи чархи кабуд.

Чарх демайким, юзида ҳар ҳубоб,
Гунбади фирузадин олмай ҳисоб.

Ҳадди шимолийси сори икки нахр,
Ул икидин хурраму сероб шаҳр.

Иккисида таъми зулоли ҳаёт,
Равзадағи тўртга андин уёт.

Хизр суйидек анга равшан зулол,
Нутқи Масих онда насими шамол.

Хиттасиғаўйла муаззам савод,
Ким анга ҳар гўша бир аъзам савод.

Мисру Самарқанд не монанд анга,
Зимнида юз Мисру Самарқанд анга,

Ким ани Ҳақ асрасун офотдин,
Эмин этиб борча балиётдин.

Мундоқ эмас эрдию эрмас шаке,
Мунча неким эрмас эди дахяки.

Мунча шараф топти шаҳ инсофидин,
Улки хирад лол эрур авсофидин.

Хусрави ғози шаҳи равшан равон,
Адлиға шогирд Анушировн.

Айлади шогирдлигин чун ҳавас,
Юз ишидин билди бир ишнию бас.

Адл тариқиға қўюб гомни,
Адл ила ўрганмади исломни.

Йўқ буки юз қоидаи дилпазир,
Салтанат амрида бари ногузир.

Қолдию ул адл ила топти ҳаёт,
Қўйди қиёматға дегин яхши от.

Буки эрур адлға андин баланд,
Диндоғи юз қоидаи дилписанд.

Қолсатонг эрмас бани Одам аро, -
Оти юз онча бори олам аро.

То бани Одам ила олам эрур,
Олам ичинда бани Одам эрур,

Адл ила олам юзин обод қил.
Хулқ ила олам элини шод қил.

Ҳукмунг аро оламу одам доғи,
Йўққи бу икки яна олам доғи.

LIX

Баҳромнинг май мастлиғидин бахти кўзи уйқу майли қилиб, мамлакати биноси ул селдин йиқилғони ва мазлумлар фарёдидин уйғониб тадорукин қилғони

Қўйди жаҳон мулкини чун Язди Жирд,
Айлади Баҳром танаъумни вирд.

Бодаи ғафлат ани маст айлади,
Маст неким, бодапараст айлади.

Шаҳ чу бўлур бода ичиб масти хоб,
Мастлар-ўқ мулкин этарлар хароб,

Хаста кўнгул овломоғ этмай ҳавас,
Шева анга даштда ов эрди бас.

Бода ичиб, қилғучилар шўру шар,
Айладилар мулкини зеру забар.

Ов аро бир кун озиқиб бегумон.
Бўлди биров чотмасиға меҳмон.

Чотма дема, ҳажр қаро шоми де,
Зулму тааб қушларининг доми де,

Ошиқлар кўнгли уйидек йиқуғ.
Тирлари ҳар тарафидин чиқуғ.

Зулм ўқи тешганлари маълум анга,
Бош сиғуруб бир неча мазлум анга.

Борча яланг - ҳодиса торожидин,
Борча нигун зулм илиги кожидин.

Бир қуруқ этмак била сув келтуруб,
Ёв эяси бошлади хизмат туруб.

Шоҳ чу аҳволини қилди савол,
Деди: «Будурким кўрасен борча хол».

Шаҳ деди: «Бу фоқау ажзу ниёз
Недин эрур, рост дегил борча роз?»

Деди: «Бурун яхши эди холимиз,
Зулм хароб айлади аҳволимиз.

Шоҳ улус холидин огоҳ эмас,
Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.

Хайли очибон тамаъ оғзини кенг,
Айладилар мулкни ер била тенг».

Шаҳ кўзига ўтруда кошонае,
Учрадию ҳар эви вайронае.

Деди: «Бу вайрон не эди бурна чоғ?»
Деди: «Сарой эрдию давринда боғ:

Эски дарахту гули навхез анга,
Икки тегирмон суйи корез анга.

Дахлу зироат била ул турфа нахр,
Мазраани кент қилиб, балки шаҳр.

Қолмади корез иши қилмоққа зўр,
Чарх анга кўз тегуруб, бўлди кўр.

Чун қуруди сув, қуруди боғ ҳам,
Қолмади гул, гул неки, яфроғ ҳам.

Ев сувамоғнинг кучи ҳам қолмади,
Балки бу иш қилғучи ҳам қолмади.

Боғу саро борча бўлуб ерга туз,
Зулму тамаъ бўлди, вале бирга юз.

Ҳодиса торожи етиб молға,
Қолдуқ ўкуш ажз ила бу холға».

Шаҳ билиб ул пардада бу тору пуд,
Жониға ўт тушдию бошиға дуд.

Ғам қиличи бағрин этиб чок-чок,
Ёқин эди ғуссадин ўлғай халок.

Ғафлати усруклугидин уйғониб,
Жони хумор ўти била ўртониб.

Совуди кўнглига бори айшу лахв,
Билди эрур ҳарне қилур борча сахв.

Зулм элига фикри завол айлади,
Кўнглида кўп адл хаёл айлади.

Ҳақ била чун қилди бу ният дуруст,
Ким тилабон мужда биров етти чуст.

Дедики, корезни айлаб шикоф,
Чиқди сув ҳайвон сувидек поку соф.

Ев эгаси тенгриға айлаб ниёз.
Деди: «Ҳамоноки шаҳи айшсоз,

Зулм қўюб, адл дурур нияти,
Ким бу асар айлади хосияти».

Шаҳға бу сўздин доғи танбих ўлуб,
Қилди ғани ул киши узрин қўлуб.

Отланибон мулкида дод айлади,
Борча ғамин халқни шод айлади.

Адл анинг кўнглига қилғач гузар,
Кишварига қилди ҳамул дам асар.

Хусрави Ғозики, эмастур даме,
Ким емагай, мулку раият ғами.

Мулки не тонг, гар эрур обод анинг,
Халқи не ҳайрат, гар эрур шод анинг.

То абад ўлсун бори коми раво,
Хаста Навоийға ҳам андин наво.

Соқий, олиб кел қадаҳи дилписанд,
Тут манга, деб шоҳ дуосин баланд.

Жонки чекар зулм, даме шод этай,
Тан уйин ул сув била обод этай.

LX
ЙИГИРМАНЧИ МАҚОЛАТ

Ул мақсуд адосидаким, агарчи бу латойиф мажмуаси сафинае дурур, заройиф тухфидин машхун ва бу заройиф сафинаси жунге дурур фавоиди лаолиси анда гуногун. Ва лекин чун табъ дарёсидин аввал соҳилға келган нафоис дурур ва зихн шабистонидин аввал жттваи зухур қилғон аройис, бу жиҳатдин Султон Бадиуззамон баҳодир дома ҳаётуху аёқиғаким, салтанат боғчасининг аввалғи варди ва хилофат чаманининг бурун қад чеккан сарви нозпарварди дурур, нисор қилилди ва ақд издивожиға тортилдиким, бу насойих кўнглида қолғай ва бу жавоҳирни қулоғиға олғай

Олам аро ҳарне хувайдо дурур,
Сири анинг зимнида пайдо дурур.

Қайда зуҳур айласа моҳияти,
Музмар эрур зотида хосияти.

Келди қуёш хосияти нуру тоб,
Бўлди булут нутфаси дурри хушоб.

Конға эрур гавҳари якто халаф,
Баҳрға ҳам анбари сорб халаф.

Бу халаф инсонға ҳам инсон эрур,
Шаҳға шаҳу, хонға доғи хон эрур.

Кон киби кўрган шаҳи озодани,
Кўрдик анинг гавҳари шаҳзодани.

Гарчи бу кон ичра дури шоҳвор,
Хайли эрурким, борисин кирдигор

Поя аро соҳиби тож айласун,
Меҳрвашу чархдувож айласун.

Улки вале гавҳари якто дурур,
Борчасидин пояда аъло дурур.

Билки эрур мояи амну амон,
Хусрави Жамқадр Бадиуззамон.

Зоти назоҳатда малоик сифот,
Пок сифоти била йўқ ҳеч зот.

Зоти башар, лек сифоти малак,
Балки сифоти била зоти малак.

Махзи латофатдин ўлуб хилқати,
Халқи жаҳон аҳлиға Ҳақ раҳмати.

Эй келибон нутқ ила васфинг маҳол,
Нотиқа васфингда бўлуб гунгу лол.

Улча сенинг хилму виқоринг дурур,
Мен киби эл мидхати оринг дурур.

Меҳрки эл васфидин ўтмиш иши,
Нурин анинг не ўка олғай киши.

Оби ҳаёт элга демак жон берур,
Бу сўз анга бори не таъриф эрур.

Ойни ёруғ, чархни демак баланд
Табъи баланд элга эмас дилписанд.

Мадх ила чун мумкин эмас мидхатинг,
Ўзга жиҳатдин қилайин хизматинг.

Воқиф эрурсенки, шаҳи комгор,
Ким анга кўп маҳфи эрур ошкор.

Даҳр неким тонгла хувайдо қилур.
Ройи бу кун фикр ила пайдо қилур.

Тонгла йўқ, индин бўлур иш дафтарин,
Бир-бир ўқубтур узоғу кун барин.

Ғайб хаёлотида юз минг сувар,
Хотира кўзгусидадур жилвагар.

Мунча камолот ила хукм айламиш,
Ким неки кўнглунгга келур яхши иш

Келгилу оллимда саросар дегил,
Бўлмаса масмуъ, мукаррар дегил.

Шаҳға сўзумдин бор эса эътибор,
Гар санга ҳам панд десам ери бор.

Бил муниким, умр вафосиз дурур,
Давлат ила жоҳ бақосиз дурур

Тушдек эрур даҳрда нокому ком,
Кўз юмуб очқунча ўтубдур тамом.

Даҳр биносини хароб англағил,
Не кўрунур анда сароб англағил.

Жумла жаҳон фонийи мутлақ дурур,
Боқийи мутлақ тиласанг Ҳақ дурур.

Жисм уйининг тархини солғучи ул,
Руҳ анга бергучию олғучи ул.

Олам аро токи тирикдур киши,
Ҳақ била бўлмоқ эрур ансаб иши.

Бўлмаса Ҳақ ёдидин огоҳлиқ,
Билки гадоликча эмас шоҳлиқ.

Бўлса гадо Тенгридин огаҳлиғи,
Бордур анга икки жаҳон шаҳлиғи.

Ҳарнеки бу сафҳада Таҳрир эрур,
Роқим анга хомаи тақдир эрур.

Оллинга келса тиламас иш басе,
Ҳақдин эрур, айлама нолиш басе.

Этса зафар билма илик кучидин,
Бил зафару фатҳни бергучидин.

Шаҳлиғинга айламагил эътибор,
Ҳақ ғазабу лутфиға қил эътибор.

Кўрки не бир лаҳзада бўлди қатил.
Тайри абобил ила "Асҳоби фил".

Қилди адам манзили кошонаси,
Ҳар бирисин биргина қуш донаси.

Ё не сифат тортти Заххок ранж:
Тенгри насиб этти Фаридунға ганж.

Қаҳридин ар шери жаён кўрди бим,
Узди бошин уй сути ичган ятим.

Хайлингаким, сендин эмас жисму руҳ,
Ақл ила имон эшигидин футух.

Ҳақдин эрур бу ниами булъажаб,
Ризқлариға сени қилди сабаб.

Этти сабабликка сени бахтиёр,
Қисмат этарга санга не ихтиёр?

Мундоқ ила бу неча нодон санга,
Бўлмасалар бандаи фармон санга.

Ўйлаки қонуни раёсат дурур,
Борчасига бими сиёсат дурур.

Сангаки Ҳақ лутф этибон тожу тахт,
Қилди каромат ўкуш иқболу бахт.

Ҳукмунга оламни забун айлади,
Эл қадин амрингға нигун айлади.

Мунча карам шукрини гар билмасанг,
Ҳарнеки амр этти адо қилмасанг,

Зоҳир этиб ғафлату мағруриуқ,
Айламасанг амриға маъмурлуқ.

Қаҳр ен борму, ё йўқ дегил.
Мен ани дегунча, ўзунг-ўқ дегил.

Этса ғазаб тунд ели нетгасен,
Мулк анинг мулки, қаён кетгасен?

Айлар эсанг фисқ ила исён анга.
Айла агар бор эса пинхон анга.

Халқдин ул ишда хижолат дурур.
Холиқ агар кўрса не холат дурур?

Ишдаки элдин санга бор инфиол,
Тенгрига зоҳир эса, бўлғай не хол?

Истар эсанг мақсади аслиға юз,
Жодаи шаръи Муҳаммадни туз.

Шаҳки, нажот уйига истар паноҳ,
Ушбу йўл ул уйга эрур шоҳроҳ.

Эгри келур хатти чиқарғоч қалам,
Сатр йўли жодасидин қадам.

Шаръ тариқини шиор айлагил,
Адл ила мулкунга мадор айлагил.

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Кофири одил ани обод этиб,
Мўмини золим ани барбод этиб.

Шаҳки, эрур адл ила даврон анга,
Бўлди сирот ўтмаги осон анга.

Ким юрмак ип уза ком айлади,
Адли чу туз бўлди хиром айлади.

Коминг учун туз бўлу адл айла иш,
Ўқда агар адл йўқ, этмас равиш.

Адлки уч ҳарф ила мақрун эрур,
Ҳар бирига ўзгача мазмун эрур:

«Айн»и анинг рриеҳре эрур тобнок,
Зулм қаро шомини қилмоққа пок.

«Дол»и дағи давлату дин тожидур,
Дин била давлат эли муҳтожидур.

Ҳурға гису қуйиғи «лом»и бил,
Иззу шараф қушлариниртг доми бил.

Тожни кий, меҳр ила кўзни ёрут,
Сўнгғи матин хаблни илгингга тут.

Ҳар неча мазлум сўзи топса тул,
Тули ҳаёт истасанг, ўлма малул.

Зулм ўтидин қилса фиғон додхоҳ,
Сояи адлинг аро бергил паноҳ.

Қўймағил ул сояда қайғу анга,
Шамъ тубин қилма қаронғу анга.

Эмдики, мазлум сўзи чиқти туз,
Золим агар нафсинг эрур, кўрма юз,

Нафским, ул айши мудом истагай,
Санга гунах, ўзига ком истагай.

Гани уза истарки, йилон топса баҳр,
Андин эмас баҳра, вале ғайри захр.

Чекма анинг комини истаб азоб,
Тавба била қилғил анга эхтисоб.

Неча улуғ эрса гунах хирмани,
Элга берур оҳи надомат ани.

Журм ўтиким, шуъласи пайваст эрур,
Узр сиришки суйидин паст эрур.

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир.

Ҳар киши олам элида хўб эмас,
Ҳар кишининг ҳар иши марғуб эмас.

Яхши-ёмонга чу тенг ўлди карам,
Бўлди ёмонға кўпу яхшиға кам.

Лутф насимин тарабангез қил,
Тиғи сиёсатни доғи тез қил.

Неча маразға гар эрур суд қанд,
Нечага ҳам захр эрур судманд.

Маддаким, бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўқ айлар анга даф и фасод.

Бормоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулур андин бадан.

Бўлса керак фикр ила шоҳи замон,
Яхшиға яхшию ёмонға ёмон.

Иккисидин бир киби олса ҳисоб,
Мамлакати ичра тушар инқилоб.

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Ҳам яна оз иш ила қилма нажанд.

Мил уза чиқмоқ ангаким воядур,
Чиқмақу тушмаклик учун поядур.

Поядин ортуқ киши урса қадам,
Бими йиқилмоқдуру ранжу алам.

Тифл хижо билмай ўқур чун савод,
Қил ўқурин зеру-забар эътиқод.

Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.

Нахлсифат шамъ ила муз шушаси,
Мунунг ўт, онинг сув эрур хўшаси.

Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг,

Ғафлат аро хуш кўрубон хуш дема,
Воқиф ўлуб сўнгра пушаймон ема.

Тушта не хуреки парисон эрур,
Уйғоғ этар фаҳмки, шайтон эрур.

Оз иш учун тунд итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

Бок йўқ, ар кечрак ўлур қатл иши,
Ўлса, сўзунг бирла тирилмас киши

Сувда ҳубоб ўлса дамингдин хароб,
Мумкин эрурму ясамоғлиқ ҳубоб?

Яхши эмас афВ сиёсат чоғи,
Лек керак ишда фаросат доғи.

Гарчи гувоҳ айлади собит гуноҳ,
Озму ўтар шаръда ёлғон гувоҳ?

Ҳар кишинингким, сўзи ёлғон эса,
Айлама бовар, нечаким чин деса,

Қасд ила ёлғон демади ростгўй,
Чин демади саъй ила каззобхўй.

Тун била то субҳ мувофиқ дурур,
Аввали козиб, сўнгғи содиқ дурур.

Тутма тузуб кину адоват фани,
Ўзга киши журми била ўзгани.

Рои эсанг тут бу нафас яхши пос,
Ҳар қўйни ўз аёғи бирла ос.

Ройинга ҳар амрики, келди савоб
Машварасиз этма қилурға шитоб.

Завқ эса табъингға салоҳи била,
Эл сўзи зимнида фасодин тила.

Айлама ўз райингга кўп эътиқод,
Муътамад эл райидин иста кушод.

Шаҳки, раъйини кўп этти писанд,
Раъй кўрар эл тилига солди банд.

Гарчи таваккулсиз эрур азм суст,
Машварасиз қилма таваккул дуруст.

Бўлма малул ўлса кенгашда талош,
Асру узун доғи керакмас кенгош.

Айлар ишингга чу бўлур дастрас,
Вақтидин ўткарма они бир нафас.

Гулга саҳар вақти берур жилва боғ,
Кечга етушса терар ўғлон-ушоғ.

Ўз ишинга ҳар неча кўп бўлса майл,
Тенгри ишига ани қилғил туфайл.

Носихи содиққи, эрур беғараз,
Бил анга оламда топилмас эваз,

Қилса ғалат рифқ ила қилғил даво,
Тенгригадурким, ғалат ермас раво.

Иш куни қўйғонда адув сори юз,
Тўра била бурна ясолингни туз.

Ҳамла кетур размда тақсирсиз,
Билки киши ўлмади тақдирсиз.

Шоми ажал уйида ётмас киши,
Умр куни гўрга ботмас киши.

Икки қадам ёнғуча етгач алам,
Саъй қилу илгари қўй бир қадам.

Нечаки Ҳақ лутфидин ўлди зафар,
Сайъни ҳам бил сабаби муътабар.

Ўйла маош айлаки, чексанг сипоҳ,
Халқ дуоси санга бўлғай паноҳ.

Жаҳд етким, урмасун ўлғоч набард,
Оҳ ели кўзунгга ногоҳ гард.

Қилмади минг душмани кинхоҳ ўқи
Ул яраким, айлади бир оҳ ўқи.

Ғолиб эсанг размда бегонаға.
Қатлға саъй этма бу шукронаға.

Ҳарнеки бу номада мастур эрур
Борчаға шоҳ ишлари дастур эрур.

Ишда агар шаҳға шабиҳ ўлғасен,
«Ал-валаду сирру абиҳ» ўлғасен.

Кўрмагасен йўл аро ранжу надам.
Ҳар қадаме ўрнига қўйсанг қадам.

Зода муриду отани пир бил,
Ҳар ишида ҳукмиға таъсир бил.

Бўлма бу пир оллида тақсирлиқ,
Истар эсанг давлат ила пирлиқ.

LXI

Хожа Муҳаммад Порсодин ҳаж аҳли дуо истидъо қилмоқ ва ўғли Хожа Абу Наср анинг истидъоси била дуо қилмоқ

Ҳақ йўлида хожаи қудсий жаноб,
Роқими «Қудсия»у «Фасл ул-хитоб».

Наъли изи гунбади давворсо,
Улки лақаб келди анга Порсо.

Гарчи ўзи нодираи аср эди,
Ўғли анинг Хожа Абу Наср эди.

Фақрда ул бир шаҳи озодахў,
Ул шаҳи озодау шаҳзода - бу.

Хожаға чун Макка сори бўлди азм,
Хожа Абу Наср доғи бўлди жазм.

Айлаб ато солики атворлиқ,
Ўғли қилиб маҳрами асрорлиқ.

Улки қўюб бодияда-ҳар қадам,
Бу ҳам етиб пўя қадам бар қадам.

Чун неча кун бодия қатъ еттилар,
Манзили мақсадлариға еттилар.

Халқ ҳаж арконини айлаб тамом,
Топибон ул тавф ила олий мақом.

Яхши-ёмон муршиду солик доғи,
Йўқ киши ўрниға малоик доғи.

Истадилар фонию боқий жаноб,
Ҳар тилаги Ҳақ қошида мустажоб.

Халқ ниёзини адо қилғоли,
Борча халойиқни дуо қилғоли,

Мунча улус ичраки кўз тиктилар,
Хожа сори борча рақам чектилар.

Чунки бу иш Хожаға топти вуқуъ,
Хожа Абу Насрға қилди ружуъ.

Айттиким, ул манга фойиқ дурур,
Бўйла баланд иш анга лойиқ дурур.

Кимсаки йўқ раҳбари бу йўл аро,
Мумкин эрур озмоғи ҳар қўл аро.

Йўқ эди бу йўлда манга раҳнамой,
Тенгри мени қилди анга раҳнамой.

Бўлди менинг ишим анга парвариш,
Парваришимдин анга иш қилмоқ иш.

Йўл итари мени ҳаросон қилиб,
Йўлни ҳаросим осон қилиб.

Менда хавотирдин ўлуб юз футур,
Анда сулук ичра шуҳуду ҳузур.

Ўзум учун, онинг учун менда ғам,
Ул гум етиб Ҳақда ўзин, мени ҳам.

Бўйла дебон қилди ишорат анга,
Узрға не ҳадди иборат анга.

Очти илик ашк тўкуб шамъвор,
Ё ичи куйганда нечукким чанор.

Раҳмату афв истамак ойин етиб,
Хожа туруб йиғлабон омин етиб,

Сўнгғи дуо бу эдиким, ё Илоҳ,
Дермен уётдин санга айлаб паноҳ.

Билмас эсам мен тилак ойинини
Айлама зойи анинг оминини.

Саъй етибон ўйла атодек киши,
Этти бу ғайратға ўғулнинг иши.

Ё Раб, ул омину дуо ҳурмати,
Ё ул ўғул бирла ато ҳурмати,

Ким бу ато бирла ўғулни мудом,
Давлату дин тахтида тут мустадом.

Ўзга ўғулларни ҳам ет муҳтарам.
Анга ўғул, мунга иниларни ҳам.

Жумлаи оламға алар ихтиёр,
Олам ели ичра шаҳу шаҳриёр.

Шоҳ дуосида тугонди калом,
Эмди Навоийға эрур бода ком.

Соқий, олиб кел қадаҳи бодае
Шаҳ тутсун, ё ани шаҳзодае.

То бўлайин маст сабоҳу масо,
Неча риё бирла бўлай порсо.

LXII

*Бу фақр кулбасини ажзу инкисор туфроқларин чеҳра чурук сомони уза пешони арақин оқизмоқ била каҳғил етиб, юз оҳу сўз била сувамоқнинг итмоми ва бу фано хирқасини заъфу ифтиқор ямоқларин кирпик синуқ игнасига ашк узук торин тоқиб, юз дарздўзлиқ била ямамоқнинг ихтитоми ва ул меъморлиқ хижолатидин узр ҳужрасиға юз урмоқ ва бу хайётлиқ узридин хижолат ёқасиға бош яшур-моқ ва **Ҳақ** маъмураи еҳсонидин маскани афв тиламак ва хазонаи лутфидин хилъати бахшиш истамак*

Чун мени шайдоваши ошуфта ҳол,
Бўйла таманноға сингурдум хаёл,

Ким неча кун ранжи ниҳони чекай,
Оби ҳаёт истаю жоне чекай.

Нома учун хома тарош айладим,
Хома учун нома харош айладим.

Сафҳа уза килким ўлуб нақшбанд,
Най унидек чекти саririn баланд.

Ўйлаки най нағмада чеккай сафир,
Андин ошурди найи килким сарир.

Най унин андоққи, қилиб истимў,
Зумраи сўфи аро тушгай самў.

Бу най уни савмааи хок аро,
Балки тўқуз гунбади афлок аро,

Солди башар хайлида ғавғо басе,
Хайли малак ичра алоло басе.

Ҳам башар ешитгач ўлуб дарднок,
Дард ила айлаб ёқасин чок-чок.

Ҳам учубон хайли малакдин ҳаёт,
Захм еган қуш киби солиб қанот.

Савтидин ар нохуш, агар хўб эди,
Мулку малак аҳлиға ошуб эди

Эмдики бу гулрухи зебо узор,
Топти хату хол ила нақшу нигор.

Қилди чу машшотаи чарх еҳтимом,
Бўлди ики ҳафталиқ ойдек тамом.

Партавидин чун ёруди машриқайн,
Тушти яна ер-кўк аро шўру шайн.

Чарх дабириға ушолиб қалам,
Меҳбаранинг кейнига солиб қалам.

Хозини гардун етибон қошима,
Меҳр била еврулубон бошима.

Сочиғ учун келтурубон жон била,
Анжуми нақдини тўқуз хон била.

Хайли малак узра дирам сочибон,
Дурру гуҳар нақдини ҳам сочибон.

Ҳурматима гард киби ер қўпуб,
Бошима айланиб аёғим ўпуб.

Оллима юз ганж қатор айлабон,
Бонн аёғимға нисор айлабон,

Бошим уза лаъл сочиб конидин,
Дур тўкубон олима уммонидин.

Мен мутафаккир бу тахайюр аро,
Бал мутахаййир бу тафаккур аро,

Ким бу варақламики, хомам менинг
Қилди қаро ўйлаки номам менинг,

Бу қадар эъзозга қилмас гари,
Балки эмас, хўрдида мингдин бин.

Ҳам ёмон эрмас, вале мунча эмас,
Яхши дурур, васф дегунча эмас.

Маъни агар хўб эса, таркиби йўқ,
Сурати дилкаш эса, тартиби йўқ.

Айтуриға чунки қўюлди кўнгул,
Айтмай ўн байт тутулди кўнгул,

Ким бор эди бошима кўп меҳнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим.

Ул чоғдинким, варақи осмон,
Дудаға зирних қилур шустмон.

Субҳ етар ҳар сори ёғду била,
Тун қорасин пок супургу била.

Тун ёшурур шуққаи анбарвашин,
Субҳ чиқорур алами заркашин,

Рост ўшул чоққачаким, бу алам
Ўзин этар санжақи мулки адам.

Қилмоқ учун тира шафақ ҳарфини
Шорн қўшар дудаға шингарфини.

Чарх қилур зоҳир этиб кавкабин,
Дурға мукаллал қора чодаршабин.

Менда бу мобайн эрур зорлиқ,
Халқ жафосиға гирифторлиқ.

Бир дам улус меҳнатидин ком йўқ,
Бир нафас эл жавридин ором йўқ.

Келгучи бу хаста ғамободиға,
Кетмаги худ келмай анинг ёдиға,

Бир сурок албатта кўруб кетмайин.
Токи бурун икки сурук етмайин,

Ўт солибон хотири вайронима,
Тонгдин ақшомға етиб жонима.

Иш буюруб ўйлаки осон эмас,
Бутмаги ақл оллида имкон эмас.

Узр демак борчаға қаттиғ келиб,
Неча чучук сўз деса, аччиғ келиб.

Базл агар бор эса афлокча,
Ҳар фалаки оллида хошокча.

Ҳар киши кўзинки тамаъ очти кенг.
Қатрау дарё эрур оллида тенг.

Олибу изҳори шикоят қилиб,
Кўпни оз ўрнида ҳикоят қилиб.

Ҳар бирига ўзгача сўз муддао,
Ўзгача сўз демаки, юз муддао.

Бор эса Рустамча биров қуввати.
Ҳотами Тойича анинг ҳиммати.

Илгида Қорунча бўлуб ганжу мол,
Топмоқ эрур халқ ризосин маҳол.

Менки буларнинг баридин фардмен,
Заф уйида ҳамнафаси дардмен.

Мунча ғаму меҳнат ила бовужуд,
Мунча тараддуд била гуфту шунуд.

Заъфи табиий худ ўлуб бир сори,
Борчалари бир сори, бу бир сори:

Кундуз олиб онча юбусат димоғ,
Ким кеча уйқу била топмай фароғ.

Кундузиким, бўлди яна хол бу,
Кечаки бўлди яна аҳвол бу.

Кимгаки фурсат бу сифат бўлса тор
Назми аввш андин қачон имкони бор.

Мен чу дедим узр, эрурмен маоф,
Бўлмаса бу назм дури асру соф.

Ришгаи авқот чу кўтоҳ эди,
Келмади ул навъки дилхоҳ эди.

Чун бу сифатдур бари ойин анга,
Қайдин эрур мартаба чандин анга,

Ким эл аро бўйла тушуб хою хуй,
Ҳар сон солғай бир узун гуфту гўй.

Бўлса эди онча манга дастрас,
Ким кеча-кундузда бир-икки нафас,

Раф ўлубон меҳнату фарсудалиқ,
Этса эди ком ила осудалиқ,

Гўшаи хилват аро айлаб нишаст.
Табъни қилсам эди фикратпараст,

Назм дури истарига хос ўлуб,
Баҳри тахайюл аро ғаввос ўлуб..

Қилсам эди улча хиромим дурур,
Олсам эди ончаки комим дурур.

Билгай эди кимгаки маъни бўлур,
Ким равиши назм деган не бўлур.

Ул биридин чунки тихи қолди жайб,
Кирмаса жайб ичра бу бир ҳам не айб.

Мен бу наво бирла тараннумсарой,
Ким деди ногаҳ хирадн покрой:

К-ей қаламинг ажз мидоди аро,
Бош қўюб инсоф саводи аро.

Ҳақдин ўлуб заъфинга қувват қарин,
Сурати инсофингга юз офарин.

Буки баён айладинг эрмас йироқ,
Ким не олурсен мундин яхшироқ.

Десанг эди ҳам тилагандек баланд,
Бўлсанг эди истагудек дилписанд.

Мунчаму бўлғай эди бозор анга,
Жумлаи офоқ харидор анга.

Бўйлаки савдоси жаҳон ичрадур,
Шўру шари кавну макон ичрадур.

Андин эрурким, бу жаҳон зевари,
Гавҳар аро баҳр ила кон зевари.

Қилди шараф касбини шоҳ отидин,
Меҳру карам зилли Илоҳ отидин.

Улки шараф баҳри анинг зотидур,
Гавҳар ўшул баҳр аро отидур.

Эй сўқулуб сиккаи адл отинга,
Хутбаи давлат ўқулуб зотинга.

Ҳалқа этиб кўкни уётинг сенинг,
Хотами хуршед уза отинг сенинг.

Мен киму мадхингни баён айламак,
Зарраға чарх узра макон айламак.

Қатра керак англаса ўз поясин,
Баҳр ила тенг тутмаса сармоясин.

Лек не иш кимгаки, тақдир эрур,
Анга шуруида не тадбир эрур.

Ўт аро парвонаға девонавор.
Кирмагига қайда эрур ихтиёр.

Телбанинг атфол тоши ёраси -
Емагидин борму дурур чораси?

Шеърки ҳам тушти менинг шонима,
Ул ўту бу тошдурур жонима.

Не де олурмен тузубон баркини,
Мумкин эмас худ туторим таркини.

Гарчи хаёлимға келур гоҳ-гоҳ,
Ким неча бу дағдағаи умркоҳ.

Шеърдур улким демаги суд эмас,
Кўп деса, худ ғайри зиёнбуд эмас.

Улки ғазал чеҳрасига берса зеб,
Англаб ани табъкашу дилфиреб.

Чин демаги ҳарзаву хазён бори,
Турфа буким, яхшиси ёлғон бори.

Кимгаки умрида бу воқеъ дурур,
Умр анга минг йил эса зоеъ дурур.

Авло эрур .улки, уруб гоми фақр,
Кўйи фано ичра чекиб жоми фақр.

Дунё иши майлини оз айласам,
Уқбо узун йўлини соз айласам,

Шарбат эса, ул йўл аро рағбатим,
Бўлса юрак қони менинг шарбатим.

Сим керак бўлса қилурға фароғ,
Ул ҳам ўлуб тандоғи ҳар сорт доғ.

Хилъати давлат яланг эгнимда гард,
Икки аёғ сайрим учун рахнавард.

Соя учун чатрни қилмай писанд,
Пўя аро рахшға йўқ пойбанд,

Сайрда ҳар бир қадамим юз йиғоч,
Тожи шараф бошима жўлида соч.

Яланг аёғим таҳида хорлар,
Силсилаи фақтима мисморлар.

Рахна синуқ бошима ҳар тошдин,
Чиққоли ўзлук тараби бошдин.

Кўзда сиришким дури шоҳонаси,
Борча фано қушларининг донаси;

Чун бу қуш ул дона била ром ўлуб,
Риштаи жисмимдин анга дом ўлуб.

Кўксума ғам ханжари солғон шикоф,
Дард элига жисм уйин айлаб матоф.

Пўя қабарчуқ била айлаб нисор,
Мақдамима юз гуҳари обдор.

Ё дури ашкимки. йўл узра тушуб,
Қонлиқ аёғим тахиға ёпушуб.

Захмларим қони бўлуб қатрабор,
Дарду бало даштин этиб лолазор.

Ох ўти учқунлариким чарх уруб,
Лола ёпурғоғини ел совуруб.

Ҳар шарари лолаға яфроғ анинг,
Тира ўчук жузви ўлуб доғ анинг.

Ранж солиб жисмға фарсудалиқ,
Йўлда даме истасам осудалиқ.

Йўл аро бир тоғ этагин топибон,
Жисмима афлок этагин ёпибон.

Уйқаға қўймоқ тиласам ерга бош.
Такяи хоро манга бир хора тош.

Ер уза туфроғ бўлуб бистарим,
Соядек устига ётиб пайкарим.

Икки аёғимким, юрурдин толиб,
Қўйниға Фарҳод ила Мажнун олиб.

Буки алар ишқича юз жонима,
Дардича минг хотири вайронима.

Келдию мен кимсаға фош этмадим.
Нола чекиб васл талош этмадим.

Иккиси ҳайратда бу холат била,
Ўзлари ишқида хижолат била,

Англаб эрур ишқ мусаллам манга,
Ул бириси, бу бириси ҳам манга.

Ишқ чекиб поям анингдек ратиъ.
Дард қилиб кўнглум анингдек васиъ,

Ким манга кўк ер била яксон бўлуб,
Чарх очуқ гулшани зиндон бўлуб.

Ҳимматим ул авжда силкиб этак,
Ким ёрутуб гарди била кўз малак.

Қилса шабистони шухудум зуҳур,
Хайли малоик анга жамъи туюр.

Тайр дема, ҳар сори хуффош де,
Анжуму кўк хуққау хашхош де.

Деб чу очиб дидаи ибратни кенг,
Бор ила йўқ, йўқ ила борини тенг.

Истабон ўтмак бору йўқдин далер,
Ўйлаки Саййид Ҳасани Ардашер.

Кўнглум этиб бўйла мақом орзу,
Лек бўлуб, нафсға ком орзу.

Ҳиммат учуб равзаи хуррам сори,
Нафс чекиб чоҳи жаханнам сори.

Юзда малакваш бўлуб, аммо нухуфт,
Дев ила шайтон бўлуб иккиси жуфт,

Йўққи бу икки бўлубон жуфту бас,
Ўзларидек юз туғуруб ҳар нафас.

Ҳар кишиким, бўлса ичида ниҳон,
Дев ила шайтони жаҳон дар жаҳон.

Ботин аро бошласа юз макру рев,
Фитна қилиб мунча шаётину дев.

Ҳарне алар солса таманно манга,
Турфа буким, борча мухайё манга.

Тенгри учун, эй кўнгул, инсоф бер,
Диндири агар нафс чиқармас не дер.

Менки бу нафс илгида афгор мен,
Мунча балоларға гирифтормен.

Зоҳирим авқоти ёмондин-ёмон,
Ботиним аҳволи худ ондин ёмон.

Йиғласам ўз хотири ношодима,
Этмагуси ул доғи фарёдима.

Ашкни фарзанки қилай баҳри соф,
Кўксума солиб кема янглиғ шикоф.

Не юруй олғай кемадек пайкарим,
Кўхи гунахдин бўлубон лангарим.

Зоҳири холимда башар сурати,
Сурати жисмимда киши ҳайъати.

Маъни ичинда кишиликдин йироқ, -
Балки аромизда минг иллик фироқ.

Ўзни сафо аҳли қачон бўлса жамъ,
Равшану туз кўргузуб андоққи шамъ.

Кўнгул аро чирмашибон юз йилон.
Балки хавотир елидин қўзғалон,

Улчаки мен-мен демасам яхшироқ,
Яхшилар ўлсун, бу ёмондин йироқ.

Зулмат аро ботиниму зоҳирим,
Турфа буким, ўйла тилаб хотирим,

Ким мени эл аҳли яқин англағай,
Тақвою тоатға қарин англағай.

Ошиқи ғамнок дегайлар бари,
Кўнгли, кўзи пок дегайлар бари.

Кўзни ўкуш саъй ила забт этгамен,
Этса кўнгул забтиға иш, нетгамен.

Ох, менинг холима юз қатла оҳ,
Тутмаса илгим карам айлаб Илоҳ.

Келмаю ёдимға замони ҳаёт,
Қилғоним иш келмаган андин уёт.

Борча ишим хома қаро айламак,
Нўги била нома қаро айламак.

Хома тилимдин ҳам ўлуб хирароқ,
Нома юзумдин ҳам ўлуб тирароқ.

Тушмасалар лужжаи раҳмат аро,
Қайда ююлғай бу икидин қаро.

Ё Раб, агар бўлди каломим узун,
Мундин ҳам журм қилибмен фузун.

Яхши эса, бер сўруғумдин амон,
Бўлса ёмон бошгин-аёғим ямон.

Ҳам ёмоним лутф била яхши қил,
Бўлди чу ул яхши қабул айлагил.

Жилва бер эл кўзига ҳам хўб ани,
Қилғил улус кўнглига марғуб ани.

Ҳар нечаким, журмум эрур печ-печ,
Лекин эрур раҳматинг оллинда ҳеч.

Камлик ила неча манга бўлса бим,
Сен карам айлаким, эрурсен карим.

LXIII

Ул қул ҳикоятиким, аёғи тойилиб, аёғлуқ ошини шоҳнинг боши косасиға урди ва карамлиғ шоҳ оллида ўз ошин пишурди

Бор эди бир хусрави соҳиб карам,
Ким карамидин эл эди муҳтарам.

Хизмат аро бор эди бир қул анга,
Пояи хизматда баковул анга.

Бир кун анинг базмида шилон чоғи,
Шоҳга ҳам иштаҳо ўлғон чоғи,

Накбат аёғиға уруб тошни,
Шаҳ бошиға тўкти исиғ ошни.

Эл дедилар, холи ани ўлтурур,
Ким бу гуноҳиға жазо ул дурур.

Шоҳ боқиб кўрди чу ношод ани,
Лутф этибон айлади озод ани.

Деди вазир: «Эй караминг бедариғ,
Йўқ эди шаънида анинг ғайри тиғ».

Шоҳ деди лутф била завқнок:
«Ким ани худ хижлат этибдур халок.

Кимса ўлукни яна ўлтурмади,
Тиғи сиёсат бошиға сурмади.

Ҳар киши халқ ичра гунахкорроқ,
Афву иноятга сазоворроқ».

Ё Раб, анингдек карам этгувчи шоҳ, .
Юз минг эшигингда эрур хоки роҳ.

Ҳар неча кўп бўлса гуноҳим менинг,
Шукрки, бор сендек Илоҳим менинг.

Хижлат ила қолмади худ жон манга,
Ен дурур айласанг эҳсон манга.

Гарчи эмон қобили лутфу карам,
Лек эмон бир йўли навмид ҳам.

Мен киму баҳри карам этмак ҳавас,
Баҳр агар улдур манга бир қатра бас.

Шукрки, эҳсонинг ўлуб ёварим,
Топти ниҳоят варақин дафтарим.

Ҳайрати аброр кўруб зотини,
«Ҳайрат ул-аброр» дедим отини.

Нуктаи таърихики, аҳсан эди,
Секизу секиз юзу сексан эди.

Ким ўқуса, ё қилур эрса савод,
Рухум агар қилса дуо бирла шод.

Тенгри ишин кому мурод айласун,
Руҳини жаннат аро шод айласун.

Эмди, Навоий, майи шукрона ич,
Ҳар неча бўлса тўла паймона ич.

Соқий, олиб кел тўла паймонае,
Йўқ, ғалат эттим, тўла хумхонае.

То ани кўп-кўп олибон сипқорай,
Куп-куп ичиб, бир дам ўзумдин борай.